

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ф. И. ИКРОМХОНОВА , А.А.ПОЗИЛОВ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАН
КОРРЕКТИВ КУРС ЯРАТИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

(инглиз тили мисолида)

(нолисоний олий ўқув юртлари учун)

Гулистон – 2019

УЎК: 811.111 (072)

КБК 66,4 (5ў)

И-78

Ушбу монография нолисоний олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш муаммоларига бағишланган. Тадқиқот натижасида олинган илмий маълумот, қилинган хулоса ва берилган методик тавсиялар чет тил ўқитиш савиясини кўтаришга хизмат қилади. Тавсия этилган концепция ва тавсиялардан ўқув адабиётлари тузишда фойдаланиш мумкин.

Монография материалларидан нолисоний олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш жараёнида, мавзуга доир назарий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

УЎК: 811.111 (072)

КБК 66,4 (5ў)

Масъул муҳаррир: п.ф.д., профессор Б.Т. Рахимов

Такризчилар:

ГулДУ “Инглиз тили ва адабиёти ” кафедраси доценти, филология
фанлари номзоди Х.Тоджиев

ГулДУ “Ўзбек тили ва адабиёти ” кафедраси доценти, Ф.Г.Шарипов
ТТЕСИ “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси мудири, доцент,
психология фанлари номзоди, Д. Ходжақулова

ISBN 978-9943-4261-2-2

Муқаддима

Педагогика фанлари номзоди, доцент Ф. Икромхонова ва А.Позиллов томонларидан ишланган монография ўта долзарб ва амалий аҳамияти катта мавзунини текширишга бағишланган. Иш билан танишган киши диққатини тадқиқотнинг тили жалб этади. У кўпинча бўладигандек, ортиқча бежама ва тушунарсиз илмийнамо йўсинда эмас, балки жонли сўзлашув тилига яқин услубда ёзилган.

Ишнинг фазилатларидан яна бири ҳар бир нотаниш атаманинг ҳам тушунчавий, ҳам атама сифатидаги маъносини изоҳлаганлигида кўринади. Таълим-тарбия жараёнида ўқиётган ёхуд тарбияланаётган шахснинг ҳам ёш, ҳам индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олишга ҳамда уларда узок истиқболдаги эмас, балки айни вазиятга мувофиқ келадиган мотивация уйғотишга таянган когнитив ёндашув моҳияти муаллиф томонидан тўғри илганган ва асосли ёритилган.

Ишда асосий муаммо бўлмиш “дискурсив компетенция” тушунчасига асосли таъриф берилган, унга хос хусусиятлар ишонарли кўрсатилган. Дискурсив компетенцияда коммуникатив ёндашув устувор бўлиши кераклиги ҳам билгичлик билан асослаб берилган. Тадқиқот объекти ва предметини яхши билгани учун ҳам муаллифнинг фикрлари аниқ ва тушунарли. У нафақат мамлакатимиз ва Россия, балки чет мамлакатларда ишланган илмий ишлардан яхши хабардор бўлганлиги учун чоғиштиришлардан чиқарган хулосалари асосли. Муаллиф томонидан шу кунгача ишланган илмий ишлар таҳлили кенг ёритилган. Улардаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона баҳо берилган. У ҳар бир илмий ишга ҳолис илмий баҳосини беришга, ундаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатишга эришган.

Муаллифларнинг чет тилни ўқитиш тажрибасида ҳозир кенг ёйилиб бораётган културологик ёндашувга муносабати, уни ўз илмий қарашлари тизимига татбиқ этиши жуда ибратли. Монографиянинг 37-бетидagi **“Ахборот олиш мақсад, қолган уч компонент (нутқий мулоқот, лисоний**

бирликлар ва тил техникаси) таълим воситаси мақомида ўрганилиши керак” йўсинидаги қараш дангал ва тўғри экани эътиборга лойиқдир.

Муаллифларнинг чет тилни ўргатишда талабанинг ўрганаётган касбига урғу қаратилиши кераклиги борасидаги фикрлари ҳам тўғри экани билан диққатни тортади.

Умид қиламанки, Ф. Икромхонова ва А.Позиллов томонидан ишланган ушбу монография чет тил ўқитиш методикаси борасида илмий изланиш олиб бораётган олимлар, илмий изланувчилар томонидан кенг кутиб олинади.

ТДПУ “Инглиз тили ўқитиш назарияси ва методикаси”
кафедраси профессори, п.ф.д.,
Г.Т. Махкамова

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида замонавий узлуксиз таълим тизими жорий этилди. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги фармони чет тилларни ўрганиш ва ўргатишга бўлган муносабатни тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Барча ўқув-тарбия муассасалари учун ва ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва улар асосида зарурий ўқув-методик адабиётлар яратиш чет тил ўқитувчилари олдига долзарб вазифа сифатида қўйилди. Таълим назарияси ва амалиётини халқаро стандартлар даражасига кўтариш мақсадида муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки, бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ” [2:249].

Ўқув предметларини, жумладан чет тилни ўргатиш/ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, хорижий юртлар билан турли алоқаларнинг мустаҳкамланиши мутахассисларнинг чет тилларни пухта билишларини тақозо этади. У ёки бу халқ тилини иккинчи ёки чет тил сифатида эгаллаш осон кечадиган жараён эмаслигини ҳисобга олиб, Ғарб ва Шарқ тилларини ўргатиш методикасини тубдан қайта кўриб чиқиш, бу соҳада жаҳон лингводидактикасида эришилган бой тажрибани мамлакатимиз шароитига кенг татбиқ этиш ва, оқибат-натижада, юксак салоҳиятли рақобатбардош кадрларни етиштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев айтганидек “Мустақиллик давридаги республиканинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ижобий сифат ўзгаришлари чет тилларни ўқитишда ҳам ўз аксини топди. Республикамизда чет тилларни ўрганиш ўқувчилар билимларининг ошишига, уларнинг маданий ривожланишига ва маънавий дунёсининг бойитишга имкон туғдиради. «Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви даврида ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши», бу борада жумладан республикамизнинг олий ўқув юртлирида она тили ва чет тилларининг қиёсий типологияси грамматика, лексикология, фразеология, лингвокультурология соҳасидаги билимларини янада юқори даражада ўрганиши муҳим аҳамият касб этади”.

Чет тил узлуксиз таълимнинг барча босқичларида мажбурий ўқув предмети мақомини олган. Жумладан, нолисоний олий билим маскани ўқув режасида Фарб – инглиз, немис, француз тилларидан бирини ўрганиш назарда тутилади. Ҳар бир ўқув юртида ўрганилаётган чет тил талабаларнинг касбий малакаларини сингдиришга хизмат қилади. Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олувчилар чет тил машғулотларида ўзлари танлаган ихтисосликлар бўйича она тилида билим, кўникма, малакаларини ҳосил қилишлари билан бир пайтда ўрганилмиш чет тил воситасида қўшимча соҳавий билимларни ўзлаштирадилар.

Олий таълим даргоҳига қадам қўйган талаба ўрта таълим тизимида ўқитилган чет тилни ўрганишда давом этади. Талабаларнинг ҳозиргача тўплаган лисоний тажрибалари бир хил даражада бўлмаслиги табиий ҳолдир. Ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири талабаларнинг чет тилдан эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини махсус кириш дарслари ўтиш орқали мазкур ўқув юрти дастурий талабларига мослаштиришдан иборат.

Чет тил ўқитиш тарихи саҳифаларини варақлаганда, кириш машғулотларининг турфа номланишларига дуч келамиз: корректив курс, пропедевтик курс, фонетик курс, фонологик курс, кириш машғулот(дарс)лари, оғзаки кириш курси, оғзаки нутқнинг илгарилаши ва б.

Монография мавзусининг долзарблиги қуйидаги муҳим ҳолатлар билан далилланади: (1) ҳозиргача турли терминларда қўлланиб келинган корректив курсларнинг мақсад ва вазифалари муайян ўқув юрти таълим шароитини ҳисобга олмаган; (2) жорий дарслик ва қўлланмалардан ўрин олган корректив курсларда мазкур олий ўқув юртида чет тил ўқитиш тизимига мутаносиблик таъминланган эмас, яъни дастурий талаблар ихтисослик эҳтиёжини қондиришга мўлжалланмаган; (3) талабалар учун зарур лисоний кўникмалар ва нутқий малакаларни комплекс ҳолда шакллантириш назарда тутилмаган; (4) замонавий чет тил ўқитиш методикаси принципларига бўйсундирилмаган, яъни коммуникатив-когнитив ёндашувга риоя қилинмаган ва, ниҳоят, (5) кириш машғулотлари фақат ўқув материални такрорлашга бағишланган бўлиб, талаб этилмиш соҳавий маълумотларни ўргатиш эса эътибордан четда қолган.

Корректив курслар чет тил ўқитиш тарихида, айтиш жоизки, мутахассисларнинг доимий эътиборида бўлган, бинобарин, энг кўп тадқиқ этилган амалий методик масалалар сирасига киради. Лекин жаҳон лингводидактикасида унга оид яхлит илмий изланиш олиб борилган эмас, яъни бу соҳанинг назарий муаммолари муфассал ўрганилган эмас. Коммуникатив ёки лингвистик мақомдаги корректив курс ташкил этиш борасида турфа, аксарият ҳолда зиддиятли, фикр-мулоҳазалар билдирилган, бироқ уларнинг биронтаси ҳам назарий ва экспериментал тарзда пухта асослаб берилмаганлиги кўзга яққол ташланади (Г.А. Белкина, Л.В. Левина; Э.М. Гжанянц, Л.Г. Стабурова; М.М. Касабова; А.К. Ивакова; В.Ф. Сатинова; Н.Д. Лукина; В.В. Морозенко, М.Ф. Турук; В.С. Зотова; Е.Ф. Опельбаум, В.Е. Шевякова).

Масала шундаки, кириш машғулотлари ҳақида сўз борганда, аксарият тадқиқотчилар уни фонетика тушунчаси билан фикран боғлайдилар (Л.А. Горқшник, И.Г. Денисова, А.А. Паталуева, Е.И. Курашвили, Е.С. Михалкова, С.Н. Павлова, Е.В. Яковлева, В.С. Зотова) ёки такрорлаш (Л.А. Бекина, В.П. Кобков) деб тушунадилар. Бу, албатта, мутлақо ғайриметодик талқиндир. Чунки, биринчидан, фонетика маълумотлари корректив курсда фан ёки лингвистик система сифатида ўргатилмайди, бу вазифа назарий фонетика илмининг предметиدير, иккинчидан, фонематик-артикуляцион ва ритмик-интонацион кўникма ҳосил қилиш чет тилда талаффузни йўлга қўйиш ҳисобланади ва у, ўз навбатида, корректив курснинг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади, холос, учинчидан, корректив курснинг ретроспектив таҳлили кўрсатишича, фонетик-корректив машғулотлар методика тарихида узоқ давр муқим амал қилиб келганлигидан қатъи назар, улар ўзини тажрибада оқламаганлиги боис салбий из қолдирган, тўртинчидан, лисоний кўникма ва нутқий малакаларни шакллантиришдек чет тилни амалий эгаллаш мақсадига биноан нутқнинг лексик-грамматик-талаффуз жиҳатлари яхлит тарзда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув сингари нутқ фаолияти турларини ўргатишга хизмат қилишини таъминлаш талаб этилади ва, ниҳоят, бешинчидан, замонавий лингводидактика қонуниятларига биноан у ёки бу ўқув-тарбия муассасида ташкил этиладиган корректив курсни коммуникатив-когнитив метод орқали ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Чет тил ўқитишнинг амалда татбиқ этилаётган коммуникатив-когнитив методи(қаси) доирасида бажариладиган дастлабки машғулотларни коммуникатив-когнитив корректив курс (КККК) номи билан юритиш қўйидаги назарий мулоҳазалар ва амалий эҳтиёжларга асосланади:

1. Чет тил ўрганиш жараёнида талаба мулоқот қилиш орқали тили ўрганилаётган халқ маданиятидан бохабар бўлади.

2. ККККда аввал-ўрта таълимда ўрганилган тил материални такрорлаш олий таълим ихтисосликни эгаллаш учун замин ҳозирлашга ёрдам беради.

3. КKKКнинг мазмун-моҳияти доирасига лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) кўникмаларни ривожлантириш ва нутқ (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, таржима) малакаларини такомиллаштиришдек интеграллашган таълимий тизим киради.

4. Мазкур курс ихтисослик йўналишига оид матнларни ўқиб, янги ва фойдали информация олишдек якуний амалий мақсадни рўёбга чиқиши учун фундамент вазифасини ўтайди.

Олинган илмий маълумот, қилинган хулоса ва берилган методик тавсиялар чет тил ўқитиш сифатини кўтаришга хизмат қилади; инглиз тилидан яратилган замонавий корректив курс модели бошқа чет тилларга ҳам татбиқ этилиши мумкин; тавсия этилган корректив ва интегратив машқлар тизими ўқув адабиётлари тузишда асқотади; диссертация материалидан чет тил ўқитувчилари малакасини ошириш курслари, бакалаврият, магистратура ва аспирантура йўналишларидаги назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин; ишлаб чиқилган коммуникатив-когнитив корректив курс модели чет тил ўқитиш методикасида янги илмий саҳифа сифатида ушбу фаннинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Б и р и н ч и қ и с м

ЧЕТ ТИЛ ТАЪЛИМИДА КОРРЕКТИВ КУРСЛАР ТАРИХИ

“Корректив курс” лингводидактик тушунчасининг илмий талқини

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида таълим назарияси ва амалиётини халқаро стандартлар даражасига кўтариш йўлида муҳим қадамлар қўйилди, жумладан кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Давлат таълим стандарти (ДТС), ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратилди [27; 91 ва б.] ва ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилди.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси доирасида чет тилларни ўргатиш тарихи, назарияси ва амалиёти масалалари бўйича ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказилмоқда [5; 10; 30]. Муайян чет тил (масалан, инглиз тили) ўқитиш илмида таҳлилга тортиладиган муаммолар орасида нолисоний олий ўқув юрт(лар)и биринчи курс талабаларига “Корректив курс“ ўтиш алоҳида эътиборга моликдир. Бунинг туб моҳиятини тубандаги асосий омиллар билан боғлиқ ҳолда очиқ бериш мумкин: (1) академик гуруҳ талабаларининг ўрганилмиш чет тил (мас., инглиз тили)дан олдин олган билим, кўникма ва малакалари таркибида сезиларли фарқланиш кўзга ташланади; (2) чет тил машғулотлари давомида уларнинг бу предметни ўрганишга бўлган мотивацион ўзига хослиги намоён бўлади; (3) нолисоний ОЎЮ ДТС ва ўқув дастури талабларига жавоб берадиган нутқий савияни таъминлашда мазкур фарқланиш ва ўзига хослик тегишли монелик кўрсатиши табиий ҳолдир; (4) чет тил таълимини ташкил қилишда ўқитувчиларга ёрдам берадиган яроқли корректив курс методикаси ишлаб чиқилган эмас; (5) бу соҳада тўпланган назарий ва амалий маълумотлар эса кўпинча чалғитувчи характерга эга.

Дидактикада бошланғич курс/синф(лар)/босқич/машғулотлар каби турли-туман терминлар кенг истифода қилинади. Улар юқори курс/синф/босқич ёки асосий курс тушунчаларига, лингвистик тилда айтадиган бўлсак, антонимик қатор ясайди. Чет тилдан дастлабки машғулотларнинг мазмун-моҳиятини ифодалаш учун ҳам турфа терминлардан фойдаланиб келинади, чунончи: кириш [129:49]/корректив [129:127]/пропедевтик [129:248]/оғзаки [129:362] курс ва б. Булар чет тил ўрганишнинг бошланишидаги дарслар мажмуи тарзида умумметодик фикрни англатади. Лекин улар мазмунан бир-биридан кескин фарқ қилади (1.2га қаранг).

Кўп йиллик педагогик тажрибамиздан ва мавжуд илмий манбаларнинг таҳлилидан аён бўладики, I курс талабаларига чет тил ўргатиш уларнинг лисоний ва нутқий компетенциясини “яқинлаштириш”дан бошланади, яъни аъло, яхши ва ўрта даражали билим соҳибларига индивидуал ёндашиш йўли билан уларни мазкур олий таълим муассасаси учун тасдиқланган чет тил ДТС ва ўқув дастури талабларини бажаришга тайёрлаш босқичидан ўтказилади. Бу дегани, академик гуруҳ жамоаси бир-бирлари билан чет тилда нутқий мулоқот қила олиш лаёқатига эга бўлсин. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўрта таълим дастурий материалларини жадал суратда такрорлаш, бошқача айтганда, коррекция қилиш ва янги ўқув материални пухта ўзлаштириш зарур бўлади. Бундай ўзига хос машғулотлар мажмуи лингводидактика терминологиясида *корректив курс* аталмиш умумий ном билан истифода қилинади.

Ушбу тадқиқотда икки терминни мувозий тарзда ишлатишни маъқул топдик: *корректив курс* ва *кириш машғулотлари*. Улар синоним мақомида қўлланилмоқда, яъни “машғулот(лар)/дарс(лар)” терминлари ”кириш” калимаси билан, “курс” атамаси “корректив” аниқловчиси билан бирикма ҳосил қилмоқда, янада аниқроқ ифодаласак, корректив курс ўз мазмуни ва тузилмасига кўра кириш машғулотларидан ташкил топади.

Шундай қилиб, корректив курс термини (тушунчаси)ни илмий таҳлил қилишга киришамиз. Терминнинг талқинталаб жиҳатлари, назаримизда, тубандагиларни қамраб олади:

- Термин таркибидаги “корректив” сўзи (этимологияси *лотинча* correctio) ”тўғрилаш, тузатиш” маъносини билдиради, иккинчи компоненти (“курс”) эса (*лотинча* cursus)” ҳаракат, югуриш, йўналиш кабиларни ифодалайди [129:131]. Содда қилиб айтганда, чет тилдан корректив курс термини “йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида бажариладиган ўқув амаллари мажмуи” маъносида қўлланилмоқда.
- Лингводидактика терминологиясида корректив (*русчада* коррективный, корректировочный, корректирующий) курснинг энг сўнги таърифи мана бундай берилган: “Талабалар нутқида юз берадиган типик хатолардан келиб чиқиб, уларнинг кўникма ва малакаларини коррекция қилиш (тўғрилаш, тиклаш)га қаратилган қисқа муддатли таълим жараёни” [129:127]. Таъриф мазмунидан аён бўладики, кўникма ва малака аввал шакллантирилган, лекин бугунга келиб, уларнинг дастур талаблари даражасида эмаслиги, демак, махсус машқлар ёрдамида тиклашга эҳтиёж пайдо бўлганлиги ҳақида сўз бормоқда.
- Ҳосил бўлган кўникма ва малакаларнинг у ёки бу даражада “бузилганлиги” туфайли коррекцияга муҳтожлик сезилади. Чунки ўқув курси мазмунини юқори поғонага кўтариш/кўтармаслик мавжуд кўникма ва малакаларнинг пухталиги ёки бузилганлиги билан тўғри пропорцияни ташкил этади. Бу дегани, чет тилда нутқий малака (унинг таркибида лисоний кўникма)лар кейинги босқич учун “пойдевор” вазифасини ўташи муносабати билан аввалгиларга узвий боғланмоғи лозим .
- Коррекцияталаб лисоний объектни ўрганиб таҳлил қилиш йўлида тажрибавий тўхтама (*русча* экспериментальный срез) ўтказиш зарурияти туғилади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи курс талабаларининг ҳозиргача олган билим, кўникма ва малакаларидаги “етишмовчиликлар”ни аниқлаш

даркор бўлади. Ўқув жараёнида содир этиладиган нутқий хатоларни лингводидактик тасниф қилиш йўли билан бундай вазифа бажарилади.

- Корректив курс мазмунини белгилаш учун талабаларнинг чет тилда йўл кўядиган типик хатоларини бартараф этишга мўлжалланган машқлар тизимини яратишга тўғри келади. Ўзлаштирилиши қийинчилик туғдирадиган лисоний бирликларнинг номенклатураси (таснифланган рўйхати)ни тузиш мақсадга мувофиқ тушади.

- Муҳокама қилинаётган “Корректив курс” терминининг қисқача талқини якунида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унинг маъно-мазмунини яққол тассавур этиш бир қатор лингводидактик тушунчаларни таҳлил қилиш орқали руёбга чиқарилади. Улардан энг асосийси чет тил ўқитишнинг қайси методик ёндашуви доирасида корректив курс ўтказиш масаласидир.

Аввалан, чет тил корректив курсларининг лингводидактикада ҳозиргача қўлланиб келинган вариантларини келтиришни маъқул кўрдик. Уларни умумлаштирилган номларда берамиз (методик таснифи эса кейинги параграфда кўриб чиқилади). Асосан икки тоифа кириш машғулотлари, яъни корректив курслар амал қилиб келади: *нутқий ва лисоний корректив курслар*. Бунинг сабабини чет тил ўқитиш методикаси тарихидан қидириш керак. Масала шундаки, чет тил ўқитишда унинг, ёки лисоний жиҳатини, ёки нутқий тарафини ўргатиш/ўрганиш, одатда, бирёқлама ҳал этиб келинган. Сўнги йилларгача бу муаммога субъектив ёндашув кузатилган. Бундай бўлиши аксарият лингводидактлар ва амалиётчи ўқитувчиларга тушунарли ҳолдир. XX аср ўрталаригача тилни система ҳолида ва нутқ дихотомияси (Ф. де Соссюр) назариясига асосланиб ўргатиш қоида тусини олган.

Ўтган аср охири чораги ва асримиз биринчи декадаси оралиғи чет тил ўқитиш методикасида янги даврнинг бошланиши ҳисобланади, янада аниқроқ ифодалаганда, коммуникатив-когнитив методика [Шамов] оммалашиб бормоқда. Бу ҳақда тўхталишдан муддао шуки, замонавий методик йўналиш корректив курс мазмунининг кескин ўзгаришига туртки

бўлмоқда. Бинобарин, “коммуникатив-когнитив ўқитиш” терминини изоҳлашга эҳтиёж туғилади.

Давримиз лингводидактикасида “коммуникация” (лотинча *communicatio* – алоқа, мулоқот) терминини ишлатиш ғоят кенг тус олди ва кўплаб сўз бирикмаларида у янгидан-янги илмий тушунчаларни ифодаламоқда: коммуникатив грамматика/лингвистика/технология/метод; коммуникатив/компетенция/вазифа/мақсад/йўналиш/вазият/фаолият/ёндашув/малака/тўсик/ўйин/эҳтиёж/қобилият/машқ ва ҳ.к.з.

Таниқли методист Е.И. Пассов “Чет тил ўқитишнинг коммуникатив методи” [80;79] терминини рус лингводидактикасида истеъмолга киритган. Тўғрироғи, бу олим ушбу методнинг Россиядаги фаол тарғиботчисидир. Аслида коммуникатив тил ўргатиш ғояси ўтган аср иккинчи ярмида инглиззабон методистлар томонидан илгари сурилган [144; 147; 148; 159; 164].

Коммуникатив метод терминига энг янги таърифлардан бири мана бундай берилган: чет тилни мулоқот мақсадларида нутқий мулоқот орқали ўргатиш усуллари (“Communicative method is a way to teach a foreign language through communication for the purposes of communication”) [70: 31].

Тадқиқотимиз номланишида иккинчи таркибий қисм сифатида “когнитив” термини олинган. Мазкур сўз ҳам илмий тушунча тарзида кейинги йилларда тез-тез қулоққа чалинадиган бўлди. Унинг этимологияси ҳам лотинча бўлиб, *cognitio* билим, тушуниш маъноларини ифодалайди ва унинг иштирокида қатор сўз бирикмаларининг шаклланганлиги маълум: [76; 100; 57; 62; 51] когнитив грамматика/лингвистика/психология/йўналиш кабилар. Тил ўргатишнинг когнитив назарияси ҳам ишлаб чиқилган [125; 7; 22]. Қуйида ушбу терминларга мухтасар изоҳ бериб ўтишни лозим кўрдик.

Терминнинг маъно доирасига келганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, *когнитив* сўзи объектив воқелик (дунё)ни билиш жараёни, инсон

томонидан уни идрок этиш, хотирага мухрлаш, ахборотни тушун(тир)иш/қайта ишлаш кабилар билан фикран боғланиш ҳосил қилади.

Ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган когнитив психология ўша давргача (XIX аср охири ва XX аср бошларида Э. Торндайк ва Ж. Уотсон (АҚШ) асос солган бихевиоризм назариясида) қўлланиб келинган стимул-реакция (S-R) формуласига қарама-қарши қўйилган Америка психологиясидаги янги илмий йўналиш сифатида шаклланди. (Стимул сўзи *лотинча* stimulus халачўп) – ҳаракатга ундаш, туртки, рағбат; стимул репликаси – суҳбатдошнинг гапиришга ундовчи жумласи [33:352], реакция репликаси – суҳбатдошнинг жавоб жумласи [33:350].

Лингводидактика тарихида машҳур ва, ўз даврида, манзур бўлган аудиолингвализм ва аудиовизуализм кабилар бихевиоризмга асосланган чет тил ўқитиш назарияларидир. Бихевиористик ёндашувга кўра кўпроқ механик тарзда (онг иштирокисиз) такрорлаш машқлари бажарилади.

Когнитив психология маълумотлари, биринчи навбатда, Америка чет тил ўқитиш методикасида татбиқ этилди [156]. Тилни эгаллаш стратегиялари (language learning strategies)ни ишлаб чиқишда ундан лингводидактлар унумли фойдаланишди. “Когнитив ёндашув”ни нутқий фаолиятда билиш жараёни тарзида тушуниш маъқул [61:106]. Лингводидактикада билиш учун топшириқларни бажариш деганда, таълимий муаммони ҳал этишнинг нотаниш ёки янги усуллари ёрдамида билим олишга қаратилган тадбир тушунилади [45:102].

Талабаларнинг бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлари когнитив психологлар томонидан аниқлаб берилди, улардан айримларини санаб ўтамиз: умумий ақлий (интеллектуал) қобилиятлар – туғма ёки орттирилган; асосий интеллектуал қобилиятлар – идрок қилиш тезлиги, фикрни сўз билан ифодалаш лаёқатлари, талқин қилиш даражаси, фикрлаш теранлиги, хотира; когнитив (билиш) тоифаси; ахборот тўплаш бўйича (кўрув, эшитув, сенсомотор) билиш афзалликлари; бош мия ярим шарларининг устун

томонлари – чап ярим шар – таҳлил (анализ)га мойиллиги, ўнг ярим шарнинг синтез қилиш (умумлаштириш)га мойиллиги; атрофдаги муҳит (шовқин, ёруғлик, ҳарорат)ни сезувчанлик ва ҳ.к.з.

Чет тил ўрганишда талабаларнинг икки когнитив турларини фарқлаш, яъни, бир томондан, контекстдан ташқари ўқув материални жадваллар ёки сўзларнинг рўйхати бўйича осон таҳлил қила оладиганлар ва, иккинчи томондан, контекстдан ёки кўргазмали воситалардан фойдаланиб, тил бирликларини яхшироқ ўзлаштирадиганларга алоҳида-алоҳида эътибор бериш анча муҳимлигини таъкидлаш жоиздир.

Тил ўргатишнинг когнитив назарияси етакчи намояндалари (У. Риверс ва б.)нинг лингводидактик ғояларига биноан онглилик принципига риоя қилиш зарур ва ўрганилмиш чет тилнинг она тилидан фарқ қиладиган (!) ходисаларини махсус тушунтириш талаб қилинади. (Демак, ўхшаш ходисаларни ўргатишда тушунтиришга ҳожат қолмайди. Ҳозирги терминологияда айтсак, уларни ўзлаштиришда фацилитация (транспозиция) амал қиладди). Эслатиб ўтмоқчимиз, бихевиористик ёндашувда тилни интуитив тарзда ўргатиш тавсия қилинган эди. “Чет тил ўқитишга ёндашув” терминини англиззабон методист Э. Антони таърифига кўра “тил хусусияти ва уни эгаллаш жараёни ҳақидаги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган тасаввурлар мажмуининг амалиёти” [132:63] тушунилади.

Юқорида баён этилган илмий-лингводидактик мулоҳазаларга мухтасар яқун ясаб, мана бундай хулоса қилиш мумкин: коммуникатив-когнитив ёндашув бўйича чет тил ўргатилганда, биринчидан, нутқий мулоқотни ўргатиш устувор вазифа саналади, иккинчидан, ўрганилаётган тилдаги лисоний ходисаларнинг интерференцион қийинчилик [33; 36] туғдирадиганлари махсус тушунтирилади ва бериладиган қоидалар амалий характерга эга бўлади.

Чет тил ўқитишнинг коммуникатив-когнитив ёндашувига оид назарий ва амалий лингводидактик маълумотлар корректив курсга ҳам бевосита

татбиқ этилади, зеро, кириш машғулоти таълимнинг узвий қисми бўлибгина қолмасдан, унинг кейинги босқичлари учун “таянч нуқтаси” вазифасини ҳам ўтайди.

Чет тил ўқитишда қўлланилган “Корректив курс”ларнинг методик таснифи ва илмий-танқидий таҳлили

Чет тил таълимида ҳозиргача жорий этиб келинган корректив курслар ўзининг номланиши, мазмуни, тузилиши ва бажарган вазифалари нуқтаи назардан ўта ранг-баранглиги ҳайрат уйғотадиган лингводидактик ҳодисалар қаторида туради. Гап шундаки, бир метод ёки ёндашув доирасида турли корректив курслар яратилган ва уларга амал қилиб келинади.

Амалда қўлланиб келаётган “Корректив курс”ларнинг халқаро миқёсдаги номлари рўйхатининг ўзи алоҳида томни ташкил этиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг назарий ёки экспериментал асосланган биронта варианты мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Ҳатто уларнинг илмий-танқидий таҳлилига оид яхлит тадқиқот бажарилмаганлиги аниқланди.

Мазкур тадқиқотнинг олдинги параграфида корректив курсларнинг йўл-йўлакай таснифи берилгандай бўлди: нутқий ва лисоний корректив курслар. Бундай ғоят умумлаштирилган номлаш орқали илмий масаланинг моҳиятини англаш ёки ўзгаларга тушунтириб бериш амримаҳолдир. Шу сабаб, кириш машғулотларининг номларига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки номлар орқали мазмун, тузилиш ва тасниф кабиларни шарҳлашга эришиш имкони туғилади.

Ўқувчида муайян лингводидактик таассурот уйғотиш ва биргалашиб фикр юритиш мақсадида кенг тарқалган бир қатор кириш машғулотларининг номларини келтиришни лозим топдик:

– *такрорлаш курси* (Английский язык. Повторительный курс (Для неязыковых вузов). – Москва: Высшая школа, 1968; Бекина Л.А. Краткий

повторительный фонетико-орфографический курс английского языка. – Ярославль: Технологический институт, 1970);

– *фонетика курси* (Денисова И.Г., Поталуева А.А. Вводно-фонетический курс: Практическое пособие по фонетике английского языка для студентов гуманитарных наук. – Москва: МГУ, 1968; Курашвили Е.И., Михалкова Е.С. Английский язык: Вводно-фонетический курс для студентов, начинающих изучение в техническом вузе. – Москва: Высшая школа, 1982; Павлова С.Н., Яковлева Е.Б. Фонетический курс английского языка: Для самостоятельной работы студентов-историков/Под ред. С.Г. Тер-Минасовой. – Москва: МГУ, 1990); Зотова В.С. Вводно-фонетический курс по английскому языку [Учебное пособие]. – Москва: Институт усовершенствования врачей, 1970);

– *чет тил ўрганишни бошловчилар учун қўлланма* (Берлина И.К. English for beginners: учебное пособие по английскому языку (для начинающих). – Пермь: ПГУ, 1963 (1964); Исмаилов А.А. Teacher's Guide: Short Intensive Computer, Lingaphone Course of Social English: Пособие для начинающих изучать английский язык. – Ташкент: Университет, 1997);

– *корректив курс* (Белкина Г.А., Левина Л.В. Коррективный курс по фонетике английского языка. – Москва, 1971; Гжаниянц Э.М., Стабурова Л.Г. Коррективный фонетико-речевой курс: Пособие для студентов. Изд-е 3-е. – Ленинград: Просвещение, 1974; Касабова М.М. Коррективный курс фонетики английского языка: Учебное пособие для неязыковых вузов.- Москва: Высшая школа, 1996; Ивакова А.К., Сатинова В.Ф. Английский язык: Коррективный курс: Пособие для самостоятельной работы студентов. – Минск: Вышэйшая школа, 1991; Лукина Н.Д. Фонетический вводно-коррективный курс английского языка [Учебное пособие для институтов и факультетов иностранных языков]. – Москва: Высшая школа, 1985; Морозенко В.В., Турук М.Ф. Коррективный курс английского языка для неязыковых вузов: Учебное пособие. –2-е изд., испр. и доп. – Москва: Высшая школа, 1980; Опельбаум Е.Ф., Ямпольская Е.О. Коррективный курс

по английскому языку: Учебное пособие для I курса неязыковых вузов. – Москва: Высшая школа, 1967; Русский язык. Вводно-корректировочный курс: Учебное пособие/Сост. М.Р. Мирхабибова, А.У. Саитова, Ш.А. Хамракулова. – Ташкент: ТГПУ, 2004; Учебное пособие по вводно-коррективному курсу английского языка. Для студентов I курса дневного и вечернего отделений. – Москва: МГПИИЯ, 1979; Шевякова В.Е. Коррективный фонетический курс английского языка: Пособие для аспирантов и научных работников. – Москва: Наука, 1967);

– *кириш курси* (Вводный курс английского языка. – Ч. I. – Москва: МГПИИЯ, 1972; Горышник Л.А. Вводный фонетический курс английского языка: Пособие для работы на начальной учебно-установочной сессии. Для студентов-заочников I курса пединститутов и факультетов иностранных языков/Под ред. В.А. Васильева. – Москва: Учпедгиз, 1957);

– *бошлангич (маълумот бериши) курси* (Колычева С.Г. Начальные сведения по английскому языку. Для неязыковых вузов. – Москва: Высшая школа, 1979).

– *тайёрлов (бўлимлари учун) курс* (Коханская В.А. Английский язык для подготовительных отделений педагогических институтов [Учебное пособие]. – Минск: Вышэйшая школа, 1991) ва ҳ.к.з.

Келтирилган рўйхатни янада кенгайтириш мумкин эди, лекин номлари қайд этилган манбаларнинг миқдори ва хусусиятлари Корректив курс/Кириш машғулотларининг методик таснифи учун кифоя қилади. Мазкур курсларни схематик тарзда намойиш этамиз (1-жадвалга қаранг).

Аввалан, юқорида рўйхати берилган манбалар ва улар юзасидан жадвалда келтирилган умумлашма маълумотларни мухтасар матний таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ топилди. Тадқиқотнинг таҳлил методи доирасида қуйидаги илмий-методик масалаларнинг муҳокамасига ўтамиз:

Биринчидан, деярлик барча нашрлар чет тил ўргатиш/ўрганишининг олий таълим биринчи курси учун мўлжалланган ва, айрим истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда (А.А. Исмоилов; В.А. Коханская; И.К.

Берлина қўлланмаларидан бошқалари), асосан лисоний материални такрорлашга мўлжалланган.

1-жадвал. Чет тилдан корректив курс-Кириш машғулотлари турлари

Корректив курслар таснифи	Корректив курс номи ёки муаллифлари, нашр йили	Мақсад ва вазифалари
Такрорлаш курси	Английский язык, 1968 Белкина, 1970	Ўрта таълимда ўрганилган чет тилни ОЎЮ I курсида қисқача такрорлаш
Фонетика курси	Курашвили ва б., 1982 Денисова ва б., 1968 Павлова ва б., 1990 Зотова, 1970	Фонетик материални такрорлаш орқали лисоний кўникмаларни қайта тиклаш
Тил ўрганишни бошловчилар Курси	Берлина, 1960 Исмоилов, 1997	Олий таълимда чет тилни илк марта ўрганиш
Корректив курс	Белкина ва б., 1971 Гжаниянц, 1974 Касабова ва б., 1966 Иванова ва б., 1991 Лукина, 1985 Морозенко ва б., 1980 Опельбаум ва б., 1967 Мирхабибова ва б., 2004 Учебное пособие, 1979 Шевякова, 1967	Ўрта таълимда ўргатилган чет тилни ОЎЮ талабалари учун жадал такрорлаш машғулотларини ташкил қилиш
Кириш курси	Вводный курс, 1972 Горышник, 1957	Чет тил ўрганишни ОЎЮда давом этиш учун қисқа муддатда такрорий машқларни бажариш
Бошланғич маълумотлар курси	Колычева, 1979	Нолисоний ОЎЮ I курси учун чет тилдан умумий маълумот бериш
Тайёрлов курси	Коханская, 1991	Абитуриентларни чет тилдан махсус тайёрлаш

Иккинчидан, тавсия этилмиш қўлланмалар, мазмунан ва структурасига кўра, чет тил ўқитиш муайян методи принципларига риоя қилинмаган ҳолда яратилган (номлари юқорида зикр этилган уч муаллиф асарлари бундан

мустасно). Демокчимизки, чет тил ўқитиш методи талаблари эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, кириш машғулотлари замонавий лингводидактик мезонларга асосланган ҳолда ташкил этилиши шарт қилиб қўйилади. (Кейинги параграфда бу ҳақда муфассал фикр баён этилади).

Учинчидан, Корректив курс/Кириш машғулотларидан ўрин олган машқлар тизими тилни система сифатида ўргатиш ғоясига асосланган, назарий билимларни баён этиш ва ўзлаштириш мақсадига бўйсундирилган. Бошқача таърифлаганда, замонавий коммуникатив-когнитив ёндашув ёки маданиятлараро мулоқот назарияси доирасида чет тилни эгаллашга йўналтирилган лисоний ва нутқий машқларни бажариш кўзда тутилмаган.

Тўртинчидан, аксарият мавжуд курсларнинг тил (лексик-грамматик) минимумлари ўрта таълим дастурий талабларига мос келмайди, яъни дидактиканинг узвийлик принципига риоя қилинмаган ва I курс талабасининг танлаган касбига оид терминологик лексикани ўргатишга хизмат қилмайди (Кириш машғулотларида бажариладиган лисоний машқларда соҳавий терминларни тақдим этиш ғояси 2 бобда баён этилади).

Бешинчидан, модомики, кириш машғулотларининг асосий вазифаси корректив йўналишда машқлар бажариш орқали ўрганилмиш тилда нутқий фаолият юритиш экан, ҳар бир дарсда ва аудиториядан ташқари бериладиган ўқув топшириқлари уч тоифадан, яъни тил бирликларини ўзлаштириш (лисоний кўникма даражасида), тил техникасини ўрганиш (техникавий кўникма сифатида) ва алалоқибат коммуникатив компетенция (лаёқат)ни эгаллашдан иборат бўлмоғи лозим. Бошқача айтганда, кириш машғулотлари асосий курснинг миниатюрадаги кўриниши демакдир. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, кириш машғулотларининг хос хусусияти коррекция (тузатиш, тўғрилаш, такрорлаш ва ҳ.к.з.) экан, уларни турфа номлар билан аташ ўрнига “Чет тил (инглиз тили) корректив курси”, деб юритиш маъқулроқ бўлади.

Олтинчидан, ҳар қандай Корректив курс узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларига ўқув-методик “кўприк” вазифасини ўташга хизмат қилиши керак, яъни олий таълимгача олинган билим, кўникма ва малакаларнинг (*инглизча prior knowledge*) коррекцион машғулотлари янги таълим шароитида давомийликни таъминлаши назарда тутилади. Шу боис техникавий машқларда ўрта ва олий мактаб курси лисоний материалининг интеграциялашувига эришиш талаб этилади. (2-бобга қаранг).

Муҳокамага тортилган фикр-мулоҳазаларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, кириш машғулотларини ўтишга мўлжалланган махсус бўлим/қисм кўплаб дарсликлардан ўрин олган [82]. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиладиган Ғарбий Европа тиллари (инглиз, немис, француз, испан тиллари) ва Шарқ тиллари (араб, форс ва б. тиллар)дан дарсликлар яратилган. Деярли ҳаммасида турли номлар остида Кириш қисми мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилган ва яна айтилиши зарур бўлган конструктив танқидий фикрларга мамлакатимизда чиқарилган айрим дарсликлар мисолида далиллар келтириш ўринлидир. Иккита дарслик (Абдалина Е.А., Ҳошимова Р.Ж. Инглиз тили дарслиги. – Тошкент: Университет, 2003. Тузатилган, тўлдирилган иккинчи нашри; Г.Ш. Муҳитдинова. English: Техника олий ўқув юртлари I-II курс талабалари учун. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992)нинг таҳлилига тўхталамиз. Ҳар иккала китоб нолисоний олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этилган (Биринчисини кўйида “Инглиз тили дарслиги” ва иккинчисини English номи билан юритамиз).

Инглиз тили дарслигининг “Бошланғич курсга кириш” (айнан шундай номланадиган) қисмида “Фонетиканинг асослари” (!) сарлавҳаси остида 8та дарс берилган бўлиб, улар 48-50 соат аудитория машғулотига мўлжалланган (11-69-бетлар. 70-72-бетларда “Бошланғич курсга кириш қисмининг тематик режаси” ўрин олган. 73-бетдан “Асосий курс” бошланади). “Бошланғич курсга кириш қисмининг мақсади – инглиз унли ва ундош товушларини,

товуш бирликлари ва оҳангни тўғри (!) талаффуз этишга ўргатишдир, шунингдек ўқиш (“ўқилиш” демоқчи бўлишса керак – Ф.И.) қоидаларини ҳам қайтаришдир” (3-бет). Кейинги саҳифада яна бир “кашфиёт”га дуч келамиз: “Бутун курс давомида инглиз ва ўзбек тиллари фонологик тизим асосида қиёсланади”. 5-бетда Бошланғич курсга кириш қисмини тайёрлашда ... ёрдам берган доцент Н.Д. Лукинага миннатдорчилик билдирилган (Демак, бу машғулотлар мазмуни бўйича танқидий фикрлар Н.Д. Лукина адресига қаратилиши мумкин экан).

Тўғри талаффузни ўргатиш масаласини эҳтиётлик билан кўтариш керак, чунки чет тилда аппроксимациялашган талаффузни ўргатиш ғояси ўтган юз йиллик бошида, яъни қарийб бир аср олдин машҳур методист Ҳарольд Пальмер томонидан исботлаб берилган (Қаранг: Н. Palmer. Concerning pronunciation. – Токуо, 1923) [33: 332].

Адолат юзасидан атайин таъкидлаш ўринлики, муаллифлар Асосий курс машқларини тузишда анча машаққат чекишгани, шунингдек матнларни танлашда синчковлик билан иш кўришгани сезилиб турибди. Ушбу дарслик ўз даврида ягона ва мукамал дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Энди English дарслиги ҳақида қисқача тўхталамиз. Китоб 12та Lesson, Қўшимча ўқиш учун матнлар, Нотўғри феъллар жадвали ва Инглизча-ўзбекча луғатдан иборат. Кириш қисми алоҳида ажратилган эмас. Бироқ барча параграф (Lesson)да “Фонетика”, “Грамматика” рўйхати берилган. Тўғри, фонетика терминини муаллиф асосан “ўқилиш қоидаси” тарзида нотўғри тушунади. Методика илмида маълумки, чет тил, жумладан инглиз тили умумтаълим ўқув предмети сифатида, масалан, техника олий ўқув юртларида ўқитилганда талабалар тил системасини эмас, балки нутқ малакалари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни эгаллашади. Тил бирликларини ўргатиш таълим мақсадлари мақомини олмайди, улар нутқ малакалари таркибида лисоний кўникма, яъни восита тарзида ўргатилади.

Дарслик мазмунидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, унинг барча параграф (Lesson)лари гўё “Кириш машғулотлари”дан иборатдек. Савол туғиладики, талаба қачон нутқий машғулот ўтади, агар ҳар дарсда фонетика ва грамматикани ёдлай берса. Техника олий ўқув юрти талабаси учун фонетик ёки грамматик билим ДТС ва ўқув дастурида мақсад қилиб қўйилган эмаску, ахир. Талаффузни коррекция қилиш (тузатиш) машқларини бажаришга эҳтиёж туғилади, холос.

Мазкур дарсликда ўрганилиши кутилган лексик бирликларга келсак, шуни минг афсус билан таъкидлаш жоизки, янги сўз сифатида олинган бирликларнинг кўпчилиги ўрта таълим тизими дастури доирасига киради, масалан: absent, abroad, actor, beautiful, big, brother, capital ва ҳ.к.з. Табиий савол туғилади: олий таълим даргоҳида талаба ўрта таълим ўқув материални ўрганадими ёки унга янги курс ўтиладими? Мабодо ўрта таълим дастури такрор ўргатилса, унда нега English техника олий ўқув юртлари учун чоп этилган? Хулоса шуки, турли ўқув юртлари орасидаги узвийлик принципига путур етган, яъни узлуксиз таълим нотўғри талқин этилмоқда. Бундан ортиқча танқидий фикр юритиш зарурияти йўқ, чунки дарслик жаҳон лингводидактикаси эришган илмий-амалий ютуқлардан фойдаланилмаган ҳолда яратилган. Айтилганларга асосланиб, мазкур дарсликдан ҳозир ТТЕСИда фойдаланилмайди. (Инсоф юзасидан айтиб ўтиш лозимки, дарсликдаги ўзбекча гапларга, масалан, машқ талабларига умуман эътироз йўқ, бу, албатта, муҳаррирнинг хизмати бўлса, ажаб эмас).

Чет тил ўқитиш амалиётида жорий қилинган Кириш машғулотларининг тасниф ва методик таҳлилини баён этилган мулоҳазалар билан чегаралаш мумкин эди. Лекин бу соҳада тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун яна бир қатор манбалар гуруҳи ҳақида ҳам муфассалроқ тўхтаб ўтишга жазм қилдик. Бунга сабаб, биринчидан, фақат ўтган асрнинг 90-йилларигача амалда бўлган нашрлар таҳлил этилди, сўнги даврларда қилинган илмий ишлар ҳақида сўз юритилмади, иккинчидан, илмий-методик мақолалар ва диссертациялар

таҳлил доирасидан четда қолди. Муҳокамани давом эттиришдан аввал шуни эслатиб қўйиш ўринлики, қуйида кўриб чиқиладиган Кириш машғулоти хам юқорида берилган тасниф жадвалидаги номлар (турлар) доирасидан ташқарида эмас. Улардан фарқи шунда намоён бўладики, нашр йиллари янги бўлишига қарамай, мазмунан унчалик тафовут қилмайди. Шундай қилиб, танқидий таҳлилни давом эттираемиз.

Ушбу параграф мавзусига биноан Корректив курсларнинг илмий таҳлили муфассал бўлиши учун, фикримизча, чет тил ўқитиш методикасидан ҳимоя қилинган диссертация ишларига ҳам маълум даражада муносабат билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ топилди. Такрор айтишга тўғри келади: бевосита Корректив курс диссертацион тадқиқот предмети мақомида ишлаб чиқилмаган (акс ҳолда бизнинг тадқиқотимизга эҳтиёж бўлмас эди). Методикадан диссертация илмий система бўлганлиги сабабли айрим тадқиқотчилар Корректив курснинг у ёки бу аспектига йўл-йўлакай муносабат билдириб ўтишган. (Тадқиқотимизда бевосита фойдаланилган ишлар библиографияга киритилган, фақат обзор тариқасидагина эслатиб ўтилган манбаларнинг номларини кўрсатиб ўтиш билан кифояландик).

Асримиз биринчи декадаси чет тил ўқитиш методикасида янгидан-янги илмий-амалий ғоялар даври бўлди [98; 99; 109], десак муболаға бўлмас. Оддий бир мисол: жаҳон миқёсида коммуникатив ёндашув ташвиқ ва татбиқ қилинмоқда. Ушбу термин ёнига когнитив (коммуникатив-когнитив), кумулятив (коммуникатив-кумулятив) ва б. сўзлар қўшилиб, замонавий методикалар яратилмоқда. Бу ҳодисалар мутахассислар олиб бораётган тадқиқотларда кенг ёритилмоқда. Уларнинг айримлари ҳақида фикр юритаемиз.

О.А. Швецова номзодлик диссертациясида инглиз тилида ўқишни ўргатиш учун пропедевтик курс ўтиш масалалари ёритилган. Унинг фикрича, бундай пропедевтик курс икки қисмдан иборат бўлиши мумкин: 1) асосий нутқий амалларни бажаришда қўлланадиган ва матн ўқишга психологик

тайёргарликни таъминлашга хизмат қиладиган йўлловчи (ориентир) қоидалар ва 2) ўзаро боғлиқ ва тартибга туширилган билимларни шакллантиришга мўлжалланган машқлар тизими [126]. Бундан яққол кўринадики, муаллиф, бошқаларда кузатилгандек, асосан қоида ва билимларга урғу бермоқда, ундан ташқари фақат ўқишни ўргатиш тадқиқотнинг предмети қилиб белгиланган. Корректив курс эса, бизнинг фикримизча, комплекс шакл ва мазмундан иборат бўлиши керак.

Чет тил ўқитиш методикаси бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқотларда, юқорида таъкидланганидек, Корректив курсни яхлит илмий муаммо даражасида ишланмаганлиги аниқ, ва шу билан бирга, турли мавзулар доирасида йўл-йўлакай бу ҳақда баён этилган фикрларни учратамиз. Мисол учун, Т.М. Клейменованинг диссертациясида [49] нолисоний ОЎЮ талабаларига нутқий фаолиятни ўргатиш чоғида нутқий хатоларни тузатиш (муаллиф терминологиясида “коррекция речевых ошибок”)га алоҳида эътибор берилади. Бироқ унда Корректив курс мақомида илмий муаммо кўйилган эмас. Тузатиш дидактик усул тарзида талқин этилади. Ушбу ва бошқа илмий изланишлар мазмунида Корректив курсга тор маънода қараш, айтиш жоиз бўлса, бирёқлама ёндашиш ҳукм суради.

Махсус китоблар, диссертацион ишлар ва қўлланма ва дарсликлар ичида (одатда, бошланиш қисмида) кириш машғулотлари амалиётига аталган Корректив курслардан ташқари турли-туман манбаларда илмий мақола ёки алоҳида боб (бўлим, параграф ва ҳ.к.з.) ҳам эълон қилинганки, улар ўз даврида муайян таълимий аҳамиятга молик бўлган. Энг янги методик ишлардан И.Б. Смирновнинг ўқув-методик қўлланмасидан жой олган Корректив курсни [96:29-50] кўрсатиш мумкин. Унинг асосий мазмуни Корректив курс моделини яратиш тажрибасига тааллуқли бўлиб, содда қилиб айтганда, умумий декларатив баёнотдан нарига ўтилмаган. Айрим машғулотлардан намуналар келтириш билан кифояланган ва немис тилидан

корректив курс ўтиш зарурлиги ҳақида нотизимий маълумотларни айтиш билан чегараланган.

Тадқиқотимизнинг мазкур параграфи номига кўра, тасниф ва таҳлилга оид етарли фикр-мулоҳазалар берилгандай бўлди, шу билан бирга, бу соҳада айрим методик мақолалар ҳам мавжудлиги ва уларда муайян фойдали тавсиялар берилганлигини қайд этиш лозим.

Корректив курс тўғрисида, адабиётларни ўрганиш кўрсатишича, ўтган асрнинг 40-йилларидан ҳозиргача бу мавзуда сон-саноксиз мақолалар чоп этилган. Мисолларга мурожаат қиламиз: методик журнал (Иностранные языки в школе – ИЯШ) саҳифаларида 1940 йил иккита мақола чоп этилган. Улардан бири ўша давр таниқли методисти А. Монигетти қаламига мансуб [71:14-17]. Мақола мазмун-моҳиятига кўра немис тилидан Кириш курсининг муҳим жиҳатлари ёритилган. Такрор айтишга тўғри келаяпти, муаллиф немис тили системасига оид қоидалар – назарий маълумотларга кенг ўрин берилиши зарур деб топади. Нутқий мулоқот эса диққат-эътиборга олинмаган. Яна бир мақола муаллифи В. Коноплева ўша журнал саҳифасида [54:18-28] немис тили бўйича кириш курсининг тахминий ишланмасини муаллимлар эътиборига ҳавола қилган. Номидан ҳам фаҳмлаб олса бўлади, “тахмин” билан қилинган ишдан нимани кутиш мумкин. У пайтларда (ўтган асрнинг 40-йилларида) журнал чиқадиган ҳудудда чет тил онгли-қиёсий методика принципларига биноан ўқитилар эди. Бинобарин, ўргатилмиш тил билан талабанинг она тилиси қиёсланар эди, нутқий мулоқот борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. XX асрнинг 50-йилларида ҳам шу тамойилга кўра иш тутилган, яъни чет тил ва она тилини қиёсан ўргатиш машқлари устувор методик усул ҳисобланган. Шу боис, номи келтирилган журналда (ИЯШ) баъзи мақолалар чоп этилган, масалан, “Немис тилини ўргатишнинг бошланишида оғзаки нутқни ривожлантириш” (рус тилида) ҳақида муаллиф мулоҳазалари ёритилган [12: 83-86]. Мақолада немис тили муаллими Л.М.

Куммингнинг иш тажрибаси умумлаштирилган. Илмий хулосалар қилинмаган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ва ундан кейинги даврларда Кириш курсига илмий-методик муносабат ижобий томонга ўзгарди. Бу дегани – чет тилда нутқий малакаларни шакллантиришга эътибор қаратиладиган бўлди. Фикримизни асослаш учун иккита мақолани мухтасар таҳлил қилишимиз мумкин: нолисоний ОЎЮ биринчи семестрида мавзуларнинг тақсимоти номи остида Е.Н. Савенко мақоласи эълон қилинган (Ж. Иностранные языки в высшей школе. – Москва: Высшая школа, 1968. Вып. 4) ва тадқиқотимиз предметига бир оз мос тушади. Лекин унда назарий фикрлар айтилмаган, шу сабаб мавзулар номларидан хулоса чиқариш имкони бўлмади. К.Б. Есипович, Н.А. Миссюра ҳаммуаллифлигида чиққан мақола [32:59-65] ўтиш даврида (мактабдан олий ўқув юртига – Ф.И.) ва оғзаки кириш курсида чет тилни (немис тилини – Ф.И.) ўргатиш бўйича методик тавсиялар берилган. Гап шундаки, ҳали коммуникатив метод(ика) жорий этилмаган ўша пайтларда (1969 йили) ҳозирги тушунчадаги Корректив курсга яқин келадиган тавсиялар эмас эди. Бироқ нутқий йўналишдаги дастлабки тақлифлардан бўлганлиги туфайли мақола муайян аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим.

Танқидий таҳлилимиз давомида ХХI аср бошида чиққан кириш курсига оид мақолалардан бирининг мазмунини баён қилсак: З.Н. Никитенко ўз мақоласида [74:32-38] II синфда инглиз тилини ўргатиш бўйича оғзаки кириш курсини ташкил этиш хусусиятларини баён этган. Кўринадики, Кириш курси чет тил ўргатишнинг илк босқичи (дастлабки дарслар)да ўтказилмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз учун номи яқин, холос, мазмунан бутунлай йироқ мавзудир, чунки таълим босқичидан бошқасига ўтиш даври учун унинг умуман аҳамияти йўқ.

Кириш курсига аталган энг сўнги манбалардан Ўзбекистонда нашр этилган Амалий фонетика қўлланмаларини эслаш ўринлидир. Республикада

шу номда бир нечта китоб чоп этилди [42; 35]. (Уларнинг таҳлиliga кейинги параграфда тўхталамиз).

Ушбу параграфда таҳлиlга тортилган турли манбаларни ўрганиш чоғида яна бир тоифа адабиётлар эътиборимизни жалб қилди. У ҳам бўлса, охирги йилларда эълон қилинган ишларда корректив курс қандай талқин қилинаётганлиги масаласи гўё очик қолаётгандай туюла берди. Демокчимизки, мазкур мавзу ҳозирда тадқиқотчилар диққатини ҳар қачонгидан кўра янада кўпроқ тортмоқда. Конкрет мисолларга ўтамиз (Қуйида мухтасар муҳокамага тортилган манбаларни, техник сабабларга кўра, яъни миқдори кўплиги учун, адабиётлар рўйхатига ҳам киритмадик, жойида номларини келтириш билан кифояландик).

Биргина Волгабўйи минтақавий ўқув-методик марказда чоп этилаётган ўқув адабиётларининг салмоқли қисми айнан Кириш курси номи остида берилмоқда: Талаффузни тўғрилаш оғзаки кириш курси (Кузнецова Н.Г. Устный вводный курс по коррективке произношения (английский язык, 1999), Кириш фонетик курси (Максименко Е.А. Вводный фонетический курс английского языка, 2003; Канакова И.М., Чайковская Н.В. Тексты и тестовые задания по интенсивному чтению. Вводный фонетический курс (немецкий язык, 1999), Комплекс кириш курси (Сенкова В.С. и др. Комплексный вводный курс (немецкий язык, 2000), Комплекс кириш корректив курси (Самойлова И.В. Комплексный вводно-коррективный курс английского языка, 2003) ва ҳ.к.з. Мазкур китоб(ча)лар, номланишидан қатъи назар, мазмунига кўра, аввалроқ таъкидлаганимиздек, лисоний материални такрорлашга бағишланган. Коммуникатив-когнитив характер касб этмайди.

Номлари келтирилган кўлланмалардан ташқари Россия Федерациясининг турли ўқув юртлари ва нашриётлари грифи билан чоп этилган махсус кириш курсларининг сон-саноғига етиб бўлмайди. Баъзиларини санаб ўтамиз: Кириш курси (Догаева Т.О. Вводный курс делового письма: 10-11 классы. – Москва: Дрофа, 2005; Туницкая Е.Л.

Французский язык. Вводный курс делового письма. 10-11 классы. – Москва: Дрофа, 2008; Норман Б.Ю. Теория языка. Вводный курс. – Москва: Флинта, 2004, 2008; Алефиренко Н.Ф. Теория языка. Вводный курс. – Москва: Академия, 2007; Кириш-фонетик курси (Колесникова В.В. Сборник дополнительных упражнений для студентов I курса: вводно-фонетический курс. – Москва: МГИМО, 2005), Кириш мавзулари (Мамаева Наталья. Английский язык для экономистов: Вводные темы. Учебное пособие для вузов. – Москва: Экзамен, 2005 ва ҳ.к.з.).

Корректив курс/Кириш машғулотларига доир ўқув-методик воситаларни ўрганар эканмиз, янги чиқаётган дарсликларда ҳам бу соҳада эскича ёндашув – кириш курси анъанавий вариантнинг берилиши давом этмоқда (Қаранг: Парахина А.В., Шляхова В.А. Английский язык: Учебное пособие для дистанционного обучения (1 книга). – 4-е изд., испр. – Москва: МГИУ, 1999; Дорожкина В.П. Английский язык для студентов-математиков. – Москва: АКТ, Астрель, 2006 ва б.).

Сўнги пайтларда муҳокама қилинаётган мавзуга оид нашрдан чиқаётган ўқув воситаларининг хилма-хиллиги, юзаки қараганда, бу соҳада жонланиш сезилгандай таассурот уйғотади. Аслида эса миқдоран кўплигига қарамай, уларнинг барчасида анъанавий такрорлаш усуллари қўлланилмоқда, чунончи, қўшимча лисоний машқлар тавсия этилмоқда (В.В. Колесникова), у ёки бу нутқ малакасини алоҳида машқ қилиш, масалан, ёзувни ўргатиш (Е.Л. Туницкая – француз тили, Т.О. Догаева – инглиз тили) ёки тил назарияси бўйича кириш машғулотлари ўтиш (Н.Ф. Алефиренко; Б.Ю. Норман), талаффуз, ўқиш, лексика, грамматикани ўргатишга мўлжалланган кириш курсини ташкил қилиш (А.В. Парахина, В.А. Шляхова), таянч грамматикани такрорлаш ва мустаҳкамлаш, актив лексика ва математик терминологияни ўргатиш (В.П. Дорожкина) қабилар кириш машғулотларининг асосий мақсадини ташкил этади. Нутқ фаолияти турлари ва лисоний материални яхлит эгаллашга қаратилган методик курс ишлаб чиқилмаганлигига яна бир

бор ишонч ҳосил қиламиз. Лекин кириш машғулотларига мўлжалланган ҳар бир манбадан муайян ижобий маълумотлар олиш мумкин. Зеро, биз ишлаб чиқмоқчи бўлган Корректив курс таркибига, ҳам лисоний кўникмалар, ҳам нутқий малакалар киритилади.

Қисқаси, муҳокамага тортилган барча ўқув, диссертацион ва б. манбалар параграфнинг биринчи қисмидан ўрин олган жамлама таснифда ўз аксини топган. Корректив курслар таснифи, маълумки, Такрорлаш курси, Фонетика курси, Бошловчилар курси, Корректив курс, Кириш курси, Бошланғич маълумотлар курси ва Тайёрлов курси кабиларни ўз ичига олади.

Методик тасниф ва илмий-танқидий таҳлил қилиш асосида мавжуд Кириш машғулотларида кўзга ташланадиган жиддий камчиликларни умумлаштириб баён этиш имконияти пайдо бўлди:

- жорий этилган Корректив курсларнинг аксариятида, аввал ҳам, ҳозирда ҳам чет тил лексикаси, грамматикаси ёки талаффузи ёхуд нутқ фаолиятининг алоҳида тури (тинглаб тушуниш/гапириш/ўқиш/ёзув) ўрганиш/ўргатиш объекти сифатида бирёқлама танланган;
- деярли барча Корректив курсларда тил системасини ўргатиш, бинобарин, назарий билимларни сингдириш масаласи бирламчи мақсад-вазифа тарзида қўйилади ва шу асосда ҳал этилади;
- коммуникатив машқлар ва топшириқларни бажаришга бағишланган Корректив курсларда ҳам оддий нутқий машқлар тавсия этилади, уларнинг когнитив (билиш фаолияти билан боғлиқ) жиҳатига эътибор қаратилмайди;
- жаҳон лингводидактикасида назарий ва экспериментал исботини топган ва бизнинг шароитимизда ҳам маъқул ҳисобланадиган маданиятлараро мулоқот назарияси илмий ва амалий ютуқларига “кўз юмиб” келинади, уларни Корректив курс жараёнига татбиқ этиш масаласи бутунлай ҳисобга олинмайди;
- маданиятлараро мулоқот назариясига биноан Ғарб мамлакатлари ва айрим

МДХ мамлакатларида жорий этилган “чет тил ва маданият” остида қоидалаштирилган ўқув предметининг мазмуний хусусиятлари эътибордан ташқарида қолмоқда;

- чет тилдан ўтказиладиган “кириш машғулотлари/корректив курс” терминлари денотатив (луғавий ёки этимологик) маъносида тушунилмоқда, унинг коннотатив (контекстуал, замонавий лингводидактика нуқтаи назаридан ифодаланган) маъноси мутахассислар томонидан, афсуски, тўлиқ эътироф этилганича йўқ;
- халқаро миқёсда мақбул топилган лингводидактик қоида бўйича чет тил материали нутқий мулоқот учун восита, нутқий мулоқот эса, ўз навбатида, лингвокультурологик ахборотни ўзлаштириш йўлидаги восита эканлиги назариётчилар (муаллифлар, методист-тадқиқотчилар) ва амалиётчи-ўқитувчилар оммасига сингдириб улгурилмаган кўринади;
- “тил-нутқ-маданият” трихотомиясини ўзида тажассум қилган лингводидактик концепцияга риоя қилиш талаб даражасида эмаслиги аён бўлди;
- нолисоний ўқув юртлари ДТС ва ўқув дастурига мувофиқ бир пайтнинг ўзида такрорлаш машғулотлари ва талабаларнинг касбий тайёргарлигига асос бўладиган мазмун касб этмаётганлиги исботланди;
- чет тилдан корректив курс ушбу ўқув предметининг назарий жиҳатдан миниатюрадаги варианти бўлиши амалиётда ўз ечимини топмаганлиги аниқланди.

Замонавий корректив курсга қўйиладиган талабларни белгилашда кўрсатилган лингводидактик камчиликлар ҳисобга олинади.

Чет тил таълимида “Корректив курс”га қўйиладиган талаблар

Барча даврлар ва минтақаларда қўлланиб келинган таржима, тўғри, онгли-қиёсий ва бошқа методлар ўрнини, XX аср охирига келиб,

коммуникатив методика эгаллади. Коммуникатив методика намояндалари ўтган асрнинг 80-90-йиллари уни чет тилда гапиришни ўргатиш маъносида қўллашди [79; 81; 164]. Ҳозирги пайтда эса коммуникатив метод нутқ фаолияти турларининг барчаси (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув)ни ўргатиш жараёнида татбиқ этила бошлади.

Маълумки, ҳар қандай метод муайян принциплар асосида шаклланади. Демак, методик принциплар мажмуи у ёки бу методнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Коммуникатив метод илмий принциплари Е.И Пассов томонидан ишлаб чиқилган [80].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коммуникатив-когнитив метод принципларини ишлаб чиқишда коммуникатив метод назариясига қўшимча тарзда когнитология (ахборот ўзлаштириш назарияси), қолаверса, когнитив-грамматика, когнитив психология сингари фанларнинг маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади. Бу ҳақда маданиятлараро мулоқот назариясида анча кенг маълумотлар берилган.

Коммуникатив-когнитив методнинг мазмун-моҳиятини мана бундай таъриф-тавсия этиш мумкин:

- (1) талаба (тил ўрганувчи) чет тилда нутқий мулоқот олиб бориш билан шуғулланади;
- (2) мулоқот чоғида тили ўрганилаётган мамлакат (халқ) маданиятига оид янги ва фойдали билимлар олади [31; 107; 108];
- (3) ўзлаштирилган билимлар амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамият касб этади;
- (4) нутқий мулоқот таълимий восита мақомини олади, ҳаётий билим олиш эса асосий якуний мақсад ҳисобланади;
- (5) нутқий мулоқот бир пайтнинг ўзида ҳам таълимий жараён, ҳам таълим натижасидир, когнитив жараён, албатта, билим эгаллаш билан якунланади;
- (6) тил ўрганувчи нутқий малакаларни эгаллаш билан чегараланиб қолмасдан, тили ўрганилаётган халқ маданиятига оид фойдали ахборотни ва

кундалик ҳаётӣй вазиятларда ёки бўлажак фаолиятида ундан фойдаланиш орқали ўз шахсини камол топишига эришади.

Келтирилган тавсифнинг асосий ғоясига биноан талаба чет тил воситасида, бошқа фанлар қатори, комил инсон бўлиб етишиши, умуминсоний қадриятлардан хабардор бўлиши, индивидуал-ижтимоий тажрибасини янада бойитиши каби таълимий вазифаларни бажаради. Мисолларга мурожаат қиламиз: инглиз тили машғулотида талаба I have forgotten my book (Китобимни эсдан чиқарибман) дейиш мумкин эмас. Чунки китоб ҳақида гапириб, уни эсдан чиқариш инглиззабонлар учун мантиқий ғализлик ҳисобланади). Улар I have forgotten to take/bring my book дейишади.

Яна бир мисол. Оломон ичида Сиз бировни билиб-билмай туртиб юборсангиз, туртиб юборилган шахс Сиздан узр сўрайди: Excuse me, please (Марҳамат қилиб, мени кечиринг). Унинг фикрича, тўқнашув иштирокчилари иккита, Сиздан ташқари, у ҳам айбдор эканлигини тан олади. Бундай ибратомуз когнитив характердаги мисолларни кўп келтириш мумкин.

Коммуникатив-когнитив метод чет тил ўқитишнинг барча босқичларида, кириш дарсларида ҳам, асосий машғулотларда ҳам жорий этилмоқда. Хуллас, ҳозирги педагогик тажрибада кенг жорий этилаётган чет тил ўқитиш коммуникатив-когнитив методи амалда ўзини оқламоқда.

Мазкур тадқиқот номланишида қўлланган “коммуникатив-когнитив” бирикмасида намоён бўладиган маъновий хусусиятлар борасида мухтасар тўхтаб ўтишни жоиз топдик.

Юқорида таъкидланганидек, ўқувчи ёки талаба (хар қандай тил ўрганувчи) чет тил воситасида маданиятлараро мулоқотга киришади [9; 11; 23; 44; 55; 60; 65; 87; 90; 116]. Бу лингводидактик тезиснинг талқинига келсак, шуни алоҳида эътироф қилиш зарурки, мактаб чет тил таълимининг дастлабки босқичи (V синф)дан тортиб барча машғулотларда ўқувчи/талаба чет тил орқали янгилик ўрганиш билан машғул бўлади. Академик лицей, касб-ҳунар коллежи, чет тилдан мутахассислик бермайдиган олий таълим

муассасаси ёки чет тил ихтисослик сифатида ўрганиладиган университет/институт талабаларига ҳам бир хил тааллуқлидир, бу қоида.

Чет тил ўргатишнинг дастлабки дарслари кўпроқ лисоний материал ва у ҳақда тегишли билим бериш/олишга бағишланса, кейинги машғулотларда касбий маълумотларни ўрганиш таълимий мақсад доирасига киради. Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг беш факультети талабалари ўзларининг тор мутахассисликлари бўйича она тили ва инглиз тили (ёки бошқа чет тил)да касбий (профессионал) билимларни олишлари ДТС ва дастурда талаб этилади.

Қуйида Коммуникатив-когнитив корректив курс доирасида олиб бориладиган машғулотлар мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида фикр юритамиз.

Ҳар қандай соҳа ўзига хос система бўлиб, муайян талаблардан келиб чиқиб ташкил этилади ва уни фаншуносликдаги системавий-структуравий ёндашув қонуниятларига таяниб таҳлил қилиш мумкин. Чет тил ўқитиш методикаси ушбу қоидадан мустасно эмас ва унинг таркибига кирадиган Корректив курс ўтиш методикасига ҳам бу илмий тезис тааллуқлидир. Хўш, Корректив курс қандай талаблар асосида ўтказилиши мумкин? Бу табиий саволга тўғри жавоб бериш учун, биринчи навбатда, замонавий лингводидактикада қандай қоидавий мезонлар амал қилиши ва, иккинчидан, микросистема мақомидаги Корректив курсга улардан қайсилари татбиқ этилиши мумкинлигини аниқлаш керак.

Маълумки, жаҳон чет тил ўқитиш илми ютуқларидан бири коммуникатив-когнитив йўналишда машғулотлар олиб бориш ҳақидаги талабларнинг илгари сурилганлигидир. Мазкур йўналишга мувофиқ тил ўрганувчи нутқий мулоқот билан машғул бўлиши, бу жараёнда янги билим олиши керак. “Билим” термини табиий фанлар ва қатор гуманитар фанларда (она тили, тарих, адабиёт кабиларда) кузатиладиган соф назарий маълумотлар эмас, балки тил (нутқ) воситасида ҳаётий йўл-йўриқ тарзидаги

маълумотларга эга бўлиш маъносини билдирмоқда. Демак, тил материалини нутқда ўзлаштириб, тили ўрганилаётган мамлакат(лар) ҳақидаги ахборотлардан воқиф бўлишади.

Яна бир лингводидактик “янгилик” – тилни маданият билан синхрон тарзда (бир вақтда) ўрганиб боришдир. Ўқув предмети “Инглиз тили ва маданияти” тарзида номланмоқда. “Маданият” кенг маънода қўлланаётган термин сифатида қаралмоғи лозим, яъни инсоният (ёки миллат) қўлга киритган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи тушунилмоқда.

Таъриф-тавсиф қилинаётган чет тил ўқитиш назарияси ва амалиёти хусусиятлари алоҳида машқ бажаришдан тортиб, бутун бир чет тил ўқитиш системасида, жумладан, Корректив курсни ташкил қилишда ҳам инobatга олиниши талаб этилади. Бинобарин, чет тил таълимида матлуб қоидалар унинг барча босқичларида ҳам амал қилади.

Қуйида коммуникатив-когнитив методнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва шу асосда Коммуникатив-когнитив корректив курснинг туб моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

1. Чет тилни ўргатиш/ўрганишга тааллуқли “мақсад ва восита” терминларининг маъно доирасида содир бўлган кескин ўзгаришни ҳисобга олиш, яъни чет тил ўқув предмети тушунчаси камровига кирадиган ҳаётий ахборот, нутқий мулоқот, лисоний материал ва тил техникаси каби компонентларнинг ўзаро тур-жинс мантиқий муносабатини аниқлаш лозим. Бу дегани, ахборот нутқий мулоқот, лисоний бирликлар, тил техникаси воситасида ўзлаштирилади. Нутқий мулоқотда лисоний бирликлар эса тил техникаси ёрдамида ўрганилади. Ахборот олиш мақсад, қолган уч компонент (нутқий мулоқот, лисоний бирликлар ва тил техникаси) таълим воситаси мақомида ўрганилиши керак. Бу илмий лингводидактик тезисни схематик тарзда кўрсатиш мумкин.

Демак чет тил ўргатиш/ўрганиш жараёнида, жумладан Корректив курс ўтиш чоғида мақсад ва восита талабларига бўйсунуш зарур.

2-жадвал. Чет тил таълимида мақсад ва восита тушунчалари

Мақсад ва восита	Тил техникаси	Лисоний бирликлар	Нутқий мулоқот	Ахборот олиш/бериш
Оралик мақсад	–	–	+	+
Якуний мақсад	–	–	–	+
Таълимий восита	+	+	+	–

1. Чет тил ўқитишда “Тил-нутқ-маданият” трихотомиясини татбиқ этиш замон талабига айланди (Методист-олима Г.Т. Маҳкамова тадқиқотларида [68:18] триада термини қўлланган: “тил-маданият-мулоқот” муҳокама қилинган ва уларни тасаввур қилиш учун “дунё манзараси” тушунчаси таҳлил қилинган). Муаллиф дунёнинг реал, маданий ва лисоний манзараси шакллари ҳақида фикр юритади. Буларга қўшимча тарзда олимлар дунёнинг миллий когнитив манзараси [83:95] тушунчасини киритишган, бироқ уни маданий манзара, деб қабул қилиш мумкин. Мазкур масалалар когнитив психология [22], когнитив лингвистика [66;67;92;30], маданиятлараро мулоқот [106], қиёсий ва чоғиштирма лингвистика [101;130;119] каби фанларда кенг ёритилган.

1. Корректив курсни ташкил қилишда юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш ва лингводидактика предмети бўлмиш нутқий хатоларни ўрганиш/қийинчиликларни аниқлаш [33] муаммоларини ҳал қилиш талаб этилади. Кириш машғулотлари бошланишида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси синчиклаб ўрганилади, токи ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш имконияти пайдо бўлсин (бунга оид экспериментал тўхтам жараёни ва натижаси ҳақида 3-бобда маълумот келтирилади). Бир сўз билан, талабалар йўл қўядиган хатолар Корректив курс дарсларининг машқлар тизимини яратишда бевосита ҳисобга олинади. Бу чет

тилдан бошланғич машғулотларни ўтишда энг муҳим таълимий тадбирлар сирасига киради.

2. Корректив курсга қўйиладиган талаблардан яна бири – унинг муайян модели ва принциплари асосида машғулотларни ташкил қилишдир.

3. Кириш машғулотларининг умумий таснифидан ўрин олган тоифаларининг илмий-методик таҳлилида очиб берилган камчиликларнинг (Қаранг: 1.2) бартараф этилиши навбатдаги талаблардан саналади. Такрор айтишга тўғри келаяпти: Корректив курсда ўтилганларни қайтариш, тиклаш ва коррекция қилиш ва талабаларга қўшимча янги ўқув материални ўргатиш комплекс ҳолда олиб борилади.

4. Комплекс тарзда ташкил этиладиган Коммуникатив-когнитив корректив курс [35] мазмунида қуйидаги тартибда машқлар бажарилиши тавсия этилади:

- Талабанинг кундалик ҳаётини акс эттирадиган кичик ҳажмдаги матн ўқилади ва ундан фойдаланиб оғзаки нутқ (гапириш) малакаси ўстирилади (Масалан: About Myself , Our Family, About my Friends ва ҳ.к.з.).
- Транскрипцион белгилар билан ёзилган сўзлар ва сўз бирикмаларидан иборат талаффуз машқлари бажарилади.
- Ўрганилган ўқилиш қоидаларини ўз ичига олган сўзлар ўқилади, транскрипция қилинади ва она тилига таржима қилинади.
- Берилган саволларга оғзаки жавоб қайтарилади. Саволлар ўқилган матн мазмуни билан боғлиқ бўлади.
- Диалог намунасини ўқиб, уни талабалар драматизация (ролларга кириш) йўли билан оғзаки бажаришади.
- Муайян мавзуга оид сўзлар (topical vocabulary, масалан, People's ages; Relations by birth кабилар)ни такрорлаш машқи бажарилади.
- Сўзларни транскрипция қилиб, ўқилиш қоидаларини тушунтириб бериш машқ қилинади.
- Дарсда ўқилган матн мавзуси доирасида гапириш ва ёзув машқ қилинади.

Биринчи қисм юзасидан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Тадқиқот мавзусига доир лингводидактик муаммолардан “Корректив курс” терминининг талқини, шундай курсларнинг методик таснифи ва мухтасар танқидий таҳлили ҳамда уларга қўйиладиган замонавий талаблар мазкур бобнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Корректив курс тушунчаси талқинидан келиб чиқиб, уни “Кириш машғулотлари” билан синонимик қатор ясаши асослаб берилди. Нолисоний ОЎЮ 1 курсининг 1-семестрида ўтиладиган чет тилдан дастлабки машғулотлар талабаларнинг аввал олган билим, кўникма ва малакаларини тўғрилаш, тиклаш, илмий терминологияда айтадиган бўлсак, коррекция қилиш мақсади йўлида бажариладиган Корректив курс номи билан юритилиши маъқул топилди. Чет тил ўқитиш амалиётида қўлланиб келган барча корректив курслар, ёки нутқий, ёки лисоний, яъни комплекс машғулотлар мажмуи бўлмаганлиги аниқланди.

Шу нарса ҳам маълум бўлдики, амалда қўлланган барча корректив курсларнинг яққол кўзга ташланадиган жиҳатлари у ёки бу методик ёндашув моҳиятини эътиборга олмаслик, бир ёндашувда бир неча ўзаро фарқ қиладиган корректив курслар ишлаб чиқилганлиги аён бўлди. Фақат тил материали (фонетика, грамматика, лексика)ни ёки ўқиш техникасини ўргатиш/ўрганишга бағишланган курслар мавжудлиги очиб берилди. Методик тасниф қилинган бундай курслар номланишида ҳам мантиқий чалкашликларга йўл қўйиб келинганлиги ошкор бўлиб қолди.

Алоҳида нашр этилган қўлланмалар ёки дарсликларнинг биринчи қисми шаклида тавсия қилинган Корректив курслар ҳамда илмий ишларда таъриф-тавсиф этилган назарий маълумотлардан олинган етарли илмий далиллар орқали анъанавий кириш машғулотлари замон талабига бутунлай жавоб бермаслиги исботланди. Мавжуд корректив курсларнинг таълим-

тарбиявий йўналиши ва уларнинг методик асосланишида йўл қўйилган жиддий камчиликлар санаб ўтилди.

Чет тил таълимида Корректив курсга қўйиладиган муҳим талаблар ишлаб чиқилди: якуний мақсад ахборот олиш/бериш эканлиги, тил техникаси, лисоний материал ва нутқий мулоқот таълимий восита эканлиги эътироф этилди; “тил-нутқ-маданият” трихотомиясига риоя қилиш мақсадга мувофиқ топилди; корректив курснинг модели ва принципларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилганлиги қайд этиб ўтилди; комплекс ҳолда ташкил этиладиган Коммуникатив-когнитив корректив курснинг конкрет мазмунини ақс эттирадиган машқлар системасидан намуналар келтирилди.

И к к и н ч и қ и с м

ЧЕТ ТИЛДАН ЗАМОНАВИЙ КОММУНИКАТИВ-КОГНИТИВ КОРРЕКТИВ КУРС ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

“Чет тил” ўқув предметининг узлуксиз таълим тизимида эгаллаган мақоми ва ўзига хос лингводидактик хусусиятлари

Узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган ҳар бир фаннинг муайян дидактик мақомга эга бўлиши ДТС, ўқув режа ва ўқув дастурида белгилаб берилади. Ушбу “мақом” ва унга боғлиқ “хусусиятлар”дан келиб чиқиб, фанни ўқитиш мақсадлари, мазмуни, методи (принциплари) кабилар аниқланади ва, ўз навбатида, уларга асосланиб, ўқув воситалари (дарслик, кўлланма, методик кўрсатма, дидактик материаллар ва ҳ.к.з.) яратилади. Умумийроқ тавсифлаганда, ДТСдан тортиб, ўқув воситаларигача бўлган барча меъёрий ҳужжатлар ва ўқув тарбиявий адабиётлар мажмуаси у ёки бу ўқув предметининг алоҳида методик система сифатида шакллантиришга хизмат килади.

Ўқув предметига ажратилган вақт бюджети, одатда, таълим муассасасининг ўқув режасида кўрсатилади. Нолисоний ОЎЮ ўқув режасида, дастурда ҳам таъкидланишича, 216 соат берилган [117]. Дастурнинг “1.2. Хорижий тилларни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари” бандида чет тилдан талабани ўзининг келажак касбий фаолиятида оғзаки ва ёзма мулоқот сифатида фойдалана олишга тайёрлаш” [117] назарда тутилади. Ушбу мақсаднинг руёбга чиқариш учун қуйидаги умумий вазифаларни бажариш кераклиги таъкидланади: “ишлаб чиқариш ва илмий мақсадлар учун зарур бўлган ахборотни топиш учун мутахассислик бўйича оригинал адабиётни ўқиш; амалдаги дастурларда кўзда тутилган материал ҳажмида хорижий тилдаги оғзаки мулоқотда иштирок этиш [117]. Дастурда қўйилган мақсад ва вазифалар (баён этилишида жиддий таҳрирталаб

стилистик, грамматик ва имловий ғализликларга йўл қўйилганлигидан қатъи назар), ҳозирги замон лингводидактикаси талабларига деярли мос келади.

Чет тил таълимининг 1 босқичи мазмуни ҳақида сўз юритилганда, босқичнинг хусусий вазифаларини белгилаб беришга ҳаракат қилинган. Аммо, мазмун ва услуб нуқтаи назаридан бундай “уринишлар” беҳуда кетган. Гап шундаки, вазифаларни аниқ-равшан ифодалашга эришилган эмас. Фикримизни далиллаш учун матндан парча келтирамиз: “Хорижий тилни ўрта мактабда ўрганиш давомида эгалланган асосий билим, кўникмаларни мустаҳкамлаш; ... аудитория ва мустақил (аудиториядан ташқари) мутолаа қилиш, оғзаки нутқ (босқич ўқув вазифалари доирасида сўзлаш, эшитиш ва ёзиш); ...” [117]. Бундай, юмшоқ қилиб айтганда, абракадабра шаклидаги баён мазмуни ва услуби Чет тил таълимига мутасадди шахслар (дастур тузувчилар) учун, албатта, хурмат келтирмайди, дастурдан фойдаланувчилар (ўқитувчи ва талабалар)ни эса хато йўлга бошлайди, холос.

Модомики, тадқиқотимиз Чет тил ўқитиш 1 курси билан боғлиқ экан, юқоридаги ҳолатга муносабат билдирмаслик, энг камида, масъулиятсизлик, қолаверса, касбига лоқайдлик, деб тавсифланиши мумкин. Шу боис, 1 курсда олиб бориладиган дастлабки машғулотларда, лингводидактик терминологияни қўлласак, корректив курсда қуйидаги *хусусий вазифаларни* белгилаш мақсадга мувофиқ топилди:

- ўрта таълим тизимида ўрганилган чет тил ўқув материални такроран мустаҳкамлаш орқали уни нутқда коррекция қилиш;
- нолисоний ОЎЮ талабаларига мўлжалланган ДТС ва умумдастурий талабларни бажаришга замин яратиш, яъни нутқ фаолияти асосий турларидан бўлмиш чет тилдаги матнни ўқишни ўргатиш ва матнни тинглаб тушуниш ҳамда унинг асосида гапириш ва ёзув малакаларини ривожлантириш;
- матн устида мустақил ишлаш жараёнида талабанинг танлаган ихтисослигига оид янги ва фойдали ахборот олишини таъминлаш.

Галдаги масала корректив курсдан бошланадиган “чет тил” ўқув предметининг таълимий мақоми ҳақида мухтасар фикр баён этишдир. Узлуксиз таълимда ўқитиладиган ҳар бир фан муайян дидактик мақомга эга бўлиши параграф бошланишида айтиб ўтилган эди. Дидактик мақомни белгилашда фаннинг олдига қўйиладиган мақсад, таълим мазмуни, ўқитиш метод(принциплар)и каби таълимий тушунчалар илмий талқинга тортилади. Улардан ташқари, даставвал, таълим шароити аниқланади. “Чет тил ўқитиш шароити” лингвометодик терминини қуйидагича изоҳлаш мумкин: чет тил ўқитиладиган муассасанинг ўқув режасида ушбу фанга ажратиладиган вақт (машғулот соатлари), тил ўрганувчининг психологик-типологик хусусиятлари ва тил тажрибаси кабилар. “Шароит” термини дастурда қўлланмаган ҳолда, унинг биринчи таркибий қисмини ташкил этадиган ўқув соатлари чет тил таълими босқичларига тақсимланиши қуйидагича амалга оширилган: ”ўқув йилининг 1-семестридаги 36 соат аудитория машғулоти ва 2-семестрда ҳам 36 соат аудитория машғулоти, ... 3-4-семестрларда 56 соат мажбурий машғулотлар назарда тутилган” [117]. Дастурда хорижий тилларнинг тўлиқ курсига (1-3 курсларга) ажратиладиган 216 соат тақсимотида йўл қўйилган хато туфайли умумий соат 196 миқдорида келтирилади, яъни 20 соат қаердадир “қолиб” кетган. Бинобарин, 1-семестрдаги 36 соат ўрнига 40 соат ажратиш имкони мавжуд, чунки ҳафталар сони 20та бўлганда, 2 соатдан машғулот ўтилса, 1-семестрда ўқиш жами шунча (40) соатдан иборат бўлади. (Бу соатларнинг тахминан ярмига тенг келадиган мустақил иш ҳам режалаштирилади. Демак, кириш машғулотлари учун талаба 60 соат атрофида вақт сарфлайди).

“Чет тил ўқитиш шароити” термини қамровидаги тушунчалардан иккинчиси “талабанинг психологик-типологик хусусиятлари”га [21;38;47;53;58;112] келганда, қуйидагиларга алоҳида тўхтаб ўтиш лозим: (а) I-курс талабалари асосан 17-18 ёшдаги йигит-қизлар бўлиб, уларда мавҳум тафаккур шаклланган; (б) умумтаълимий босқичдан ўтиб, ўзлари танлаган

соҳалар бўйича таҳсил олиш иштиёқи, яъни келажакда етук мутахассис бўлиш шуури мавжуд; (в) ўқув машғулотларига етарли масъулият ҳисси уйғонган; (г) мутахассисликни эгаллашга хизмат қиладиган билим асослари ўрта таълимда ўзлаштирилган; (д) ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган [17;64;86], яъни паспорт эгаси сифатида фуқаролик мақомини олган; (е) мустақил ҳаётга қадам ташлаган, келажак ҳақида фикр-мулоҳаза юрита олади. Хуллас, талабалик бошланиши муносабати билан ўзига хос шахсий белгилар пайдо бўлган. Энди уларнинг лисоний таълимга бўлган янгича муносабатларини бошқариш, тўғри йўлга солиш зарурияти пайдо бўлди.

Талабанинг тўпланган тил тажрибасини чет тил ўргатиш/ўрганишда ҳисобга олиш принципига риоя қилиш талаб этилади. ОЎЮ талабаси ҳозиргача уч тилни – она тили, иккинчи тил ва чет тилни ўрганган. Ҳар учаласидан интеграллашган (яхлит) билим, кўникма ва малакага эга. Лингводидактик терминологияни қўллаганда, муайян лисоний компетенция соҳиби сифатида шаклланган. “Чет тил ўргатиш шароити” тушунчасининг учинчи таркибий қисми ҳақида гап бормокда.

Узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган фанлардан бири бўлмиш “чет тил” у ёки бу ўқув муассасасида ўзининг дидактик мақомига эга. Чунончи , “чет тил”, умуман олганда, икки мақомда – умумтаълимий ўқув предмети ва ихтисослик фани сифатида ўргатилади. Улардан биринчиси ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва нолисоний ОЎЮда кузатилади. Чет тилдан ихтисослик эса уни касбий йўналишда ўргатадиган университет/институт ёки улар қошидаги факультет/бўлимларда берилади. Шуниси диққатга сазоворки, бирон чет тилни, масалан, инглиз тилини ихтисослик мақомида ўрганувчилар учун ҳам бошқа бир чет тил, масалан, немис, француз ёки араб, хитой тили қўшимча умумтаълимий ўқув предмети даражасида ўқитилади. Чет тил амалий курси, лингводидактик истилоҳда айтганда, нутқ фаолияти турлари барча ўқув муассасаларида ўргатилади, тил

назарияси, филологик фанлар ва чет тил ўқитиш методикаси эса фақат ихтисослашган ОЎЮда ўқилади.

Айтилганлардан хулоса шуки: нолисоний ОЎЮ талабаси ўрганилмиш чет тилни амалий мақсадда эгаллайди; амалий курс давомида танлаган мутахассислигига оид чет тилдаги матнларни ўқиб ахборот олади; ихтисослик матнларини ўқиб ахборот олиш учун соҳавий терминларни билиш [15;34] талаб этилади, бинобарин, чет тилни ўрганиш касбга йўналтирилади. Мухтасар айтганда, нолисоний ОЎЮда чет тил *касбий йўналтирилган умумтаълим ўқув предмети* мақомини олган [34].

Чет тил ўқув предметининг дидактик мақомига аниқлик киритилди, ундан аввал чет тил ўқитиш шароити таърифланган эди, энди чет тилнинг ўзига хос лингводидактик хусусиятларини шарҳлашга ўтамиз. Бундай ўзига хос жиҳатларни техникавий ОЎЮ мисолида кўриб чиқамиз.

Биринчи навбатда шуни таъкидлаш жоизки, бу турдаги ОЎЮда таҳсил олувчи талаба олдида соҳа мутахассиси бўлиш масъулияти турибди. Етук мутахассис тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири талабани ўз соҳасида зарурий билим, кўникма ва малака билан қуроллантиришдир. Бу таълимий вазифа барча фанлар ўқитувчиларининг зиммасига юклатилади. Демакки, чет тил ўқитувчиси ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшади.

Чет тил ўқув предметининг бошқа фанлардан фарқли лингводидактик белгилари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Хусусиятлар, аввало, нутқ малакаларида намоён бўлади, чунончи:

- ўрганилмиш чет тилдаги нутқ фаолияти турларида машқлар бажарилади, яъни ҳар бир машғулотда талаба аудиоматнни тинглаб тушунади, гапиради, график матнни ўқиб янги ахборот олади ва фикрни ёзма баён этади;
- тинглаб тушуниш ва гапириш машқлари кундалик ҳаётий мавзулар доирасида бажарилади;
- ўқиб ахборот олиш эса, якуний амалий мақсад сифатида, соҳавий матнлар асосида амалга оширилади;

- ёзув малакалари ўқилган матн мазмуни доирасида ривожлантирилади: матннинг ёзма таржимаси, кичик ҳажмдаги аннотация, реферат тайёрлаш каби ўқув топшириқлари берилади.

2. Навбатдаги бошқа хусусиятлар лисоний материалда ўз аксини топади:

- ўрганилмиш янги лексик ва грамматик материал тўлиғича пассив лисоний минимумни ташкил этади;
- ўрта таълимда ўзлаштирилган лисоний бирликлар талаба учун актив минимум ҳисобланади;
- ОЎЮ учун мўлжалланган лексик минимумнинг асосий қисми соҳавий терминларни ўз ичига олади;
- ўқилиш қоидаларини ўргатиш ва талаффуз машқларида нотаниш, яъни ўрганилмаган сўзлар ҳам жалб этилади ва ҳ.к.з.

3. Лексик ва грамматик минимумга кирган лисоний бирликларни ўз ичига олган матнларни ўқиб ахборот олиш қуйидаги дастурий мавзулар доирасида амалга оширилади:

- Мустақил Ўзбекистон, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистонда олий таълим, Олий ўқув юрти, Мамлакат ички ва ташқи сиёсати, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Ташқи иқтисодий алоқалар, Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) (мазкур мавзулар гапириш малакаларини ўстириш учун ҳам таянч ролини ўйнайди);
- ихтисосликка (тор соҳага) оид матнлар ўқиб ахборот олишга мўлжалланади;
- танланган аутентик матнлар луғат ёрдамида уйда ўқилади ва ёзма таржима қилинади;
- аудиторияда ўқиладиган матнлар мазмунини тушуниш монолог ва диалог шаклда гапириш машқлари орқали назорат қилинади;

- чет тил ўқитиш курси якунида талаба аслиятдаги соҳавий матнларни уч тиллик луғат ёрдамида ўқиб ёзма таржима қилади.

Юқорида муҳокама қилинган чет тил дастурий талаблари мазкур ўқув предметининг мақоми ва лингводидактик хусусиятлари таъриф-тавсифидан келиб чиқиб, 1-семестрда олиб бориладиган корректив курсга тааллуқли хулосалар чиқариш имконини беради.

Масала шундаки, корректив курс давомида чет тил таълимининг ўзига хос хусусиятлари бевосита ҳисобга олинади. Зеро, чет тил кириш машғулотларини, образли қилиб, юқорида таъкидланганидек, ушбу ўқув предметининг миниатюрадаги варианты, дейиш мумкин. Бинобарин, корректив курс, анъанавий шаблонларда эмас, балки давр талабига монанд педагогик технологияларни қўллаб ўтказилгандагина кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Айтилганларни янада аниқроқ ифодаладиган бўлсак, қуйидаги мулоҳазаларни қўшимча баён этишга тўғри келади:

- корректив курс мазмунан асосий курс учун таълимий “кўприк” вазифасини ўтайди, яъни лисоний материал ва тил техникаси машқлари нутқ фаолиятини эгаллашга хизмат қилади;
- аввал ўрганилган материални такрорлаш билан чегараланиб қолмасдан, ОЎЮ дастуридан ўрин олган янги ўқув материални, жумладан, терминологик лексикани ҳам ўргатиб борилади;
- чет тил таълими мазмуни ҳисобланмиш нутқий мавзулар, нутқ малакалари ва тил материалига оид лингводидактик хусусиятлар кириш машғулотларида ўз инъикосини топади, токи асосий курсга ўтиш силлиқ амалга ошсин.

Чет тил ўқув предметининг мақоми ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, корректив курс назарияси ва амалиётига оид лингвометодик муаммолар ҳал қилиниши мумкин (бу ҳақда кейинги параграфда сўз юритилади).

Чет тилдан корректив курс мазмуни, тузилмаси ва методик тизими

Фаншунослик маълумотларига кўра, табиий ва ижтимоий ҳодиса ёки жараён мавжуд назарий билимлар асосида таҳлил ва талқин қилинади. Таълимнинг умумий назарияси (дидактика), тилларни ўқитиш илми (лингводидактика), у ёки бу тилни (она тили, иккинчи тил ёки чет тилни) ўргатишга оид билимлар мажмуи (лингвометодика) кабиларда эришилган ютуқлар муайян чет тил бўйича корректив курс мазмуни, тузилмаси ва методик тизимини тадқиқ қилишда қўл келади.

Ҳар бир илмий муаммони ўрганишда, унинг тарихи, назарияси ва амалиёти кўриб чиқилади. Бинобарин, чет тил корректив курси ҳам ўзининг ўтмиши, шаклланган назарияси ва ҳозирдаги аҳоли нуқтаи назаридан тадқиқотга тортилади.

Корректив курс масалаларидан биринчиси – унинг назарий асослари ҳақида нисбатан муфассал фикр-мулоҳаза юритилади. Чет тил таълимидаги корректив курснинг мазмуни мазкур ўқув предметининг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши юқорида муайян даражада изоҳлаб ўтилди.

Қуйида нолисоний ОЎЮнинг 1-семестри учун яратилмиш инглиз тилидан корректив курс мазмуни ёритилади.

Корректив курс ўтиш мазмунини уч таркибли таълимий тадбир сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. *Ўргатиш/ўрганиш объекти.* Корректив курс давомида талабага нималарни ўргатамиз? саволига жавоб тариқасида айтишимиз мумкинки, биринчидан, чет тилда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) бўйича малакалар ривожлантирилади, иккинчидан, лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) кўникмалар сингдирилади, учинчидан, тил техникаси (ўқилиш, ёзиш, айтиш, таниб олиш қоидалари) ўргатилади.

2. *Корректив машқлар.* Тавсия этилмиш ўргатиш/ўрганиш объектини қандай қилиб талабага етказиш ҳақида гап боради. Машқларнинг

умумлашган ҳолда уч тури лингвометодикада маълум ва манзур: шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар [33]. Уларнинг айрим лингвометодистлар томонидан бошқача номланганлигини кузатиш мумкин: информацион, операцион, мотивацион машқлар [18]. Анъанавий методик ёндашувларда яна ўзгача номларни учратамиз: лисоний, нутқий [84] ёки нутққа тайёрловчи ва соф нутқий (коммуникатив) машқлар [Климентенко, Уайзер] ва ҳ.к.з. (Машқларнинг назарий тадқиқига оид методик манбалар таҳлили тафсилотига берилмасдан, биринчи турдаги номланишни асос қилиб, уларнинг моҳияти мухтасар таърифига кейинги қисмларда бафуржа тўхталамиз).

3. *Ўқув материални ўзлаштириш босқичлари.* Педагогик психология ва лингводидактикада оммалашган ва чет тил ўқитиш амалиётида маъқул топилган илмий қарашларга биноан лисоний бирликларнинг нутқий мулоқотда ўзлаштириш тўрт босқичи – тақдимот (presentation), машқ қилиш (training), (нутқда) қўллаш (using) ва назорат (control)/ўз-ўзини назорат қилиш (self-control)дан [33;127] тадқиқотимизда фойдаланишни лозим топдик.

Корректив курс ўтиш мазмуни таркибини атайин келтиришдан муддао унинг махсус тузилмасини ишлаб чиқишдир. Корректив курс тузилмаси деганда, ҳар бир машғулотда бажариладиган ўқув топшириқлари мажмуи тушунилади. Ҳафтада ўтиладиган икки соатлик кириш машғулотлари қуйидаги машқларни бажаришга бағишланади:

- *ш а к л л а н т и р у в ч и м а ш қ л а р:* ўқилиш қоидаларини ўргатиш машқи (Read the following words/sentences; Spell the words...); *имлони ўргатиш машқи* (Copy out the words...; Make up sentences using the given words...); *айтишни ўргатиш машқи* (Read the words and pronounce the sounds separately...; Repeat the sounds/words/sentences after the teacher; Listen to/read the words and mark out the vowels and consonants, etc. Келтирилган ва бошқа машқларнинг репродуктив ва рецептив турларидан, эҳтиёжга қараб,

зарурийлик ва етарлилик принципига биноан (АҚШ лингводидактик терминологиясида the principle of necessity and sufficiency) фойдаланиш мумкин.

- *р и в о ж л а н т и р у в ч и м а ш қ л а р* (лисоний бирликларни ўргатиш машқлари): *лексик машқ* (What does the word ... mean?; Use the word(s) in your speech; What is the synonym/antonym of the word ...?; Learn the converted words: dress *n* – dress *v*; early *adj* – early *adv*; Divide the components of the composite words into parts: bookshop (book+shop), story-teller (story + tell +er), etc.); *грамматик машқ* (-s/-es кўшимчали грамматик ҳодисаларга мисол келтиринг (отнинг кўплик шакли, феълнинг Present simple шакли) ва уларни оғзаки/ёзма нутқда қўлланг; is/am/are, was/were феъллари иштирокида гаплар тузинг; гапда Active/Passive voice кўлланг ва ҳ.к.з.).

- *т а к о м и л л а ш т и р у в ч и м а ш қ л а р* (рецептив ва (ре)продуктив нутқ юритиш машқлари): *тинглаб тушуниш машқлари* (аудиоматнни тингланг ва саволларга жавоб топинг; аудиоматн мазмунини гапириб беринг; аудиоматн сюжетига асосланиб, унинг қисқача мазмунини ёзинг); *гапириш машқлари* (мавзу юзасидан фикр баён этинг; расмга қараб гапиринг/ёзинг; муайян нутқий вазият доирасида диалог нутқ юритинг); *ўқиш машқлари* (матнни ўқинг ва саволларга жавоб қайтаринг (ёзма/оғзаки); матн мазмунини гапириб бериш режасини тузинг; матндан олинган ахборотни ўз сўзингиз билан гапириб беринг; матнни ёзма таржима қилинг); *ёзув машқлари* (тинглаган/ўқиган матн мазмунини ёзма баён этинг; мавзу/нутқ вазияти бўйича ўз фикрингизни ёзинг; расмни ёзма шаклда тасвирлаб беринг).

Мазкур уч турдаги машқларнинг намуналари корректив курс машғулотларининг асосини ташкил этади. Ўқитувчи ихтиёри билан уларнинг турли вариантларидан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади. Масала шундаки, машғулотлар чоғида талабаларнинг лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) кўникмалари ва нутқий (тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш, ёзув) малакаларини коррекция қилиш, оқибат-натижада, ўрганилмиш чет тилни

ДТС ва дастур талаблари ҳажмида эгаллаш юқорида тасвирланган уч турдаги машқларни бажариш орқали амалга оширилади. Уч турдаги машқлар лисоний кўникмани шакллантириш, кўникма асосида нутқ малакаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, чет тилда нутқ фақат машқлар орқалигина ўрганилади.

Корректив курс – Кириш машғулоти мазмунини талқин ва таҳлил қилиш йўли билан мазкур курсни ўтишнинг методик тизимини яратишга муваффақ бўлинади.

“Чет тилдан корректив курснинг методик тизими” илмий тушунчасини талабаларнинг шахсий сифат кўрсаткичлари ва ўрганилаётган тилда нутқ фаолияти турларига қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда корректив курс ўтиш назарияси ва амалиёти, деб тавсифлаш ўринлидир.

3-жадвал. I курс талабаларининг шахсий сифат кўрсаткичлари
(талабалар сони/фоиз)

Гендер хусусияти		Этник қатлами		Тил тажрибаси		Нутқий мулоқотга мойиллиги		Коммуникатив ва лингвистик қобилияти	
Йигит	қиз	ўзбек	бошқа миллат	инглиз тили	бошқа тил	экстра-верт	интро-верт	Индук-тив	дедук-тив
167/70	73/30	221/92	19/8	223/93	17/7	96 /40	144/60	126/52	114/48
240/100		240/100		240/100		240/100		240/100	

Мазкур методик тизимни яратиш учун, аввало, корректив курс тарихи таҳлилга тортилди, сўнгра талабаларнинг шахсий сифатлари синчиклаб ўрганилди (3-жадвалга қаранг) ва, ниҳоят, I курс талабаларининг чет тилда нутқ фаолияти турларига бўлган қизиқишлари (4 жадвал) махсус ўрганиб чиқилди.

Жадвалдаги миқдорий кўрсаткичлардан аён бўладики, сўровнома ўтказилган 240 нафар I курсда инглиз тили ўрганувчи талабаларнинг 167 таси йигитлар (70%) ва 73 таси қизлар (30%)ни ташкил этади. Улар билан

кўшимча суҳбат ўтказилганда, йигитлар кўпроқ аниқ ва техника фанларига, қизлар эса гуманитар фанларга мойиллик билдиришлари йўл-йўлакай маълум бўлди. Яна бир нарса эътиборимизни тортди: ёш масаласи, яъни 140 талаба 18 ёшда, 74таси 20-21 ва 26таси 22-26 ёшлиқлар экан. Бу омил ҳам чет тил ўргатишда ҳисобга олинди, чунки инглиз тилини шу йил ва бир неча йил олдин ўрганган I курс талабалари уни ўрганишни давом эттирар эканлар, турли даражада лисоний кўникма ва нутқий малакалара эга эканликлари маълум бўлди.

Кўрсаткичларни аниқлаш чоғида (иккинчи катак) ўзбек гуруҳларида ўқийдиган талабалардан 221таси (92%) ўзбек миллатига мансуб, қолганлари эса (19 киши, яъни 8%) бошқа миллат вакиллари эканлиги аён бўлди. Юзаки қараганда, миллатнинг корректив курсга нима дахли бор, деган хаёлларга бориш мумкин. Лекин, тажриба кўрсатишича, унинг бевосита ёки билвосита дахлдорлиги менталитет, жумладан миллий маданият ва лисоний лаёқатда ҳам намоён бўлар экан, чунончи: ўзга миллат ва унинг тилига муносабат иккинчи тилда (она тилида эмас) таҳсил олиш байналминаллик туйғусини кучайтиради. Миллатпарварлик, биламизки, ўзбеклар учун хос фазилатлардан бири, бинобарин, у турли миллат вакилларида ҳам шундай ҳурмат-эҳтиромли бўлишни тақозо этади.

Шахсий сифатлардан навбатдагиси – талаба ОўЮгача қайси чет тил(лар)ни ўрганганлиги, тил тажрибаси қандай тиллардан иборатлиги инглиз тилини ўрганишда алоҳида эътиборга олинади. Чунки инглиз тили лисоний бирликларини ўзлаштириш мавжуд тил тажрибаси билан узвий боғлиқдир. Айни шу пайтда тил тажрибасининг янги ўрганилаётган тилга ижобий таъсири (фацилитация ёки транспозиция) ва салбий таъсири (интерференция)ни эслаб ўтиш жоиздир. Қатор мисоллар келтирамиз: рус ёки тожикзабон шахс инглиз тилидаги сўз/бўғин боши ва охирида келган ундошлар қатори (инглизча consonant cluster – street, texts, please, children)ни тез ва осон айта олади, туркий тилларда сўзлашувчилар айнан ушбу фонетик

ходисанинг талаффузида қийинчилик сезади; русийзабон талабалар Future simple (*I shall go*, *He will go*) грамматик ҳодисасини ўрганишда уларнинг она тилидаги мос бирлик (*Я буду ходить*, *Он будет ходить*)дан фойдаланишади, бошқача айтганда, лисоний кўникмаларнинг ижобий кўчиши содир бўлади. Яна бир ёрқин мисол: ўзбек талабалари инглиз тилида феълнинг Progressive (Continuous)да қўлланишини (функциясини) ўрганишда она тилидаги давом феъли қўлланишига суянади (ижобий таъсир кузатилмоқда), русийзабонларга эса бу ўта мураккаблик касб этади, зеро, рус тилида *Я говорю* дейилганда, инглиз тилидаги Present Simple ва Present Continuous ифодаланмоқда. Қисқаси, талаба шахсий сифатлари таркибидаги тил тажрибаси корректив курсни ўтишда икки тарафлама – ижобий ва салбий таъсир кучига эга.

Муҳокамага қўйилган методик тизимни яратишда қўл келадиган тил ўрганувчининг шахсий кўрсаткичларидан яна бири унинг нутқий мулоқотга мойиллик даражасидир. Таълим назарияси ва педагогик амалиётдан кўпчиликка маълумки, талабаларнинг бир қисми фикр баён этишга интилувчи, бошқалари эса нутқий фаолиятга камроқ диққат берадиган тоифаларга ажралади. Биринчи гуруҳга кирувчиларни психологлар экстраверт дейишади, иккинчиларини эса интроверт номи билан юритишади.

Кириш машғулотларида, қолаверса, умуман тил ўргатишда, интровертлик/экстравертлик алоҳида эътиборни талаб қилади. Гап шундаки, аудиторияда ҳам интроверт, ҳам экстраверт талабалар борлиги уларга индивидуал ёндашувни тақозо этади (кейинги каттак ва ушбу бобнинг 3-параграфидаги чет тилни индуктив/дедуктив эгаллашга бағишланган 5-принципда кўшимча маълумотлар берилади). Жадвалдаги 4-катакда кўрсатилган рақамларга мурожаат қиламиз. Экстраверт талабалар 96 нафар (40%)ни ташкил этмоқда. Демак, корректив курс иштирокчиларидан камчилиги “гапдонлар”, кўпчилиги “камгаплар” каторида туради. Бажарилмиш аудитория машқларининг сифати ва миқдорини, яъни талаба сарфлайдиган куч ва вақтни шу кўрсаткичга қараб белгилашга тўғри келади.

Талабалар шахсий сифат кўрсаткичларининг тартиб бўйича сўнгиси уларнинг коммуникатив (нутқий мулоқот) ва лингвистик (лисоний) қобилиятлари билан боғлиқдир. Тил ва нутқ дихотомияси (Ф.де Соссюр)дан бошланган бундай фарқланиш тилшуносликда тил системаси (langue) ва нутқ фаолияти (parole) терминларида ифодаланган. Тил ўргатиш/ўрганиш илмида эса талабанинг фаолият кўрсатиш ёки тил ҳақида билим олишга интилишлари илмий муаммо сифатида муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлади. Чет тил ўрганувчилар ушбу хусусиятлари билан кескин фарқланиши кузатилади. Жадвалдаги рақамларнинг далолат беришича, тилни индуктив ўрганувчилар сони бир оз кўплиги билан ажралиб туришади. Мантик илмидан маълумки, “Жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш” индукция дейилади [ЎТИЛ.Ж.II: 209]. Чет тил таълимига бу тезисни татбиқ этадиган бўлсак, лисоний бирликларни нутқда ўргана бориб, улар ҳақида умумлашма (қоида) чиқариш, дейиш маъқул тушади. Дедукция эса унинг зиддидир, яъни “Умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқарган ҳолда муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш” [ЎТИЛ.Ж.I:591]. Бунда аввал қоида берилади, сўнгра мисоллар келтирилади.

Лингводидактикада дедукция она тилини ўргатиш учун тавсия қилинади, чунки ўқувчи/талабада нутқ фаолияти етарлича эгалланган, чет тилда эса индуктив ёндашиш мақбулдир, сабаб: лисоний ҳодисалардан нутқ фаолияти юритишга илк бор қадам қўйилмоқда. Талабаларнинг индуктив/дедуктив тафаккурига қараб, уларга алоҳида-алоҳида топширик бериш тавсия этилади.

Корректив курсда талабаларнинг чет тилдаги нутқ фаолияти турлари бўйича қизиқишларида ҳам сезиларли фарқлар кузатилади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал. Талабаларнинг чет тилда нутқ фаолияти турларига қизиқишлари кўрсаткичлари

Талабаларнинг чет тилда нутқ фаолияти турларига қизиқишлари			
Ўқишга қизиқувчилар	Гапиришга Қизиқувчилар	Тинглаб тушунишга қизиқувчилар	Ёзувга қизиқувчилар
86/36 %	44/18 %	81/34 %	29/12 %
240/100 %			

Кўриниб турибдики, сўровномада иштирок этган 240 нафар нолисоний ОЎЮ I курс талабаларидан 86таси (36%) ўқишга қизиқувчилар, миқдор жиҳатидан иккинчи ўринда тинглаб тушунишга қизиқувчилар (81 киши 34%) туришади. Гапириш (44%–18%) ва ёзувни ёқтирадиганлар энг кам фоизни (29%–12%) ташкил этмоқда. Бундай нисбат чет тилда машғулотларни ўтказишда эътиборга олиниши, албатта, зарур. Шу билан бирга, тадқиқотимиз давомида, нолисоний ОЎЮ талабаларидан ташқари, инглиз тилидан ихтисослик оладиган талабалар билан ҳам саволнома ўтказишни лозим топдик. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Чет тиллар факультети талабаларининг жавоблари бутунлай ўзга нисбатни намойиш этди, яъни бўлажак инглиз тили муаллимлари барча нутқ фаолияти турларига деярли бир даражада қизиқиш билдиришларини баён қилишди. Шундан хулосага келдикки, нолисоний ОЎЮ талабалари, биринчи навбатда, танлаган ихтисосликларига ихлос билан киришадилар. Ушбу мотивацион омилдан имкон қадар фойдаланиш мақсадида чет тилни касбий йўналтириш орқали, бир томондан, бу предметга қизиқишни орттириш, иккинчи томондан, талабаларни чет тил материалида қўшимча соҳавий ахборот билан таъминлаш имкониятларини ишга солишдек таълимий муаммони ҳал қилишга эришилди.

Юқоридаги 3 ва 4-жадвалларда акс эттирилган миқдорий кўрсаткичларга таяниб, чет тилдан корректив курс олиб боришнинг методик тизимини яратишга муваффақ бўлинди. Ушбу тизимга қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Талабаларнинг гендер хусусиятларига эътибор берилади.
2. Чет тил ўргатишда талабанинг у ёки бу этник қатламга мансублиги ҳисобга олинади.
3. Талаба тўплаган тил тажрибаси чет тил ўрганиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.
4. Машғулотларда, жумладан корректив курсда талабанинг экстраверт/интровертлигига қараб индивидуал топшириқлар бериб борилади.
5. Талабаларнинг тил ҳақидаги билим олиш ёки тилда нутқ фаолияти юритиш қобилиятларига қараб махсус машқлар ўтказилади.
6. Талабаларнинг ўқув предметига бўлган қизиқишлари ўқув-тарбия ишларидан кутиладиган самарадорликни белгиловчи муҳим омил эканлиги яна бир карра ўз исботини топди.

Корректив курс мазмуни, тузилмаси ва методик тизими ҳақидаги илмий маълумотлар биз тавсия этаётган Коммуникатив-когнитив корректив курснинг инновацион моделини яратишда асос ролини бажаради.

Нолисоний олий ўқув юртлари талабалари учун инглиз тилидан “Коммуникатив-когнитив корректив курс”нинг замонавий модели

Аввал таъкидланганидек, сўнги йилларда чет тил таълими кескин бурилишларга юз тутди. Биргина коммуникатив-когнитив йўналишнинг ўзи ушбу ўқув предметини ўқитиш/ўрганиш жараёнига бутунлай янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Зеро, муайян системадаги эволюцион ёки революцион ўзгариш, одатда, соҳанинг барча жабҳаларида “занжирли реакция”га сабаб бўлади. Чет тил ўқитишда корректив курс, мажозий

ифодалаганда, мана шундай “занжир”нинг бир “ҳалқаси” ҳисобланади, яъни системанинг элементини ташкил этади.


Хўш, корректив курснинг моделини яратишда қандай методик меъёрларга ва илмий принципларга риоя қилишимизга тўғри келади? Моделлаштириш методини қўллашда, аввало, ушбу ўқув предметини ўқитиш мазмунига мурожаат қилмоқ, бизнингча, маъқул кўринади. Маълумки, чет тил таълими мазмуни уч компонентли лингводидактик тушунчадир, чунончи: нутқ мавзулари, нутқ кўникма/малакалари ҳамда тил материали. Профессор Ж.Ж. Жалолов илмий қарашларига биноан чет тил ўқитиш мазмуни “муайян мавзулар доирасида чет тил бирликларини қўллаб нутқ малакаларининг шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ходиса” [33:48].

Демак, биз тавсия этмоқчи бўлаётган Модель шу уч таркибни ўз ичига олиши мумкин, аниқроғи, муайян ўқув муассасаси чет тил дастуридан ўрин олган оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари, нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) бўйича шакллантирилмиш малакалар ва тил (лексик, грамматик, талаффуз) материали тавсия этилмиш Модель асосини ташкил этади. Таълим мазмунига киритилган мавзу, малака ва материал КККК учун махсус методик минимизациядан ўтказилади. Бу дегани – ўрта таълим ва нолисоний ОЎЮ чет тил дастурларидан ўрин олган мавзу, малака ва материал миқдоран янада ихчамлаштирилади, илмий тилда айтганда, лингвометодик компрессия қилинади.

Яратилмиш КККК модели мазмунини схематик тарзда куйидагича тасвирлашни лозим топдик.

Келтирилган схемадан яққол кўринадикки, чет тил ўқитиш мазмунидаги барча таркибий қисмларнинг миниатюрадаги ҳажми ККККнинг мазмунида ўз аксини топади. Янада тушунарли қилиб айтадиган бўлсак, КККК машғулотларида талаба берилган мавзу доирасида минимал тил материалини қўллаб, тинглаб тушунади, гапиради, ўқийди, ёзади.

1-схема. Чет тилда коммуникатив-когнитив корректив курс модели



Уч таркибдаги чет тил ўқитиш мазмунининг ички жиҳатини аниқлашга киришамиз. *Биринчи* компонент – нутқ мавзулари қуйидагилардан иборат: (1) оғзаки нутқ мавзулари, яъни (а) Теварак-атроф, (б) Ватанимиз ва (в) Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) ҳақида; (2) ўқиш мавзулари – оғзаки нутқ мавзуларига қўшимча тарзда талаба танлаган ихтисосликка оид содда, ихчам матнларни ўқиш ҳақида сўз юритилмоқда. *Иккинчи* таркибда ўқув дастурдан жой олган чет тилдаги нутқ фаолияти турларининг тўртталаси бўйича малакаларга қўйиладиган талаблар назарда тутилади [117]. *Учинчи* қисмга тил материалининг мухтасар рўйхати киритилган, уларни номма-ном санаб ўтамиз:

(а) ва (б) бандига кирган мавзулар ўрта таълимда берилган, улардан ташқари нолисоний ОЎЮга мўлжалланган мавзулар ушбу бобнинг 1-параграфидан ўрин олган.

Грамматик ҳодисалар: **феъл:** ноаниқ шакли – to go, to speak; ўтган замон шакли – went, spoke; ўтган замон сифатдоши – gone, spoken; ёрдамчи феъллар – have/has/had; is/am/are; was/were; do/does/did; модал феъллар – may/might, can/could, must, shall/should, will/would, ought to, have to; қўшма феъллар – go on, come in, make up, to let/make speak; буйруқ шакл – Give me a

...; феълнинг сўроқ, бўлишсиз гаплардаги шакли; мажхул нисбат (Passive); шарт ва пайт эргаш гаплардаги феъл шакли (If ..., When ..., ...). **От:** кўплик шакли; кўшма от; саналмайдиган от; **артикуль** (a/an, the [D_Q, D_I]); **предлог;** **сифат:** қиёсий ва орттирма даражалари; **равиш:** қиёсий ва орттирма даражалари; **гапда сўз тартиби.**

Лексика: сўзнинг ёзилиши (spelling); бўғинлар миқдори; харфлар/товушлар миқдори; урғули бўғин; сўз туркумига мансублиги; кўп маънолилиқ (полисемия); эркин сўз бирикмалари; турғун сўз бирикмалар; таржимоннинг сохта дўсти (magazine, rapport, family); тематик лексика; синоним; омоним (омофон/омограф); антоним; сўз ясалиши (аффиксация, конверсия, аббревиатура) ва б.

Талаффуз материали: инглизча харфларнинг ўқилиши; фонетик транскрипция; унли товуш (монофтонг ва дифтонг); ундош товуш; сўз урғуси; гапда урғу; урғусиз бўғин; интонация; боғланишли нутқ.

Юқорида келтирилган тил (лексика, грамматика ва талаффуз) материали умумий тарзда рўйхатга олинди (Уларга оид тил бирликлари устида ишлаш усуллари тажриба-синов ишида 3-бобнинг 1-параграфида барча тафсилотлари билан баён этилади. Шунингдек, КККК мазмунидан ташқари уни ўзлаштириш жараёни ҳам экспериментал қисмда ёритилади).

Тавсия этилаётган КККК моделининг тузилиши ва унинг мазмунини умумлаштирган ҳолда изоҳлаб ўтамыз.

Ушбу модель тузилишига кўра қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: Унда 20та дарс (Units) жамланган бўлиб, 40 соат аудитория машғулотлари ва 20 соатлик аудиториядан ташқари (мустақил) бажариладиган ўқув вазибаларини қамраб олади. Ҳар бир Unitда иккита адаптация қилинган [35] талабалар ҳаётига оид матнни (About Myself, My Future Profession..) аудиторияда ўқиш кўзда тутилади (ҳар дарсда битта матн ўқилади) ва биттадан ихтисосликка дахлдор кичик ҳажмдаги матнлар (микроматнлар) уйда ўқиш учун берилади.

Адаптация қилинган ҳар бир матнни ўқишга киришишдан олдин, талабанинг иккита (баъзида учта) матнолди (Before text) машқларини бажариши режалаштирилади. Улар олий ўқув юртигача ўрганилган вокабулар, грамматик ҳодисалар ва ўқиш/талаффуз техникасини ривожлантиришга қаратилган ўқув материалларини ўз ичига олади.

Биринчи матн тинглаб тушуниш ва ўқиш малакаларини такомиллаштириш, аниқроқ айтганда, “тиклаш”га хизмат қилади. Шу аснода эшитув-талаффуз кўникмаларининг ҳам мустаҳкамланиши назарда тутилади. Аудитив (тинглаб тушуниш) малакаларни ўзлаштириш машқ қилингандан сўнг эшитув сезгиси/анализатори орқали тренировкадан ўтган ўқув материалининг график (ёзма матндаги) тимсоли дрилл орқали тренингдан ўтказилади. Бунда кўрув сезгиси/анализатори фаолияти туфайли аввал тингланган материалнинг график тимсоли идрок этилади. Талаба уч-тўрттадан ёзма савол шаклида матнолди топшириғини олади ва ўқиш пайтида уларга жавоб ахтаради (кузатув ўқиш амалга оширилади). Матнни ўқигандан сўнг талабанинг мазмунни тушунганлик даражаси назорат остига олинади.

Иккинчи тоифадаги матн аудиториядан ташқари ўқишга вазифа қилиб берилади. Бу матн уйда луғат ёрдамида ўқилади ва ёзма таржимаси аудиторияда муҳокамага қўйилади. Чунки унинг таркибида талабалар олдин ўрганмаган ихтисосликка оид терминологик лексика учрайди. Соҳавий терминларни ўрганиш талабаларни касбга йўналтиришда муҳим омил [121;124] эканлиги эътиборга олинмоқда. Хуллас, матн устида ишлаш ўрганилаётган чет тилда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантириш мақсадларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Тавсия қилинмиш КККК моделининг мазмун-моҳиятини чуқур фаҳмлаш мақсадида қуйидаги илмий-методик маълумотларни умумлаштирилган тарзда баён этишимиз мумкин.

Биринчидан, КККК ҳозиргача мавжуд анънавий кириш курсларидан жиддий фарқ қилиб, бунда икки масалага алоҳида эътибор қаратилади: (1) тил кўникмалари ва нутқ малакалари дискурс (амалиётдаги текст) материалида коррекция қилинади (“тикланади”); (2) илгари ўзлаштирилган ва энди ўзлаштирилаётган нутқий бирликлар коммуникатив йўналишдаги машқларда нутқий тренингдан ўтказилади.

Иккинчидан, мазкур курс замонавий когнитологик илмий ютуқларга асосланади, бу дегани: (1) тил ўрганувчилар касбий ва лисоний билимларни онглилик принципига биноан ўзлаштиришади (лисоний билим деганда, – атоқли методист-олима профессор В.С. Цетлин [120] ибораси билан, оператив қоидалар назарда тутилади); (2) талаба чет тилни эгаллаш чоғида ўзининг касбий компетенциясини такомиллаштириб боради. Биринчисида лингвометодик, иккинчисида компетенциявий ёндашувга риоя қилинмоқда. Кўринадики, чет тилни ўрганишда талаба, она тилида кузатилганидек, ўзга тилдан асосий ихтисослик бўйича керакли ва фойдали ахборот олишга эришмоқда. Чет тил ҳам билиш воситаси функциясини бажармоқда. Бинобарин, бўлажак мутахассис учун, ҳам она тилида, ҳам чет тилда соҳавий билим олиш имконияти яратилмоқда.

Учинчидан, лингводидактика тарихида илк бор ишлаб чиқилган ушбу ККККга юқори курс талабалари учун мўлжалланган соҳавий терминологик лексика қисман киритилган. Бундай методик тадбир, юзаки қараганда, номақбулдай туюлиши мумкин. Лекин назарий мулоҳазалар ва тажрибамиз кўрсатишича, талабаларнинг чет тил кириш машғулотлари жараёнида намоён бўлган қизиқишлари ва ҳосил қилинган нутқий кўникма ва малакаларининг сифат кўрсаткичлари мазкур таълимий “қадам”нинг афзаллигини исботлади. Янада аниқроқ ифодаласак, биринчи курс талабаси матн ўқиганда она тилидаги ўхшаш бир ўзакли терминларни чет тилда учратиб, ўзларида йўқ даражада ҳайратланидилар ва уларда бу вазият ўта қизиқиш уйғотади. Мисолларга мурожаат қиламиз: linter-линтер, coiler-койлер, design-дизайн,

induction-индукция, operator-оператор кабилар талабалар томонидан ғайриоддий ҳодиса сифатида кутиб олинади. Айниқса, бўлажак мутахассислиги учун керак бўладиган терминологик лексик бирликларни инглиз тилида билиш талабаларга ижобий таъсир кўрсатади. Бу, албатта, ўқув предметини ўрганишга кучли мотивация кўзғайди.

Тўртинчидан, лингводидактика назарияси ва педагогик амалиётдан маълумки, ўқиш техникаси (товуш-ҳарф муносабатлари) машқларида муайян ўқув муассасаси лексик минимумига киритилмаган сўзлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ҳодиса турли мамлакатларда нашр этилган дарсликларда кенг тарқалган. АҚШда чоп этилган ўқув-методик воситаларда, ҳатто, тилда мавжуд бўлмаган сунъий сўзлар ҳам ўқиш техникасини шакллантириш машқларида қўллана беради. Назарий ва амалий жиҳатдан буни бемалол оқлаш мумкин, чунки тил ўрганувчи ўзига таниш бўлмаган сўзларни ҳам ўрганилган ўқилиш қоидаларига мувофиқ ўқий олиш кўникмасини эгаллаши талаб этилади. Биз ишлаб чиққан ККККда талабалар кейинчалик, масалан, юқори курсларда ўрганадиган терминологик лексикадан ўқиш техникасини машқ қилиш учун фойдаланишни лозим топдик. Мисоллар келтирамиз: tale-bale, last-blast, much-clutch, dog-cog, bank-trank, use-fuse, June-jute, path-lath, room-loom, need-reed, sitting-splitting, cage-swage каби жуфтликларнинг биринчи сўзлари ўрта таълимда ўрганилган, маъноси ва ўқилиши биринчи курс талабаларига таниш. Иккинчи компонентлари эса тўқимачилик терминлари тоифасига киради. Уларни таълимнинг юқори босқичида ўрганиш режалаштирилган. Бинобарин, дастлабки дарсларда бу терминларнинг маъноси очилмайди, бироқ ўқилиши эса аввал ўрганилган нотерминологик (умумистеъмолдаги) лексик қатламга мансуб сўзлардаги қоидаларга асосланган ҳолда (аналогия усулида) ўрганила беради. Натижада соҳавий матнлардаги ўқиш техникаси қийинчиликлари олдиндан бартараф этилади, маъноси ўз ўрнида янги сўз мақомида махсус ўрганилади. Яна бир мулоҳаза: мисоллардаги иккинчи компонентлар фақат

Ўқилиш қоидаларини ўргатиш учунгина яроқли саналади, нутқий мулоқотда эса ҳозирча ишлатилмайди.

Шу ўринда тақдим этилаётган ККККда учрайдиган яна бир гуруҳ терминлар ҳақида мухтасар фикр баён этишга эҳтиёж пайдо бўлади. Уларга хос хусусият шундан иборатки, ўрта таълимда умумистеъмол лексик қатламга кирадиган сўзлар энди талабаларнинг вокабулярида терминологик мақомга эга бўлади. Мисоллар келтирамиз: flat, force, gap, grade, guide, key, knife, nut, saw, sat, tension, testing, tool, unit, work, worm ва б. Булар махсус терминологик қатламни ташкил этади (полисемантизм ҳақида гап бормоқда). Бўлажак тўқимачилик ихтисослиги талабалари терминологик минимумида мазкур лексик бирликлар янги тушунчаларни ифодалайди [40]. Демак, сўзнинг формаси таниш (шунингдек, умумистеъмолдаги бир маъноси ҳам ўзлаштирилган), унинг соҳавий маъноси янги сўз мақомида ўрганилади.

Бешинчидан, корректив курсда талабаларнинг чет тилдан олган билим, кўникма ва малакалари турли тадрижий хусусият касб этиши муносабати билан уларга индивидуал ёндашиш талаб этилади. Юқори, ўрта ва паст малакали тил ўрганувчиларга турлича ёндашиш зарур бўлади. Ўқишда илғор талабаларнинг тил тажрибасидан унумли фойдаланиш мумкин: аълочиларга проект (лойиҳа) методикаси доирасида вазифа топширилади, лойиҳани тайёрлаган талаба академик гуруҳ ҳузурида маъруза билан чиқади; айти пайтда ўртача билимлилар чет тил дастурига кирган ўқув материални эгаллаш билан кифояландилар; бўш улгурувчиларга эса уларнинг “кемтик” кўникма ва малакалари таркибидаги нуқсонларни бартараф этиш йўлида тегишли топшириқлар бажартирилади. Алалоқибат, чет тил ўқув дастуридан ўрин олган таълим мазмуни аксарият талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришилади.

Баён этилган ва бошқа лингводидактик фикр-мулоҳазаларнинг янада пухта асослаш ниятида махсус тажриба-синов ўтказилган.

Нолисоний олий ўқув юртлари I курс талабалари учун ишлаб чиқилган “Коммуникатив-когнитив корректив курс”нинг модели хусусида юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалар қуйидаги илмий-методик принципларга асосланади: (1) чет тил таълимида узлуксизликни таъминлаш; (2) чет тил ўргатишга қўйиладиган замонавий илмий-методик талабларни ҳисобга олиш; (3) чет тил бўйича ташкил этиладиган кириш машғулотларини касбий йўналтириш; (4) талабаларнинг нутқий ва фикрлаш фаолиятини рағбатлантириш; (5) чет тилда нутқий фаолиятни индуктив ва дедуктив эгаллашга табақалаштирилган ёндашув; (6) чет тил лисоний ва нутқий аспектларини яхлит қамраб олиш; (7) кириш машғулотларида аввал ўрганилган ва янгидан тақдим этилаётган ўқув материални мувозий тарзда такрорлаш ва ўзлаштириш.

Тавсия этилмиш ККККнинг лингводидактик принципларини мухтасар шарҳлашга киришамиз.

1. *Чет тил таълимида узлуксизликни таъминлаш принципи* олдин ўрганилган ўқув материални кейинги машғулотларда функционал қўллашни тақозо этади. Бошқача айтганда, берилган лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) материални талабалар нутқида ишлатиш шарт қилиб қўйилади. Янада аниқроқ ифодаладиган бўлсак, чет тил ўргатиш мазмуни барча таълим босқичларида (мактабгача таълим, ўрта ва олий таълим муассасаларида) тадрижий давом этадиган лингводидактик ҳодиса бўлиб, чет тил ўқитишнинг навбатдаги курсида талабалар лисоний ва нутқий компетенцияси тўлдириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб борилади. Ушбу фикрни ўта яққоллаштириш мақсадида тилдан бошқа бир соҳа – адабиётдан мисол келтирамиз: буюк адиб В.Шекспир ижодини хоҳлаган бир инглиззабон сўз устаси (масалан, Ч. Диккенс, Б. Шоу, О. Ҳенри, О. Уайлд ва б.) ижодидан айри ҳолда ўрганиш мумкин. Бунда таҳлил қилинаётган принципга минимал даражада риоя қилинади.

**5-жадвал. Коммуникатив-когнитив корректив курсни ташкил этиш
принциплари**

Корректив курсни ташкил этишнинг лингводидактик принциплари						
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Чет тил таълими-да узлуксизликни таъминлаш	Чет тил таълимига қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олиш	Кириш машғулотларини касбий йўналтириш	Талабалар нутқий ва фикрлаш фаолиятини рағбатлан-тириш	Чет тилни эгаллаш-га индуктив ва дедуктив ёндашиш	Лисоний ва нутқий аспектларни яхлит камраб олиш	Ўрганилган ва янги материални мувозий такрорлаш ва ўзлаштириш

Хуллас: чет тилни ўрганишни давом эттираётган I курс талабаси ўрта таълим лисоний минимумини такрорлаш ва муайян янги материални ўрганиш билан шуғулланади.

2. *Чет тил ўргатишга қўйиладиган замонавий илмий-методик талабларни ҳисобга олиш принципи.* Маълумки, ўтган аср охирлари ва асримиз бошларида чет тил ўргатиш/ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, инқилобий концептуал ўзгаришларга юз тутди. Булар қаторига, биринчи навбатда, чет тил таълими мақсадларини киритиш мумкин. XX аср охирги чорагига қадар чет тилни том маънода коммуникатив восита мақомида эгаллаш кўзда тутилган. Ҳозирги муҳитда эса, у ўқув дастурларидан жой олган бўлса ҳам, унинг якуний дидактик мақсад эканлиги номақбул саналади, чунки чет тил ўрганишнинг янги лингвокультурологик мақсадига нисбатан у оралик мақсадга айланди. Бу дегани – чет тил иккиламчи лисоний шахсни шакллантиришга хизмат қилиши талаб этилмоқда, яъни, лингводидактика терминологиясини қўллаганда, тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўзлаштириш етакчи мақсад қилиб қўйилмоқда.

Ғарб мамлакатларида довруқ таратган чет тил ўрганишга культурологик ёндашув ҳозирга келиб Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги худудида (Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон ва б.да) ҳам кенг тарқалмоқда. Уларнинг ўқув режаларига бу предмет “Чет тил (инглиз/немец/француз/араб/хитой ... тили) ва маданияти” номи билан киритилди.

Тил ва маданиятни яхлит тарзда ўрганишда, табиийки, ўзига хос лингводидактик тартиб-қоидаларга бўйсунушга тўғри келади. Шу боис чет тил ўргатиш/ўрганиш жараёни ва натижаси (маҳсули)га янги талаблар қўйилмоқда. Мисолга мурожаат қиламиз: чет тил концептлар доирасида ўрганилмоқда. Бундай таълимий ҳолат қатор фанлар – концептология [47], когнитология [92;114] культурология [85;93;94;97;103;104;105;118], маданиятлараро мулоқот назарияси [69;70;68;83;93;20] ахборот ва педагогик технология, социология, психоллингвистика [61] каби фанлардан чоп этилган адабиётларда асослаб берилган.

Хуллас: олдин ўрганилган ўқув материали кириш машғулотларида концептлар доирасида такрорланади ва янги материал билан интеграция қилинади.

3. *Чет тил бўйича ташкил этиладиган кириш машғулотларини касбий йўналтириш принципи* моҳиятига биноан талабанинг танлаган соҳасига оид касбий лексика (профессионализмлар) ва миниматнлар ўрганишига эҳтиёж сезилади. Бир қарашда бу кўпчиликка аён масалага ўхшайди. Лекин атайлаб саросаб солинса, принципнинг методик қиймати баралла кўзга ташланади: анъанавий кириш машғулотларида талабалар фақат ўтилган ўқув материалнигина такрорлашга вақт ва куч сарфлаганлар, холос. Мазкур принципга кўра эса ўтилганларни қайта машқ қилиш билан бир пайтда ихтисослик лексик қатламидан ҳам бир қадар бохабар қилинади. Тўғри, терминологик лексик бирликлар нутқ фаолиятида кўп миқдорда қўлланилмаслиги мумкин, бироқ улардан ўқиш техникаси, сўз ёзиш ва

талаффуз машқларида эркин фойдаланилади (КККК модели ҳақидаги ушбу параграфнинг тўртинчи бандига қаранг). Бундай методик тадбир амалда ўзини оқлаши исботланган: биринчидан, новакабуляр лексик бирликлардан тил техникаси (ўқиш, ёзиш, айтиш)ни ўргатишдагина фойдаланилмоқда, иккинчидан, мисол олинган терминологик сўзларнинг кейинги босқичларда нутқий фаолиятда қўлланиши чоғида техникавий қийинчиликларни олди олинади ва, учинчидан, уларнинг янги сўз мақомида маъносини очиш (семантизацияси) анча-мунча осонлашади (чунки, фақат биргина семантик қийинчиликни бартараф этиш зарур бўлади). Шундай қилиб, ихтисослик берадиган фанларни ўрганишга киришилмаган, мутахассисликка оид терминология-тушунчалар мажмуи ҳали ўзлаштирилмаган бир пайтда маълум меъёрда касбий йўналтиришга эришиш ҳам инновацион таълимий технология ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хуллас: кириш машғулотларида талабаларни касбий йўналтириш, чет тил таълимининг асосий курсидан фарқ қилиб, миниматнлар ва техникавий ўқув машқларидагина амалга оширилади.

4. *Талабаларнинг нутқий ва фикрлаш фаолиятини рағбатлантириш принципи*га кириш машғулотларидан ташқари чет тил ўргатишнинг асосий курси давомида ҳам риоя қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек (2-принципга қаранг) чет тил таълимида тил ва маданиятни яхлитликда ўрганиш (*инглизча*: co-learning language and culture, *русча*: соизучение языка и культуры) етакчи мақсад қилиб қўйилган. Ушбу методик талқинга мувофиқ талаба чет тилдаги нутқида ўзининг фикрлаш фаолиятини ҳам намоён этади. Психологик маълумотлар кўрсатишича, инсон фикрлаганда, (ре)продуцент сифатида керакли ахборот узатади, реципиент тарзида ахборотни қабул қилади, яъни идрок этиб (ўқиб/тинглаб) тушунади. Ҳар иккаласи коммуникант номи билан юритилади, яъни мулоқот соҳиблари даражасида фикр алмашиш билан машғул бўладилар.

Коммуникантнинг нутқи ва фикрлашига рағбат бериш деганда, аутентик нутқ маҳсулини англаб етиш (дискурсив ёндашув), информацион-тематик мазмунни тизимли умумлаштириш (жанрга доир ёндашув) ва, ниҳоят, шахснинг умумий ривожланишига эришиш (психологик–типологик ёндашув) кабилар тушунилади.

Чет тилни ўрганиш/ўргатишда қуйидаги ўқув-рағбатлантирувчи омиллар хизмат қилади: (а) нутқ мавзуси ва вазияти/симуляцияси, (б) берилган концепт ва/ёки мулоқот доирасидаги лойиҳа, (в) таянч сўзлар ва иборалар, (г) ёзма шаклдаги (график) ва аудиоматнлар.

Хуллас: чет тил ўргатишдан кутиладиган натижа бир пайтнинг ўзида тил ва маданиятни ўрганиш орқали талаба шахсининг камол топтиришга ҳисса қўшишдир.

5. *Чет тилда нутқий фаолиятни индуктив ва дедуктив эгаллашга табақалаштирилган ёндашув принципи.* Номлари келтирилган икки турдаги тил ўрганиш махсус эътиборга молик, чунки тил ўрганувчилар, одатда, коммуникатив лаёқатлари (компетенцияси) нуктаи назаридан жиддий фарқ қилишади, уларда хусусийдан умумийга (индукция) ва умумийдан хусусийга (дедукция) тафаккур шакллари амал қилади. Уларни шартли ҳолда “амалиётчи” (индуктив тафаккурга эга) ва “назариётчи” (дедуктив фикрловчи) шахслар, деб номлаш мумкин.

Тафаккур жараёнидаги бундай ўзига хослик чет тил таълимида, жумладан, унинг кириш машғулотларида ҳисобга олиниши шарт. Бундай қатъий равишда фикр билдиришнинг сабаби бор: “амалиётчилар”га хусусийдан умумийга қараб бажариладиган топшириқлар бериб борилади. Мисол келтирамиз: кўплик сондаги отларни кўчиринг: pens, books, reads, pupils, speaks, countries, studies, sleeps, goes, does, asks, desks, rooms, texts. Кўриниб турибдики, нафақат кўпликдаги отлар, балки ҳозирги замон (Present simple) учинчи шахс бирлиги шаклида феъллар ҳам берилган. Бунинг боиси аввал ўзлаштирилган лексик-грамматик birlikлар атайин “чалғитувчи

методик ҳийла” ёрдамида қайта машқ қилиниб, талабаларнинг хотирасини ўстириш, охир-оқибат, уларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишдир. Қўшимча тарзда яна бир чалғитишга дуч келинади: studies-countries, asks-tasks сўзлари таркибида ўхшаш элементлар мавжуд, ҳолбуки, биринчилари феъл, иккинчилари отга мансубдир. Бу тоифа қийинчилик (интерференция оқибати)ни ушбу сўзларни нутқда такроран қўллаш орқали енгиш имкони туғилади.

“Назариётчи” талабаларга мўлжалланадиган ўқув топшириқлари “амалиётчилар”никидан тубдан фарқ қилади, чунончи: -s қўшимчаси отнинг кўплиги ва/ёки феълнинг ҳозирги замонда учинчи шахс бирлиги шаклларини ясайди, мисоллар келтиринг. Кўриниб турибдики, қоида (умумий)дан амалиёт (мисол топиш)га қараб (дедуктив) тафаккур кузатилмоқда. “Амалиётчи” ва “назариётчи” талабаларнинг машғулот чоғида бажарадиган хос машқлари чоғида индуктив ва дедуктив фикрлашлари уларни ўзаро лисоний ва нутқий жиҳатдан бойитиб боради, яъни ижобий таъсирланиш самарали натижалар беради.

Шундай қилиб, кириш машғулотларида такрорланадиган ва янгитдан тақдим этиладиган ўқув материали турли машқларда табақалаштириб (индуктив ва/ёки дедуктив тарзда) тренингдан ўтказилади.

Хуллас: талаба шахсининг психологик-типологик хусусиятларига индивидуал ёндашиш орқали ўқув жараёнини жадаллаштириш (интенсификация) ва энг маъқул таълимий усуллардан фойдаланиш (оптимизация) юксак самарага эришиш гаровидир.

6. *Чет тил лисоний ва нутқий аспектларини яхлит қамраб олиш принципи.* Терминнинг номидан фаҳмласа бўладики, принцип моҳиятига кўра кириш машғулотларида аввал ўрганилган ва энди ўрганилмиш ўқув тил минимуми, бир томондан, нутқ фаолияти барча турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)да лексика, грамматика ва талаффуз яхлит ҳолда, иккинчи томондан, машқ қилинади. Таъкидлаш жоизки, нолисоний олий

Ўқув юртлари шароитида чет тил таълимининг якуний амалий мақсади мақомида ихтисосликка оид матнларни ўқиш қоидалаштирилган. Шу билан бирга, ҳар бир кириш машғулотида талаба лексик, грамматик, талаффуз материални тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувда эгаллашни машқ қилади.

Методик муаммо шундан иборатки, анъанавий кириш машғулотларида асосан лисоний бирликларга эътибор қаратилган, талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш диққат-эътибордан деярли четда қолган. Лингвокультурологик компетенция масаласи эса мутлақо кун тартибига қўйилган эмас. Тавсия қилинаётган КККК лингводидактик ғоясига биноан, такрор таъкидлаш зарур, кириш машғулотларида нутқнинг лисоний жиҳати навбатма-навбат яхлит тизимли даражада тўрттала нутқ фаолияти турларида ҳам машқ қилинади.

Хуллас: ККККда чет тилни яхлит ўрганиш/ўргатиш давомида нутқ фаолияти тўрттала турида мулоқот юритиш имконияти яратиладики, бу жараёнда бир-бирини ўзаро мустаҳкамлашга хизмат қиладиган нутқҳаракат (гапиришда), қўлҳаракат (ёзувда), эшитув (тинглаб тушунишда), кўрув (ўқишда) сезги ва анализаторлари иштирок этади.

7. *Кириш машғулотларида аввал ўрганилган ва янгитдан тақдим этилаётган ўқув материални мувозий тарзда такрорлаш ва ўзлаштириш принципи* қай бир белгилари билан касбий йўналтириш (3-) ва табақалаштирилган ёндашув (5-) принципларига яқин туради, ўхшаб кетади. Бу принципнинг моҳиятан талқини қуйидагича ифодаланиши мумкин: анъанавий кириш машғулотларида олдин ўрганилган лисоний бирликларни такрорлаш ва коррекция қилиш билан, юмшоқроқ қилиб айтганда, ортиқча овора бўлишар эди. Кириш машқларидан янги материал айтарли ўрин олган эмас. Назарий маълумотлар ва тадқиқотимиз тасдиқлашича, фақат аввал ўтилган чет тил ходисаларини такрорлаш машқлари шахсининг ўқув мотивациясини пасайтиради. Такрорлаш – илм онаси, дейилган мақол бу

ҳолатда мақбул эмас. Таниш ҳодисалар орасида янгилари ҳамиша эмоционал кўтаринкиликни юзага келтиради, бу, ўз навбатида, чет тил ўрганиш мотивациясини кучайтиради.

Иккита, бир қарашда, зиддиятли туюладиган лингводидактик тушунчалар – такрорлаш ва такдимот мазкур принцип доирасида бир-бирини тақозо этади. Зеро, ККККда бирварақайига “эски” ўқув материални такрорлаш ва янгиларини такдим этиш синхрон жараён сифатида содир бўлади. Иккаласи мазмунан боғланиш ҳосил қилиши шарт қилиб қўйилади. Айниқса, чет тил ўқув предметида дискурсив ёндашувни қўллаш муносабати билан оғзаки ва ёзма матнларда “эски” ва янги лисоний бирликлар мутаносиблик касб этиши муқаррар.

Мазкур принципнинг тадрисий талқини қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, КККК мазмунининг асосини ўрта таълимдаги ўқув материали ташкил этади, иккинчидан, “эски” материал талабаларнинг тил тажрибасига қараб, яъни индивидуал тарзда (бирига талаффуз, иккинчисига ўқиш техникаси, бошқасига сўз ва сўз бирикмаларининг ёзилиши, яна кимгадир гапириш ва ҳ.к.з.) коррекция қилинади ва, ниҳоят, учинчидан, такдим этилаётган янги касбий лексика (профессионализмлар) ҳозиргача ўрганилган сўзлар билан бевосита боғлиқ ҳолда интеграция қилинади. Чет тил ўқитиш амалиётидан маълум бўлишича, талаба вокабуляри таркибидан жой оладиган соҳавий лексика ва ихтисосликка оид матнлар уларда зўр қизиқиш уйғотади.

Хуллас: аввал ўрганилган ва янгитдан такдим этилаётган ўқув материали интеграцияси ККККни ташкил этишда алоҳида лингводидактик аҳамият касб этади.

Чет тил бўйича КККК замонавий системасини муҳокама қилинган принципларга таяниб ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш нолисоний олий ўқув юртларида чет тил ўргатиш/ўрганишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган ушбу курс моделининг махсус тажриба-синовдан ўтказилиши ҳақида учинчи қисмда фикр юритилади.

И к к и н ч и қисмни қуйидаги хулосалар билан яқунлаш мумкин:

Чет тилдан замонавий корректив курсга таълимий эҳтиёж мавжудлиги ва бундай курснинг давр талабига монанд даражада ҳанузгача яратилмаганлиги боис тадқиқотимиз мазкур бобида ККККнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқишга баҳолиқудрат уриниб кўрдик. Мана шундай саъй-ҳаракат маҳсули ўлароқ қуйидаги натижавий хулосаларга келинди:

“Чет тил” ўқув предметининг узлуксиз таълим тизимидаги дидактик мақомига аниқлик киритилди, чунончи, нолисоний ОЎЮ талабаси чет тилдан амалий курс ўтади, яъни танлаган ихтисослигига оид матнларни ўқиб, янги ва фойдали соҳавий ахборот олади, умумлаштириб айтганда, нолисоний ОЎЮда чет тил касбий йўналтирилган умумтаълим ўқув предмети мақомини олади.

Ушбу ўқув предметининг хусусиятлари талаба эгаллайдиган нутқий малакалар, ўзлаштирилмиш лисоний материал ва ўқиб ахборот олишга мўлжалланган мавзулар доирасида бериладиган матнларда намоён бўлади.

Чет тил корректив курсининг мазмуни, тузилмаси ва методик тизими назарий таҳлилга тортилди, жумладан, корректив курс мазмунининг уч таркибий қисми – Ўргатиш/ўрганиш объекти, Корректив машқлар, Ўқув материалининг ўзлаштириш босқичлари кабилар илк бор лингводидактик планда тадқиқ этилди.

Юқорида баён этилган илмий-назарий мулоҳазалар ва чет тил ўқитиш тажрибасига таянган ҳолда нолисоний ОЎЮ талабалари учун инглиз тилидан “Коммуникатив-когнитив корректив курс”нинг инновацион моделини яратишга муваффақ бўлинди ва моделнинг асосий принциплари Халқаро илмий конференцияда [29:125-128] апробация қилинди. Принциплар қуйидагилардан иборат: (1) чет тил таълимида узлуксизликни таъминлаш, (2) чет тил таълимига қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олиш, (3) кириш машғулотларини касбий йўналтириш, (4) талабалар нутқий ва

фикрлаш фаолиятини рағбатлантириш, (5) чет тилни эгаллашга индуктив ва дедуктив ёндашиш, (6) лисоний ва нутқий аспектларни яхлит қамраб олиш, (7) аввал ўрганилган ва янги материални мувозий такрорлаш² ва ўзлаштириш.

Илмий-лингводидактик мушоҳадалар маҳсули сифатида априори яратилган КККК модели, барча ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаларида бўлганидек, махсус тажриба-синов ишлари орқали апостериори исботини топади (учинчи қисмга қаранг).

У ч и н ч и қ и с м

ИНГЛИЗ ТИЛИДА «КОММУНИКАТИВ-КОГНИТИВ КОРРЕКТИВ КУРС» ЎТИШ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Техника олий ўқув юртлари I курс талабаларига мўлжалланган

“Коммуникатив-когнитив корректив курс”нинг экспериментал тадқиқи

Тадқиқотнинг ушбу боби номидаги “инновацион технология” терминининг этимологиясига кўра “инновация” (*инглизча innovation*-киритилган янгилик, ихтиро) “фан-техникада жорий этилган янгилик” маъносини ифодаламoқда, “технология” эса лингводидактик тушунча сифатида “кам вақт, куч ва маблағ сарфлаб, таълим мақсадига эришишни таъминловчи саъй-ҳаракатни илмий ташкил қилишнинг оқилона усуллари мажмуи”ни ифодалайди [129:345]. Таълим технологиясини айрим дидактлар, образли қилиб, (мактабнинг илк бор ташкил қилиниши, ёзувнинг ихтиро қилиниши ва нашр ишларидан кейинги) таълимдаги “тўртинчи революция”, деб аташади. Чет тилларни ўқитишда, масалан, лойиҳа методикаси ҳам лойиҳа технологияси тарзида кенг қўлланилмоқда. Профессор Ж.Ж. Жалолов у ёки бу тилни ўқитиш технологиясини “лингвотехнология” термини [36:26] билан алмаштиришни тавсия қилади.

“Инновацион педагогик технология” деганда, муайян соҳада, жумладан чет тил ўқитишда замонавий таълим усуллари назарда тутилмоқда. Инглиз тилидан корректив курсни ташкил қилишда айнан энг мақбул методик усуллардан фойдаланиш ҳақида гап бормоқда. Корректив курсдаги инновация нималарни акс эттириши мумкин? Масала шундаки, анъанавий корректив курслар танқидий таҳлилида таъкидланганидек, муайян метод ёки ёндашувга асосланиб нутқ фаолиятини ўргатиш/ўрганиш чоғида фойдали ахборот олиш/беришга қаратилган корректив курс, унинг модели ва тадқиқот давомида ишлаб чиқилган илмий принципларни инновацион технологик

тадбирлар қаторига қўйиш ўринли, деб ўйлаймиз. Ундан ташқари, тавсия этилаётган корректив курс одатий машғулотлардан фарқ қилиб, коммуникатив-когнитив характерга эгаллиги ҳам инновацион ёндашув ҳисобланади.

Шуни алоҳида писанда қилиш керакки, анъанавий педагогикада инновацион технологияни фақат муайян усулларни, масалан, Brain storming, case, zigzag, cluster, project, method кабиларни қўллаш тушунилмоқда

ККККнинг инновацион моҳияти шундаки, моделлаштириш методидан фойдаланиб, чет тилнинг дидактик мақомини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, унинг барча хусусиятларини қамраб олишга ҳаракат қилинган, яъни тил техникаси, лисоний материал ва нутқий мулоқот жараёнини таълимий восита мақомидаги тушунчалар ҳисоблаб, нутқий мулоқот натижаси (ахборот олиш/бериш)ни таълимий мақсад даражасига кўтарилган. Ушбу ва бошқа инновацион технологик тадбирлар назарий асослаб берилди.

“Коммуникатив-когнитив ёндашув” термини [125] лингводидактикада нисбатан янги бўлишига қарамай, чет тил ўқитиш жараёнида амалий жиҳатдан ўзининг самарали натижалари туфайли оммалашиб кетди. Унинг маъносини қисқача изоҳлаш мақсадга мувофиқ топилди: биринчидан, чет тил ўргатиш/ўрганиш—бу коммуникатив (мулоқот) жараён демакдир, бошқача қилиб айтганда, талаба чет тил машғулотида ягона юмуш билан шуғулланади, яъни нутқ фаолияти юритади, оғзаки ёки ёзма шаклда фикр баён этади (ре/продуктив нутқ) ва ўзгалар нутқини тинглаб ёки ўқиб тушунади (рецептив нутқ); иккинчидан, нутқий фаолият (коммуникация жараёни) чет тил ўргатишнинг мақсади саналмайди, унинг натижаси информация алмашиш (ахборот бериш ва олиш) етакчи мақсад қилиб қўйилади. Бу замонавий лингводидактикада дискурсив компетенцияни эгаллаш маъносида қўлланилмоқда. Кўшма терминнинг “когнитив” қисми билиш жараёни ва оқибати тарзида талқин этилмоқда. Бунда дискурсив (матн яратиш ва идрок этиб тушуниш) компетенцияси назарда тутилади

Экспериментал тадқиқот ўтказишда таъкидланган назарий мулоҳазаларнинг амалиётдаги татбиғи кўриб чиқилади. Таҷриба-синов ишида, аввало, материал танланади, сўнгра илмий ва ташкилий вазифалар белгилаб олинади, уни ўтказиш жараёни баён этилади, натижалар статистик таҳлилга тортилади ва, ниҳоят, эришилган натижалар юзасидан хулосалар ва методик тавсиялар берилади.

Мазкур ишда инглиз тилидан корректив курс ўтишнинг қуйидаги илмий-методик жиҳатлари экспериментал тадқиқот предмети сифатида белгиланади:

1. Коммуникатив метод(ика) бўйича назарий ва экспериментал ишлар ҳаддан зиёд амалга оширилган. Ушбу диссертацион тадқиқот нафақат нутқий мулоқот (коммуникация), балки когнитив ёндашув нуқтаи назаридан бажарилган. Янада аниқроқ айтганда, мулоқот чоғида билиш (янги лисоний ва нутқий маълумот олиш)га урғу берилган. Коммуникатив-когнитив методга биноан нутқий малакалар билангина чегараланиб қолмасдан, тил ўрганиш жараёнидан кўра ундан олинadиган янги ахборот муҳимроқ ҳисобланиши ғояси илгари сурилди.

2. Чет тил ўқув предметининг хусусиятларидан келиб чиқиб, корректив курсда унинг уч жиҳатини ўрганиш вазифа қилиб қўйилади: нутқ малакалари, лисоний материал ва тил техникаси. Уч таркибли бу лингводидактик ҳодисанинг таълимий восита хизматини ўташи, янги маълумотга эга бўлиш эса кўзланган мақсад эканлиги илк бор исботланди.

3. Корректив курсларда фақат лисоний бирликларни ўргатиш урф бўлган, баъзиларида нутқий мулоқотга ҳам эътибор қаратилган. Лекин когнитив аспект ушбу ишда биринчи марта олдинги планга чиқарилган, яъни тадқиқотнинг бирламчи вазифаси қилиб қўйилган.

4. Ишда баёнот тарзидаги умумий мулоҳазалар билан чекланиб қолмасдан, амалий ишлар билан корректив курс ўтказиш илмий ғояси

ўртага қўйилган, чунончи КККК модели яратилган ва унинг илмий-методик принциплари ишлаб чиқилган.

5. Корректив курслар тарихида илк бор касбий терминологиядан мисоллар кириш машғулотларига жалб этилмоқда. Тўғри, бундай лексик бирликлар нутқ жараёнида эмас, фақат тил техникаси машқларида уларнинг формал (ўқилиш, ёзилиш, таниб олиш ва айтилиш) жиҳатларини ўрганиш тавсия этилмоқда.

Тажриба-синов ўтказишга тайёрланган ўқув материали

Биринчи навбатда, “ўқув материали” тушунчасига изох бериб ўтиш зарур кўринади. Таълим жараёнида ўзлаштириш учун махсус танланган ва методик ташкил этилган вербал ва новербал воситалар назарда тутилмоқда. Вербал воситалар таркибига график (ёзма) ва аудиоматнлар киради (унинг лисоний материалдан таркиб топишини биламиз). Новербал воситалар, биринчи галда, кинесика - имо-ишора, хатти-ҳаракат (*инглизча* body language), қолаверса, кроки (*французча* stoquis), нутқ модели (масалан, S+P+O=Subject, Predicate, Object), лисоний ҳодисаларни ифодалашга хизмат қиладиган турли кўргазмали воситаларни [6;102;114;111] ўз ичига олади. (Кўринадик, тажриба-синов материали, назарий билим берадиган ўқув предметларидан, масалан, она тили, адабиёт, тарих, табиий фанлардагидан бутунлай фарқ қилади, чунки уларда фан асослари ўргатилади, яъни муайян илмий мавзу бўйича назарий билимлар баён этилади).

Экспериментал материал сифатида нималарни тайёрлаш кераклиги, юқорида таъкидланганидек, ушбу ўқув предмети хусусиятига бевосита боғлиқ, албатта.

Бинобарин, ўқув предметининг хусусиятлари корректив курсда ҳам акс эттирилади (хусусиятлар иккинчи қисмда муфассал баён этилган). Ўқув материали, маълумки, ўқитиш мазмунидан танланади. Ўқитиш мазмуни,

аввал таъкидланганидек, мавзу, малака, лисоний материалдан иборат. Бу илмий ғояни хорижий методистлар [153;159;163] таълим вазибалари, ўзлаштириш предмети ва таълим натижалари, деб таърифлайдилар.

Биринчи навбатда экспериментал ўқув материалнинг назарий таркибини аниқлаш зарур. Уларни қуйида санаб ўтамыз:

1. *Нутқ фаолияти турлари*: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув. Тўрттала нутқ фаолияти турлари бўйича машқлар бажарилади. Шу билан бирга, ўқиш етакчи, аниқроқ айтганда, якуний таълимий мақсад ҳисобланади. Талабаларнинг асосий кучи ва вақти ўқишга сарфланади. Ўқиш нутқ фаолияти тури ва малака сифатида талқин этилмоқда, ўқиб информация олиш назарда тутилмоқда. Маълумки, нолисоний ОЎЮда соҳавий матнлардан фойдаланиш дастур талабидир. Лекин корректив курсда бунга эришиш имкони йўқ, чунки 40 соатдан иборат аудитория машғулоти олдин ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни тиклашга бағишланади (касбий йўналтиришга хизмат қиладиган ўқув материали тил техникаси машқларидан ўрин олади. Ушбу рўйхатнинг 3-пунктига қаранг). Нутқ фаолиятини ўргатиш машқлари матнлар доирасида бажарилади. Матнлар рўйхати тубандагилардан иборат: About myself, Our Family, About my Friends, Our Institute, My Future Profession, My Working Day, My Day Off, Our House, English-speaking Countries, Seasons and Weather, Independent Uzbekistan, Education in Great Britain, Education in Uzbekistan, Holidays in Great Britain, Holidays in Uzbekistan, Tashkent, Sports and Games in Uzbekistan, Shopping (2.3да ушбу мавзулар умумлаштирилган номлар остида келтирилган).

2. *Тил материали*: лексика, грамматика, талаффуз машқлари тажриба-синовдан ўтказилади. Тил материалнинг корректив курсда кўзга ташланадиган икки тоифаси ҳақида эслатиб ўтиш ўринлидир. Биринчиси—ўрта таълимда ўрганилган, лекин коррекция талаб қилади ва иккинчиси—

ОЎЮ дастурига киритилган тил материали, буни янгидан ўргатилади/ўрганилади. Улар комплекс тарзда машқ қилинади.

Чет тилдан нолисоний ОЎЮ талабалари учун КККК моделини яратиш чоғида ўрганилмиш тил ҳодисалари номма-ном кўрсатиб ўтилган. Тўғри, у рўйхатдаги лисоний бирликлар грамматик, лексик, талаффуз машқлари учун объект ҳисобланади, лекин назарий ёки амалий тилшуносликдаги лисоний бирликлар системаси эмас, фақат талабаларга қийинчилик туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ажратиб олинган. Бу муаммо назарий аспектда кўриб чиқилган, энди инглиз тили ўқитиш амалиётида, яъни тажриба-синов жараёнида апробациядан ўтказилади. Инглиз тили феъл системасидаги морфологик бирликлар мажмуи тўлиқ олинмаган, балки улардан қийин ўзлаштириладиганлари махсус ўргатилади, масалан, феълнинг замон шакли (формаси) махсус машқ талаб этади, қўлланиши (функцияси) эса она тили билан монандлиги туфайли у ҳақда қоида бериш шарт эмас. Ёки от категориясини олсак, унинг кўплик шакли қоидавий усулни тақозо қилади, бирликда қоидасиз, бошқача айтганда, лексик йўл билан ўргатилади ва ҳ.к.з. Лексик ва фонетик материалга ҳам ушбу лингводидактик ёндашув тааллуқлидир.

Тавсия этилмиш КККК мазмуни таркибидаги тил материали асосан уч қисмни ташкил этади: (1) ўрта таълим тил минимуми, (2) ОЎЮда ўргатиладиган тил минимумининг кичик қисми (уларни машқлар материалида кузатиш имконияти бўлади. 3.3га қаранг) янги материал мақомида олинади ва (3) касбий тайёргарликка мўлжалланган терминологик лексика киритилади (янги грамматик ёки фонетик ҳодисалар корректив курсда мавжуд эмас).

Юзаки қараганда, корректив курс янги материали фақат ОЎЮ лексик минимумининг кичик миқдорини қамраб оладигандай туюлади. Амалда эса бутунлай ўзгача манзарага дуч келамиз. Аксарият талаба олдинги абзацда таъкидланган уч тоифа материалнинг ҳаммасини

такрорлашга эҳтиёж сезади. Баъзи талабаларнинг билим, кўникма, малакаси талаб даражасида бўлади, бинобарин, уларнинг намунавий лаёқати (компетенцияси) қолганлари учун ибрат қилиб кўрсатилади ва академик гуруҳда уларни “таянч” нуқтага айлантириш мумкин бўлади (эслатиш жоизки, уларга қўшимча топшириқлар бериб бориш индивидуал ёндашиш тамойилига риоя қилиш деб қаралади). Бир сўз билан айтганда, ўрганилган материал ҳам бир карра коррекция қилинади.

Тажриба-синовга танланадиган ўқув материалнинг биринчи тури мавзулар доирасида мулоқот қилиш, мотивацион (такомиллаштирувчи) машқлар билан боғлиқ, демак мулоқот юритишга мўлжалланган топшириқлар берилади. Иккинчи тоифа ўқув материали эса операцион (ривожлантирувчи) машқларда ўзлаштирилади, тил бирликларининг нутқда қўлланишига доир масаладир бу. Учинчи гуруҳ ўқув материали (кейинги пунктга қаранг) лисоний ҳодисаларга тегишли амалий (оператив) қоидалар (нутқнинг техникавий жиҳати) мулоқотни осонлаштириш ва жадаллаштиришга хизмат қилади, улар инфорацион (шакллантирувчи) машқлар орқали ўрганиб борилади.

3.Тил техникасига оид ўқув материали. Унинг мазмуни куйидагилардан иборат: а) ўқилиш қоидалари (ўқиш техникаси), б) ёзилиш қоидалари (ёзиш техникаси), в) айтилиш қоидалари (артикуляцион техника) ва г) таниб олиш қоидалари (аудитив техника). Ушбу техникавий компетенция лисоний бирликларда ўргатилади/ўрганилади ва лисоний кўникмалар таркибида шакллантирилади ҳамда нутқий малакаларнинг ҳосил бўлишида йўлловчи (ориентир) ролини ўйнайди. ”Қоида” номи билан юритилишига қарамасдан, уларни талаба билим эмас, кўникма таркибида эгаллайди, демак бу қоидалар оғзаки ёд олинмайди, уларни дафтарларга ёзиб қўйилмайди, ўқитувчи уларни сўрамайди. Мабодо кўпчилик талаба улардан фойдалана олмаса, яъни билмаса, ўқитувчи қўшимча такрорлашга қаратилган операцион машқ ўтказди ва шу

жараёнда техникавий компетенцияни тиклаш (коррекция/тузатиш)га эришилади. Мухтасар хулоса шундан иборатки, нутқий (communicative) компетенция лисоний (linguistic) ва техникавий (instructional) компетенциялар асосида шакллантирилади. Буларнинг барчаси, оқибат натижада, дискурсив компетенцияни шакллантиришга хизмат қилади. Дискурсив компетенцияда ахборот олиш/бериш мақсад қилиб қўйилади. Унинг мазмуни ёзма (график) ва оғзаки амалий матн (дискурс)да ифодаланади. Чет тилда нутқнинг содир қилиниши ва идрок этилиши масаласи психолингвистик тадқиқотларда [61] анчагина мукамал ишлаб чиқилган. Бу икки тарафлама жараёнда ахборот алмашув муаммоси эса чуқур тадқиқ этилган эмас. Бинобарин, дискурсив компетенцияни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз.

6-жадвал. Тажриба-синов материали, машқлари ва таълимий вазифалар

Ўқув материали турлари	Ўргатиш/ўрганиш машқлари	Таълимий вазифалар	
		Мақсад	Восита
Нутқий мулоқот (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) жараёни ва натижаси	Мотивацион (такомиллаштирувчи)	+	
Лисоний материал (лексика, грамматика, талаффуз)	Операцион (ривожлантирувчи)		+
Тил техникаси (ўқилиш, ёзилиш, айтилиш, таниб олиш қоидалари)	Информацион (шакллантирувчи)		+

Тажриба-синов ишларида илгари сурилаётган устувор ғоя: талаба қоидага суяниб, тил ҳодисаларини нутқда эркин қўлласин ва мулоқот натижасида зарурий ва фойдали ахборот олсин ва уни бошқаларга етказсин.

Баён этилган фикрлар якунида КККК учун мўлжалланган ўқув материали, бажарилмиш машқлар ва дастурда қўйилган таълимий вазифаларни умумлаштириб, жадвал тарзида берамиз (6-жадвалга қаранг).

Жадвал мазмунига диққат қилинса, коммуникатив компетенция (нутқий мулоқот), ундан ҳосила дискурсив компетенция билиш жараёни ва натижаси ва ҳар иккаласига хизмат қиладиган лисоний материал ва тил техникаси (лингвистик компетенция)нинг интеграциялашган умумий манзарасини фарқлаб олиш қийин эмас.

Тажриба-синов ишининг илмий ва ташкилий масалалари

Табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ва техника соҳаларида ўтказиладиган ҳар қандай экспериментал тадқиқот, албатта, ўзининг илмий асосига эга бўлади. Хўш, бизнинг ҳолатда, чет тилдан КККК ўтказиш бўйича тажриба-синов қандай илмий тамойилларга асосланиши мумкин? Ўтказилмиш тажриба-синов, авваламбор, корректив курснинг инновацион технологиясини яратишга қаратилган. Айнан мана шу инновацион технология мазкур тадқиқотнинг, қолаверса, тажриба-синовнинг илмий-назарий муаммоси ҳисобланади. Илмий муаммо деганда, ҳозиргача ҳал этилмаган, бироқ ўз ечимини кутаётган назарий ёки амалий масала тушунилади.

Энди шу илмий муаммо фонида тадқиқ этиладиган ККККнинг қандай масалалари ўз ечимини кутмоқда? Бу саволга қуйидаги жавобни бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

Биринчи масала: Хронологик жиҳатдан қараганда, чет тил қадим замонлардан ўрганиб-ўргатиб келинади. У ёки бу сабаб билан тилдан фойдаланишда турли муддатли танаффуслар содир бўлади, масалан, ўзга тил соҳиблари орасида яшашга тўғри келади (ватандош бобокалонларимизнинг юртдан йироқдаги Бағдодда илмий фаолият билан шуғулланганлигини эслайлик ёки узоқ муддатли ҳарбий хизматни бошқа юртларда ўтаган замондош йигитларимизнинг ўз она тилисини маълум даражада эсан чиқарганлиги ҳам сир эмас). Демак, тилдан узоқ фойдаланмаслик ундан

узоқлашиш, “бегоналашишга” олиб келади. Бу–табiiй ҳол, ҳақиқат. Яна тилга қайтадан эҳтиёж сезилганда, корректив машғулот керак бўлади. Чет тилга ушбу тезисни татбиқ этадиган бўлсак, корректив курснинг амалий аҳамияти янада яққоллашади.

Иккинчи масала. Таълимнинг бир босқичидан бошқасига ўтилганда, олдин тўпланган лисоний захира турфа сабабларга кўра, кейинги босқичда етарли бўлмайди, махсус адаптив, биз танлаган терминологияда, корректив курс ўтиш йўли билан у тикланади, тўғриланади, мослаштирилади. Мисол учун узоққа бормаймиз: ўрта ва олий таълим орасидаги дастурий узилиш ёки номувофиқликни бартараф этишнинг ягона йўли, бизнингча, бу корректив курс ўтишдир.

Учинчи масала. Икки таълимий босқич орасида юзага келадиган номутаносибликни енгиб ўтишга хизмат қиладиган корректив курснинг мазмунига оид муаммо келиб чиқади. Уни ҳал қилиш мақсадида корректив курслар тарихи таҳлилдан ўтказилди (биринчи қисмга қаранг), чет тил ўқув предметининг хусусиятлари очиб берилди, корректив курсга қўйиладиган талаблар, унинг мазмуни, тузилмаси ва методик тизими аниқланди. Шуларга биноан, корректив курс бўйича тажриба-синов босқичлари ва мазмуний томони аниқланади.

Тўртинчи масала. Корректив курснинг замонавий тури, амалий ва илмий кузатишлар кўрсатишича, олдингиларидан жиддий фарқ қилиши табиий, чунки уларда чет тил ўқитиш методи ёки ёндашуви эътиборга олинмаган, чет тилнинг у ёки бу аспекти ўргатиш/ўрганиш предметини ташкил қилган: орфоэпик курс, фонетик курс, пропедевтик курс, ўқиш техникасини ўргатиш курси ва ҳ.к.з. Ҳозирда оммавийлашган коммуникатив-когнитив ёндашувга уйғун тушадиган корректив курс яратиш зарурияти туғилди. Ушбу зарурият КККК номи остида махсус кириш машғулотларини ишлаб чиқишимизга туртки бўлди.

Бешинчи масала. Корректив курс жараёнида талабада мавжуд тил тажрибасини ҳисобга олиш принципига риоя қилиниши- методик аксиома, энди методик “теорема”ни ечиш керак бўлади: кириш машғулотларининг асосий курс билан боғланиши қай йўсинда кечиши мумкин? Бунга жавоб топгандай бўлди: биринчидан, аввалги дастур материални такрорлаш чоғида ОЎЮ дастуридан ўрин олган нутқ мавзулари ва тил минимумларидан ҳам қўшиб корректив курс ўтилади. Бундай ўқув материали уч туркумдан иборат бўлади: (1) I курс талабалари ҳаёти билан узвий боғлиқ мавзулар, масалан, My Institute, My Future Profession, (2) кичик ҳажмдаги соҳавий матнлар (2-илова) ва (3) ОЎЮ лексик минимумидан умумисътемомдаги сўзлар ва талабанинг касбига оид терминологик лексика (охиргисидан тил техникаси машқларидагина фойдаланилади). Бундай муҳим методик тадбир талабаларда ўрганилаётган чет тилга бўлган мотивацияни кучайтирибгина қолмай, уларни касбий йўналтирилган материал билан ҳам таъминлайди.

Олтинчи масала. Ўрта таълим ўқувчилари чет тилдан бажарадиган мустақил ишлар, одатда, ўрганилган (таниш) материалга асосланади, ОЎЮ талабалари учун, шароит тақозосига кўра, мустақил ишлар кўлами кенгайтирилади. Чунончи, уларга мана бундай топшириқларни бемалол беравериш мумкин: нотаниш ўқилиш қоидаларини ўрганиш (3-иловага қаранг), таниш грамматик ҳодисаларга мисоллар топиш (индуктив машқлар бажариш), сўзлар гуруҳи ёки матн таркибида соҳавий терминларни аниқлаш (луғат ёрдамида). Мутахассисликка оид инглизча матнларни Интернетдан олиш ва луғат ёрдамида уларни она тилига ёзма таржима қилиш, кичик ҳажмдаги реферат тайёрлаш ва ҳ.к.з. Хуллас, мустақил таълимга алоҳида эътибор бериш (эсланг: 40 соат аудитория машғулоти ва 20 соат мустақил таълим режалаштирилган) ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш омилидир.

Еттинчи масала. Тажриба-синов ишини ташкил қилиш билан боғлиқ кўйидаги илмий-амалий масалаларни ҳал қилиш зарур: (1) талабаларнинг билим, кўникма, малакалари (компетенцияси) даражасини аниқлаш учун махсус сўровнома-анкета ўтказиш, талабалар нутқий хатоларини ўрганиш ва олинган маълумотларнинг таҳлилий натижаларига қараб, қийинчиликлар методик типологиясини яратиш, шу асосда экспериментал машқлар системасини тузиш ҳамда синовдан ўтказиш; (2) корректив курс ҳақидаги назарий маълумотларга таяниб, дарс ишланмалари тузиш, илғор ва қолоқ талабалар учун алоҳида-алоҳида ўқув топшириқлари тайёрлаш, индуктив ва дедуктив тафаккур соҳибларига, интроверт/экстраверт талабаларга табақалаштирилган вазифалар бериб бориш. Бундай топшириқ ва вазифалар турларини хорижий методистлар [136;141;148;153;164] мукаммал ишлаб чиқишган: малака ҳосил қилиш ва уни кўллаш, мулоқотолди ва мулоқот қилиш, кўникма ва малакани шакллантириш кабилар); (3) талабалар ҳаётини акс эттирувчи аудиторияда ўқиладиган матнларни тузиш, аудиториядан ташқарида (уйда) мутолаа қилинадиган соҳавий матнларни танлаш ва, шу йўл билан, чет тил асосий курсига таълимий “кўприк” ташлаш ҳамда, оқибат натижада, талабаларни касбий йуналтириш ва ҳ.к.з.

Тажриба-синов ишининг ташкилий-методик масалаларини ёритишга киришамиз. Педагогик тажриба-синов ўтказиш методикасида эришилган энг сўнги ютуқлардан [120;26;73] унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Педагогик тадқиқот беш босқичли таълимий тадбир бўлиб, (1) ўрганиш-таҳлил, (2) тажрибага тайёргарлик кўриш, (3) диагностик (ташхис), (4) таълимий ва (5) якуний босқичларда ўтказилади. Ҳар бир босқичда муайян таълимий вазифа(лар) бажарилади. Уларга қисқача изоҳ бериб ўтамиз.

Таҳлилий босқичда тадқиқотга тортилган объектнинг ҳозирги ҳолати ўрганилди, чет тил кириш машғулотларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари, замонавий истилоҳни кўлласак, уларнинг коммуникатив, лингвистик ва б. компетенцияси, янада аниқлик киритадиган бўлсак, I курс

талабаларининг тил тажрибаси даражалари синчиклаб кузатиш орқали ўрганилди. Уларнинг чет тилга қизиқишлари, у ёки бу нутқий фаолиятга мойиллиги ҳамда лисоний/нутқий эҳтиёжлари аниқланди. Ушбу босқичда қўлга киритилган илмий маълумотлар таҳлилга тортилди ва тегишли хулосавий умумлашмалар қилинди. Ўрганув-таҳлилий ишлар босқичида муаллифнинг узоқ муддат ўқитувчилик фаолиятида, айниқса, мазкур тадқиқотнинг биринчи босқичи (2004-2006 йиллар)да нолисоний ОЎЮларда, хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида чет тил ўқитиш амалиётини мақсадли кузатиш даврида корректив курснинг мавжуд аҳволи атрофлича ўрганилди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари аниқлаб олинди. Ўрганув-таҳлилий босқичдаги фикр-мулоҳазаларни қўшимча далиллаш мақсадида талабалар орасида анкета-сўровнома ўтказилди. Бунда талабаларнинг психологик-типологик хусусиятлари ҳам йўл-йўлакай ўрганиб борилди. Тажриба-синовга тайёргарлик кўриш чоғида яна қуйидаги ишлар амалга оширилди: (1) эксперимент майдончалари танлаб олинди -Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Пахта саноати технологияси ва механика факультети I курс 1а-08 гуруҳи (25 та талаба), 1б-08 гуруҳи (20 талаба), Соҳалар иқтисодиёти ва менежмент факультети 13а-08 гуруҳи (15 та талаба), Тўқимачилик саноати технологияси факультети 4-08 гуруҳи (20 та талаба), 5-08 гуруҳи (20 та талаба), Наманган муҳандислик ва иқтисодиёт институти 70та, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти 70та, жами (240) талаба тажриба-синовга синалувчи-респондент сифатида жалб этилди. Учала ОЎЮдан олтига экспериментатор–профессор ўқитувчи тажриба-синовда иштирок этишди. Синовчилар махсус семинар-тренингдан ўтказилди, яъни тажриба-синов дастури, мақсади, материали, методикаси билан яқиндан таништирилди. Таҳлилий босқичда тўпланган маълумотлар ҳақида суҳбатлар ва маърузалар тингланди ва қизғин муҳокамалардан сўнг эксперимент бошлашга қарор қилинди.

Диагностик босқичда тажриба-синовга кўйилмиш муаммо-КККК модели ва уни яратиш принциплари ҳамда синалишга мўлжалланган машқлар сингари дастурий материаллар экспериментаторлар орасидан тузилган экспертлар гуруҳи томонидан махсус ўрганиб чиқилди. Уларга кўйидаги вазифалар юклатилган эди: (1) ўрта ва олий таълим чет тил дастурий талабларига биноан танланган таълим мазмунининг тажриба-синовга мослиги даражасини аниқлаш, (2) КККК модели тажрибанинг замонавий коммуникатив-когнитив метод(ика) нуқтаи назаридан мақбуллигини текшириш ва (3) тадқиқотнинг назарий қисми (биринчи ва иккинчи қисмлар)ни апробациядан ўтказиш ва ҳ.к.з. Эксперт баҳолари олингандан сўнг тажриба-синовнинг навбатдаги босқичига ўтилди.

Тажриба-синовнинг ташкилий методик масалалари баёнида давом этар эканмиз, шуни атайин таъкидламоқчимизки, кўриб чиқилган 1, 2, 3 босқичларда амалга оширилган барча тадбирлар диссертант тавсия этган материаллар асосида жамоавий фикр-мулоҳазалар “элаги”дан ўтказиб олинди, яъни профессор-ўқитувчилар иштирокида муҳокама қилиб борилди. Мунозаралар натижаси ўлароқ тавсия этилмиш ККККнинг тажриба-синовга кўйиш имкони яратилди.

Таҳлилий, тайёрлов ва диагностик босқичлар шарҳидан маълум бўлдики, улар бевосита тажриба-синов ишига дахлдор, лекин ундан олдин бажариладиган тадбирлар сирасига киради. Навбатдаги таълимий босқичда тажриба-синов ишининг бориши ҳақида сўз юритилади. (Экспериментал маълумотларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари эса охириги-яқуний босқичда муҳокама қилинади.

Тажриба-синов ишини ўтказиш жараёни

Педагогик тажриба-синов ишининг тўртинчи таълимий босқичи, номидан кўринадики, таълим-тарбия бериш жараёнини камраб олади.

Мазкур босқични, бошқача қилиб, амалий машғулотлар ўтиш даври дейиш ҳам мумкин. (Улар ҳақида қуйироқда муффасал тўхталамиз). Тажриба-синовнинг ушбу босқичи бевосита педагогик жараён бўлиб, унинг мазмуни тадқиқотнинг аввалги икки босқичида қўлга киритилган натижаларга асосланади, чунончи: илмий манбалар ва амалиётни мақсадли кузатишлар ҳамда ўтказилган сўровноманинг таҳлили мавжуд камчиликларни аниқлаш ва тадқиқотнинг илмий фаразини белгилашда қўл келди. Олинган маълумотлар тажриба-синов ўтказиш учун таянч ролини бажарди. Тадқиқотнинг учинчи босқичи, айтилган пайтда, тажриба-синовнинг тўртинчи босқичида тубандаги методик тадбирлар бажарилди: экспериментолди тўхтамлар ўтказилди, тажриба ва назорат гуруҳларида дарслар мақсадли кузатилди ҳамда, шу жараёнда тўпланган илмий маълумотларга асосланиб, мақолалар ва қўлланмалар чоп этилди.

Экспериментолди тўхтами(срез)дан кўзланадиган асосий мақсад, талабаларнинг инглиз тилида шаклланган компетенциясини аниқлаш ва улар дуч келадиган лисоний ва нутқий қийинчиликларни очиб беришдан иборат. Бунда талабаларнинг нутқида йўл қўйиладиган типик хатолар эътиборга олинди ва, уларга асосланиб, интерференцион ва ташкилий қийинчиликлар тасниф қилинди.

Ташкилий қийинчиликларга талабаларнинг дарс қолдириши, эътиборсизлиги, тайёргарлик кўрмаслиги сингари сабаблар бўлса, интерференцион қийинчиликлар она тилининг салбий таъсири (тиллараро интерференция) ва ўрганилмиш чет тил (инглиз тили)нинг ички интерференцияси кабилар оқибатида содир бўлади.

Интерференцион қийинчиликлар “чет тил” ўқув предметининг лингводидактик хусусиятлари билан боғлиқ лисоний бирликлар (лексика, грамматика, талаффуз), тил техникаси (лисоний бирликларнинг ёзилиши, ўқилиши, айтилиши, таниб олиниши) ва нутқий мулоқот юритиш (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)да юз берадиган қийинчиликларни ўз ичига

олади. Хуллас, уларни лисоний, техникавий ва нутқий қийинчиликлар деб аташ мақбулдир.

Жадвалда қайд этилган интерференция, қийинчилик ва машқ номли лингводидактик категорияларнинг талқинига тўхтаб ўтиш жоиздир. Маълумки, қийинчилик интерференция оқибати, хато эса қийинчилик туфайли содир бўлади. Бажарилмиш машқлар қийинчиликни бартараф этиш ва, айти пайтда, хатонинг олдини олишга мўлжалланади. Лингводидактикада узоқ давр маълум ва маъқул топилган машқлар таснифи И.В. Рахманов [84] томонидан тавсия этилган: а) мақсад вазифаларига кўра лисоний/ нутқий, рецептив/репродуктив, аспектлар бўйича/комплекс, ўқув/табиий мулоқот, ўрганиш (тренировка)/назорат машқлари; б) материал хусусиятига кўра диалог/монолог нутқ машқлари; в) бажариш усулига кўра оғзаки/ёзма, бир тилли/икки тилли (таржима), механик (онг иштирокисиз)/ижодий, синф/уй, индивидуал/жуфт/хор билан бажариладиган машқлар. Шунингдек, нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув), нутқ шакли (оғзаки нутқ ва ёзма нутқ) ва тил аспектларига доир (фонетик, лексик, грамматик) машқлар. Лекин нутқий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни ҳисобга олиб, юқорида таъкидланганидек шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи машқлар назарияси ва амалиёти ишлаб чиқилган. Жадвалда умумлаштириб берилганидек, техникавий ва лисоний кўникмалар шакллантирилади, лисоний кўникма сўнгра нутқий малака таркибида ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

**7-жадвал. Интерференцион қийинчиликлар ва уларни бартараф
этишга мўлжалланган машқлар турлари**

Интерференцион қийинчилик турлари	Қийинчилик содир бўладиган объектлар	Машқлар турлари
Тиллараро ва тил ички	Чет тилда нутқий мулоқот	Ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи
Тиллараро ва тил ички	Нутқнинг лисоний (лексика, грамматика, талаффуз) материали	Шакллантирувчи, ривожлантирувчи
Тил ички (ва тиллараро)	Нутқнинг техникавий (ўқилиши, ёзилиши, айтилиши, таниб олиш) жиҳати	Шакллантирувчи

Экспериментал материал рўйхати умумий тарзда келтирилган эди. Тажриба-синовда эса уларни фарқлаб ўргатиш методикаси ишлаб чиқилди: чунончи, аввал Bb, Dd, Ff, Hh, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Pp, Qq, Rr, Tt, Vv, Ww, Zz ундош ҳарфларининг ўқилиши коррекция қилинди. Сўнгра ундошлардан Cc, Gg, Ss, Xx ҳарфларининг ўқилиши такрорланди. Ундошларнинг икки гуруҳга ажратиб такрорлашдан мақсад, иккала рўйхатдан кўриниб турибдики, осондан қийинга принципига риоя қилган ҳолда, [b, d, f, h, dz, k, l, m, n, p, kw, r, t, v, w, z] товушларини ифодалаш ҳодисасини ўргатишдир. Қоидадан мустасно ҳолатлар ҳақида ҳозирча айтилмайди (улар кейинги дарсларда такрорланади). Бинобарин, мазкур 16 ундошнинг талаффузига махсус машқлар берилди, яъни сўз таркибида транскрипцион белгилар ёрдамида айтилиши машқ қилинди (Эътибор беринг: айтилиш техникаси ва ўқилиш машқлари бажарилди). Иккинчи гуруҳда иккита товуш берадиган ундошлар (Cc, Gg, Ss, Xx) такрорланди. Бир ва иккита товуш берадиган

ундошлар ҳақидаги талабалар “тасаввури янгиланди”, коррекция қилинди (Бошқа ҳолатлар тўғрисида ҳали гап йўқ). Иккала машқдан сўнг боғланишли нутқдаги фонетик ҳодисага оид қоида берилди: “Инглизча нутқдаги асосий фонетик ҳодисалар аспирация, палатализация, ассимиляция, редукция, урғу ва интонациядир” ва ўқитувчи ўз нутқида аспирацияни намоиш этди ва талабалар тақлид йўли билан ушбу фонетик ҳодисани такрорлашди.

Қизиғи шундаки, биз тавсия этаётган “ундошларни икки гуруҳга фарқлаб ўргатиш методикаси” илк бор коррекцион амалда қўллаб кўрилди. Шу билан бирга, уларни ўқитувчи иштирокисиз талабаларнинг ўзлари такрорладилар. Тўғри, талабалар мустақил қайтаргунларигача ушбу ҳарф ва товушлар матн ўқиш, савол-жавоб, диалог, сўзлар таркибида (транскрипцияда) товушларнинг айтилиши ва ҳарфларнинг ўқилиши (сўзларни луғат ёрдамида транскрипция қилиш) ўқитувчи раҳбарлигида машқ қилинди. Демак, ўқилиш ва айтилиш техникаси нутқий мулоқотда ўрганилади, якунида талабалар қоидалар билан мустақил танишадилар.

Баён этилган фикр-мулоҳазаларни янада яққоллаштириш учун тажриба-синовдан ўтказилган бир қатор дарс режаларини келтирамиз:

The Plan of Lesson 1

Theme of the lesson: About Myself.

Aim of the lesson: to develop students' language skills on the given topic.

Equipment of the lesson: the text, eight exercises, handouts.

The procedure of the lesson

I. **B e g i n n i n g** of the lesson – 10 minutes.

II. **M a i n p a r t** of the lesson – 60 minutes.

III. **E n d** of the lesson – 10 minutes.

I. Дарснинг боришини муфассалроқ ёритишга киришамиз. Бошланишда чет тил (инглиз тили) муҳити яратилади. Шу мақсадда ўқитувчи дарсга кириши биланоқ ўзини таништиради: My name is Firuza Ikromovna Ikromxonova. I am an English teacher. I'll teach English in your

group. You studied English at colleges or Lyceums. You'll continue learning this language, that is English in the first, second and third courses. So we'll work together. Now let's get acquainted with each other.

II. Тил мухитини яратиш (Beginning of the lesson) босқичидан сўнг дарснинг асосий қисми (Main part of the lesson)га ўтилади: Тайёрланган тарқатма материал (handouts) талабаларга берилади. Унда What's your name? My name is... ёзилган. Ҳар бир талаба уч нукта ўрнига ўзининг исми-шарифини ёзади. Бир талаба уларни йиғиб олиб, бошқатдан тарқатади. Гуруҳ талабалари кўлидаги ёзув бўйича бир-бирига What's your name? саволи билан мурожат қилишади. Ёзув “эгаси” топилганда: His/her name is... жавобини гуруҳда овоз чиқариб айтишади. Талабаларнинг бир-бири билан танишиши чоғида ўқитувчи ҳаракат ва имо-ишора билан “дирижёрлик” қилиб туради: You, please. Талаба жавоби: My name is ... His/her name is... жавобини айтади. Аудитория бу ишга юз фоиз жалб этилади.

Дарснинг ушбу асосий қисмида куйидаги машқлар китобдан [1,2,3] бажарилади:

1. About Myself матни ўқилади. Ўқишдан олдин талабалар топширик олишади: Read the text and tell the group about yourself. Матн ўқишга 5 минут вақт берилади.

2. Phonetic drills. Транскрипциядаги сўзларни ўқитувчи иштироки ва дирижёрлигида талаффуз қилишади.

3. Берилган сўзларни транскрипция қилиш (уйга вазифа сифатида берилади).

4. Савол-жавоб машқи (Матн мазмунидан фойдаланилади).

5. Диалогни овоз чиқармай ўқишади, сўнгра иккитадан талаба ролларга кириб диалогик нутқ бажаришади. Талабалар жуфт-жуфт ҳолда мулоқот қилганларида ўқитувчи уларни назорат қилиб, зарур бўлганда, ёнига бориб ёрдамлашиб туради (Имкон қадар қиз ва ўғил бола суҳбат курса, фойдадан холи бўлмайди).

6. Мавзуий луғатни такрорлаш -Study topical vocabulary: People's ages (Одамларнинг ёшини аниқлаш машқи). Овоз чиқармай ўқиш машқ қилинади.

7. Қуйидаги сўзларни транскрипция қилиш ва ўқилиш қоидаларини тушунтириб бериш (Phonetic References 1d дан фойдаланиш мумкин). (Айрим талабалар қийналганда, аудиторияда оғзаки тушунтириб, бу машқни ёзма бажариш учун уйга вазифа қилиб берилиши мумкин).

8. Дарсда талабалар ўзлари ҳақида гапириб беришади. (Ўқилган матн ва бошқа машқлардан фойдаланишади). About Myself мавзусида ёзма иш бажариш эса уйга вазифа қилиб берилади.

III. Дарсга яқун ясалади. Талабаларнинг инглиз тилидан мавжуд кўникма ва малакаларига қараб, ҳар бир талабанинг келгусида инглиз тилида нималарга алоҳида эътибор беришлари уқтирилади (лисоний, техникавий, нутқий масалалар бўйича конкрет ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб ўтилади, маслаҳатлар берилади).

Уйга вазифа яна бир қарра эслатилади: 3, 7 ва 8 машқларни ёзма шаклда бажариш ва Phonetic Reference 1, 1a, 1b, 1c, 1d параграфларини ўқиб келиш.

Дарс охирида ўқитувчи инглиз тилида талабаларга омад тилайди: I wish you good luck in your successful learning English ва хайрлашади: Good bye!

Инглиз тилидан тайёрланган дарс ишланмаси бўйича олиб борилган экспериментал гуруҳдаги кириш машғулоти мазмунидан маълум бўладики, И.В. Раҳманов таснифидаги барча машқлар бажарилди. Уларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, дарсда такомиллаштирувчи-мотивацион (1,4,5,8), ривожлантирувчи операцион (3,6) ва шаклантирувчи-информацион (2, 7) машқлар ўрин олди. Шу билан бирга, ҳам аудитория, ҳам мустақил машғулотга эътибор қаратилди (Эслатма: Корректив курсда 40 соатлик аудитория ва 20 соат мустақил иш режалаштирилган).

The Plan of Lesson 2

Навбатдаги (иккинчи) кириш машғулоти тажриба гуруҳида қуйидаги тартибда олиб борилди:

Theme of the lesson: Our Family.

Aim of the lesson: 1) to develop students' language skills on the given topic.

2) to develop students' cultural knowledge.

Equipment of the lesson: the text, eight exercises, handouts.

The Procedure of the lesson

I. The beginning of the lesson (5 minutes). Талабаларнинг дарсга тайёргарлиги текшириб кўрилади: уйга берилган вазифаларнинг бажарилиш ҳолати, ёзма ишларнинг мавжудлиги. Шу мақсадда ўқитувчи аудиторияга қатор саволлар билан мурожаат қилади:

Teacher: Have you done your homework?

Student(s): Yes, we have /No I have not.

T: Why haven't you done your homework, what's your name?

S: My name is ... I haven't done my homework, because ...

T: Have you written your homework?, etc.

Мазкур савол-жавоб машқи тил муҳитини яратиш учун кифоя қилади. Уй вазифасининг мазмуни жиҳатини текшириш дарс давомида амалга оширилади, масалан, About Myself мавзусидаги ёзма иш хоҳлаган бир машқдан сўнг текшириб кўрилиши мумкин. Унинг асосида оғзаки машқ ўтказиш энг оптимал иш тури ҳисобланади.

II. Қўлланмадаги (Jalolov; Umirzaqov; Ikromxonova) машқларни бажаришга машғулотнинг а с о с и й қ и с м и бағишланади (70 minutes). Талабаларга топшириқ берилди: Our Family матнини ўқинг ва ундан фойдаланиб ўз оилангиз тўғрисида гапириб беринг. Матн олдидан ўқитувчи инглизча лингвокультурологик маълумотларни шарҳлаб бериши самарали натижа берди (савол-жавоб усулидан фойдаланиш мумкин):

Teacher: What can you say about the verb "is" ?

Student: It is an auxiliary verb and we cannot translate it into Uzbek. It is the Present Simple form of the verb “to be”, third person, singular.

T: OK. Thank you. What do you know about the construction “there are”?

S: We use it when we mean that something is somewhere?

T: How do you translate the word “parents”?

S: We translate it as “ота-она”.

T: OK. But the word “parents” may be translated as “волидайн”, too. One can find it in the book “Шайтанат” by Tohir Malik. Now try to answer to the following questions?

What do you think about the word “brother”?

S: It is translated as “ака-ука” and “биродар”.

T: Well, you are right. What else do you know about it?

S: We know that “ака “ is elder brother in English.

T: OK. Thank you. Now listen to me attentively and pay attention to the following words: Institute, doctor, English, America, association, republic, Uzbekistan, test, grammar, student, engineer. What did you notice in these words?

S: We noticed that all these words are like Uzbek words.

T: So, you see there are many English and Uzbek words which are similar in pronunciation and meaning. Is it interesting for you?

S: Yes, of course, very interesting.

T: If you learn English well you will know many interesting things. For example, in the text they use the word “graduate from the Institute”, but they say “finish school”. The two words-graduate and finish are translated into Uzbek...?(the teacher makes a gesture with his forefinger to one of the students)

S: They will be: “тугатмоқ”, but there is difference between them: to finish school and to graduate from the Institute.

T: Here we meet with the English way of thinking, don't we?

S; Yes, we do, it is so interesting for us. We have one word and the English have two words to express “тугатмоқ”.

Оддий бир инглизча матн таркибида шунчалик қизиқарли инглиз маданиятига оид ҳодисалар мавжудлиги талабаларда катта қизиқиш уйғотди ва матнни ўқишга уларнинг мойиллиги (мотивацияси) ошди. Тўғри, тан олиш керак, ўқитувчининг ҳам, талабаларнинг ҳам инглиз тилидаги савол-жавоблари бироз соддароқ кечди. Лекин шу оддийгина суҳбатни ҳам тўлиқ тушуна олмаган талабалар миқдори учдан бир фоизни ташкил этди. Бундай хулоса чиқаришга талабалардан айримлари (учдан бири) биронта саволга жавоб беришга интилмаганлиги ва ўзлари тушуна олмаганликларига иқроп бўлганлиги далил бўла олади. Улар билан индивидуал тарзда қўшимча ишлашга тўғри келди, яъни ушбу сўзларни ёзиб олиш ва яна бир кўриб чиқиш тавсия этилди.

2. Олдинги дарсада эслаб ўтилган ассимиляция аталмиш фонетик ҳодисага махсус машқ берилди: and the, at the, in the, found the, twice, twenty), etc. Ушбу ва бошқа мисолларни, албатта, ўқитувчи етакчилигида талаффуз қилишди. Талабаларга мустақил ўқитиб кўрганимизда, икки ундошни ажратиб ўқишди. Бундай ҳолат инглиз тилида кўпол хато ҳисобланади, ва матн мазмунини фаҳмлашга халақит беради

3. Машқнинг мақсади сўз ва сўз бирикмаларини ўқиш ва она тилига таржима қилиш. Уларнинг транскрипцияси уйга вазифа қилиб берилади. (Аудиторияда ўқиш машқи бажарилади, уйда эса таржима ва транскрипция қилинади).

4. Биринчи машғулотда кузатилганидек, бу машқда ҳам матн мазмунини очиш учун савол-жавоб қилинди. Савол-жавобда талабалар жуфт-жуфт бўлишиб, ролларга киришиб мулоқот юритдилар.

5. Диалог намунаси келтирилади ва талабалар унинг мазмунини ролларга кириб мулоқот қилиш орқали ўз сўзлари билан қайта тиклайдилар.

6. Study the topical vocabulary: Relations by birth (parents, father, mother, uncle, aunt, etc.), Relations by marriage (husband, wife, father-in-law, sister-in-law, etc.). Мавзуй лугат инглизча қариндош-уруғчилик ҳақида ёрқин

тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади. Инглиз-ўзбек маданиятлариаро мулоқот хусусиятларини очиб беради. Бундай умумлашма ўзга тилларга қизиқишни кучайтиради.

7. Бу машқ, одатдагидек, сўзлар транскрипциясини ўргатади.

8. Speak and write about your own family. Оғзаки (гапириш) машқ аудиторияда бажарилади, уйда ёзма шакли тайёрланади.

III. Дарсга яқун ясалди. Лингвокультурологик ҳодисаларга яна бир эътибор тортилади. Вазифа тарзида учта машқ (3, 7, 8) берилди.

Lesson 3 (The third lesson)

Theme of the lesson: About my Friends.

Aim of the lesson: to develop learners' language skills on the given topic.

Equipment of the lesson: the text, seven exercises, the reading table of vowel letters in the first and second types of syllables.

I. Дарснинг б о ш л а н и ш и д а инглиз тили муҳити яратилади. Бинобарин, олдинги икки дарсда ўқилган ва уйга вазифа қилиб берилган (About Myself, Our Family) матнлар асосида тайёрланган гапириш машқлари бажарилди. Талабаларнинг пухта тайёргарликка эга бўлганлари мавзулар бўйича гапириб беришди, қолганлари эса савол бериш билан машғул бўлдилар.

Иккинчи дарсда уйга ёзма вазифа қилиб берилган иккита машқ такрорланди: 3-машқ (6-бет)даги сўз ва сўз бирикмаларининг ўқилиши ва она тилига таржимаси сўралди. Таржима чоғида инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилди: in the family-at the hospital, the youngest, graduate from the Institute, recently ва б. 7-машқда эса транскрипция қилинган сўзлар ўқилиши текшириб кўрилди: same-made; fine-pylon; rule-June; nose-go; these-me, etc. (Phonetic References 2b даги қоидалардан фойдаланилди).

II. Дарснинг а с о с и й қ и с м и д а еттита машқ берилган. Улардан бештаси (1, 2, 3, 4, 5) аудиторияда ўқилди. 1-машқ юзасидан саволларга

жавоб берилди, ва матн мазмунига асосланиб, талабалар дўстлари ҳақида гапириб беришди. Диалог матнига кўра ролларга киришиб, суҳбат қилишди. Матнда қўлланган ва 3-машқда рўйхати берилган қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларига талабаларнинг диққати қаратилди:

boy-friend	well-bred	to enter the Institute
girl-friend	hard-working	to be good at something
pen-friend	teen-ager	to be interested in something

Мазкур инглизча лисоний ҳодисалар ўрта таълимда ўрганилган, лекин бу дарсда илк бор тизимга тушириб берилмоқда (Умумлаштирилган лексик коррекцион машқ сифатида тавсия этилмоқда).

Диалогик машқда (5) инглиззабон халқлар ҳаётида кенг истифода қилинадиган нутқий этикетларга алоҳида эътибор берилган: Hi, Thank you, Nice to meet you, I say, I think, Oh, wonderful, OK, come on, etc.

Ушбу дарсда инглиз унли ҳарфларининг биринчи ва иккинчи бўғин турлари ўқилишига махсус жадвал берилди (Ундошларнинг қоида бўйича ўқилиши биринчи машғулотда коррекция қилинган эди. Унлиларнинг биринчи бўғин турида ўқилиши иккинчи машғулотда, ҳозир эса унлиларнинг очик ва ёпиқ бўғинларда ўқилиши жадвал орқали намоиш этилмоқда).

me-met	Hi-hit	go-god	baby-bad	by-myth	music-must
he-hen	time-tin	no-not	same-sat	type-lynx	tuter-thus

Мазкур жадвалдаги унлиларнинг ўқилишидан ташқари қоидадан мустасно ҳолатлар ҳам ўрганилди:

<i>to school</i> [tu `sku:l]		love		gone		one		whose		rule		busy	Bush
<i>to speak</i> [t `spi:k]		above				does		lose					

III. Машғулот я к у н и д а талабаларнинг нутқий фаолияти баҳоланди, ҳар бир бажарган машқига изоҳ бериб борилди. Уларнинг дарс давомида эришган ютуқлари ва йўл қўйган хато-камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Лисоний, техникавий ва нутқий соҳада алоҳида қиладиган ишлари бўйича маслаҳатлар берилди.

Уйга вазифа қилиб 3-машқ сўз, кўшма сўз ва сўз бирикмаларини транскрипцияда ёзиш ва таржима қилиш, 6-машқ унлиларнинг ўқилишини тушунтириш (Phonetic References 3a, 3b) ва сўзларни транскрипцияси ҳамда 7-машқ- About my friends мавзусида ёзма микроматн тайёрлаш берилди.

Lesson 4 (The fourth lesson)

Theme of the lesson: Our Institute.

Aim of the lesson: to develop learners' language skills on the given topic.

Equipment of the lesson: the text, seven exercises, table of monophthongs and diphthongs, reading table of vowels in the third type of syllable.

I. Машғулот б о ш л а н и ш и д а About my Friends мавзуси доирасида оғзаки мулоқот ўтказилади: (1) аълочи (экстраверт) талабалар монолог шаклида гапириб беришади; (2) гапиришда қийинчилик сезадиган (интроверт) талабалар эса савол-жавоб шаклида фикр алмашишди. (3 дарсдаги 4-машқдан фойдаланишга рухсат берилди). Оғзаки коммуникатив машқ бажарилгандан сўнг талабалар транскрипцияда ёзилган сўзларни ўқишди (6-машқ) ва транскрипцияда ёзиб келишган сўз, кўшма сўз ва сўз бирикмаларини ўқиб, таржимасини айтишди (3-машқ). Машқларда йўл қўйилган хатолар тузатилди.

II. А с о с и й қ и с м д а талабалар еттита машқ бажаришади. Улардан биринчиси – Our Institute матнини ўқишди ва мазмунини инглизча гапириб беришди. (Интроверт талабалар эса 4-машқдаги саволларга оғзаки жавоб беришди). 2-машқда берилган 20 та унли фонемалар-монофтонг ва дифтонгларни аввал ичда, сўнгра овоз чиқариб талаффуз қилишди. Машқ чоғида унлилар оппозициясига ўқитувчи ёрдамида алоҳида эътибор қаратишади:

(1) J – i, R – A, L – O, H – u, W – q || (3) e – eI, R – QI, O – OI, u – uq,
R – Qu

(2) e – x, R – q, A – x, q – e, o – A || (4) o – ou, eI – aI, oI – L, Iq – Fq, uq – u

Муаллим дирижёрлигида ушбу товушлар иштирокидаги сўзларни хор билан талаффуз қилишди (бу машқда нафақат таниш, шунингдек нотаниш сўзларни ҳам ишлатиш мумкин, зеро товуш артикуляцияси устида иш олиб борилмоқда). 3-машқдаги сўз ва сўз бирикмаларини овоз чиқариб ўқишди (уларнинг транскрипцияси ва таржимаси уйда ёзиб келинади).

4- ва 5-машқлар аудиторияда бажарилади, яъни савол-жавоб ва ролларга кириб диалог машқ қилишади. Дарснинг асосий қисми Our Institute мавзусида монолог нутқ билан яқунланади.

Дарс қуйидаги тартибда ниҳоясига етади: (1) яна бир бор ўтилган материал ҳақида умумий мулоҳазалар айтилади, яъни қайси талаба қандай ютуққа эришган ва камчиликларга йўл қўйганлиги эслатиб ўтилади; (2) уйда мустақил ишлаш учун топшириқлар берилади: 3-машқ лисоний бирликларни транскрипция ва таржима қилиш, 6-машқ сўзларини транскрипция қилиш ва ўқиш қоидаларини ўрганиш ва Our Institute мавзусини оғзаки ва ёзма ҳолда тайёрлаш.

Lesson 5 (The fifth lesson)

Theme of the lesson: My Future Profession.

Aim of the lesson: to develop learners' language skills on the given topic.

Equipment of the lesson: the text, seven exercises, reading table of vowel letters in the stressed syllable.

I. Дарснинг б о ш л а н и ш и, одатдагидек, инглиз тили муҳитини яратишга бағишланади. Шу мақсадда дарс Our Institute мавзусида суҳбатдан бошланади. Гапга чечан талабалар монолог шаклида ўз институти ҳақида сўзлаб беришади (ўқилган матн таянч хизматини ўтайди). Камгапроғлари (интровертлар) савол-жавоб машқига жалб этилади. Масала шундаки, барча талаба оғзаки мулоқот машқида иштирок этиши шарт қилиб қўйилади. Уйда тайёрланган 3-машқдаги сўз ва сўз бирикмаларини транскрипцияга қараб

ўқишади ва уларнинг таржимасини айтишади (ўрта таълимда ўрганилган лексик минимум материали, яъни таниш лисоний бирликлардан иборат машқ бўлганлиги туфайли икки томонлама таржима қилишга ҳам йўл қўйилади, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча таржима ҳақида сўз бормоқда). 6-машқда транскрипция қилинган сўзлар эса таржима қилинмайди, улар мисолида ўқилиш қоидалари ўрганилади.

И. А с о с и й қ и с м: Машғулотда етти та машқ берилган бўлиб, улардан биринчиси ўқишга мўлжалланган. Матннинг олдинги дарслардагидан фарқли жиҳати шундан иборатки, унга илк бор талабанинг бўлажак ихтисослигига оид айрим терминологик лексика киритилган: textile and light industry, technology of cotton industry, faculty, internal and external foreign cooperation. Матнолди машқи сифатида мазкур терминларнинг маъноси ўқитувчи ёрдамида ўрганилади, сўнгра талабалар матнни овоз чиқармай ўқиб чиқадилар ҳамда ўз сўзлари билан унинг мазмунини ҳикоя қилиб беришади: Матн ўқиш методикаси ҳақида мухтасар фикр баён этиб ўтмоқчимиз, аниқроғи, матн устида ишлаш машқларидан намуналар келтирамыз.

Матн ўқиш билан боғлиқ машқлардан намуналар

Лингводидактика назариясида яратилган ва педагогик амалиётда кенг қўлланиладиган (M. West; Фоломкина; Кличникова; Соловова, Chung) матнолди, матнни ўқиш ва матндан кейинги машқларни бажариш орқали ўқиш технологияси эгалланади.

Матнолди машқлари лисоний (лексик, грамматик ва ўқиш техникаси) қийинчиликларни бартараф этиш ва, айтиш чоғда, лисоний бирликларни тушуниш стратегиясини шакллантиришга қаратилади. Улар ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш ва талабанинг лисоний тажрибасини ишга солиш (актуализация)га ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур машқлар талабаларнинг лисоний фаҳмлашлари (guessing), контекстуал маънони ва сўз

ясалишини билишларини ҳам таъминлашга мўлжалланади. Икки тилли луғатдан янги сўзлар маъносини очиш учун фойдаланилади.

Матн ўқиш чоғида эса мулоқот қилиш ва билишга оид топшириқларни бажариш назарда тутилади. Бунда қуйидаги машқ турларидан фойдаланилади: (1) Read and find answers to the following questions; (2) Read and pay attention to the verb tenses used in the text; (3) Read and narrate the text; (4) Read the text and try to guess the meaning of unfamiliar words; (5) Read the text and translate the first three/four sentences; (6) Read the text and copy the compound words out; (7) Read the text and be ready to translate it in writing; (8) Find the key-words in the text, etc. Матн ўқиш чоғида бажариладиган машқлар таркибидан аён бўладики, ўқиш тезлигини ўстириш учун ҳаракат қилинади ва матннинг асосий мазмунини ўзлаштиришга асосий эътибор қаратилади. Матндаги лисоний воситаларни таниб олиш ва матн мазмунини эсда сақлаб қолиш етакчи мақсад ҳисобланади.

Матн ўқилгандан кейин бажариладиган машқлар тоифаси қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) Answer the questions given before/after the text; (2) Tell the group what this text is about; (3) What do you like or don't like in the text; (4) Compile the plan of the given text; (5) Write the summary of the text; (6) Explain the wordforming elements of the compound words, etc. Кўринадики, матндан кейинги машқлар, асосан, унинг мазмунини тушунганликни назорат қилиш учун бажарилади.

Корректив курсдаги матнни ўқиш, табиийки, асосий курсдагига караганда бирмунча соддалаштирилган тарзда амалга оширилади. Ундан ташқари машғулотлар умуман корректив машқлардан иборат бўлиши муносабати билан матн ўқиш ушбу машқлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, гапириш, ёзув малакаларини ва лисоний кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган бир қатор машқларни бажариш ҳам кўзда тутилади.

Ушбу (бешинчи) дарснинг аввалгилардан ўзгача хусусияти шунда намоён бўладики, унда биринчи марта ихтисослик терминлари киритила

бошланди. Барча машқларнинг бажарилиш тартиби худди олдинги машғулотлардагидек давом этади. Навбатдаги – 6-дарсдан бошлаб, ихтисосликка оид битта матн уйда ўқишга бериб борилади. Уйда мустақил ўқиладиган соҳавий микроматнлар уч тиллик луғат (Englisch-ruscha o'zbekcha lug'at)дан фойдаланиб ёзма таржима қилинади [F.Ikromxonova]. Эслатиш жоизки, том маънодаги таржима тўғрисида ҳозирча гап бўлиши мумкин эмас. Ушбу матнларни ўқиб ёзма таржима қилиш фақат талабаларни луғат билан ишлаш ва касбий йўналтириш мақсадига бўйсиндирилади. Матннинг номланиши – My Future Profession ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳозирча ихтисосий нутқни, жумладан соҳавий матнни ўқишни тўлиқ амалга ошириш имконияти мавжуд эмас, чунки ихтисослик фанлари ОЎЮ ўқув режасига биноан юқори курсларда ўрганилади. Ўша даврда инглизча ихтисосликка оид матнларни ўқиб ахборот олиш етакчи таълимий мақсад мақомини олади.

Мазкур дарсда, унинг режасида таъкидланганидек, унли ҳарфларнинг тўрт бўғин турида (урғу остида) ўқилиши жадвал ёрдамида тизимли такрорланди. Жадвалга қўшимча тарзда қуйидаги амалий қоидали ўргатиш юқори самара берди: унли ҳарфлар 1-тур (очик) бўғинда алфавитдаги номлари билан ўқилади: Q [eI], e [J], i/y [aI], o [ou], u [(j)H]; 2-тур (ёпик) бўғинда унли ҳарфлар монофтонглар сифатида ўқилади: Q [x], e [e], i/y [I], o [O], u [A]; 3-тур бўғинда чўзиқ унлилар шаклида ўқилади: a+r [R], e+r [W], i/y+r [W], o+r [L], u+r [W]; 4-тур бўғинда дифтонгларни беради: a+r+vowel [Fq], e+r+vowel [Iq], i/y+r+vowel [aIq], o+r+vowel [L/Oq], u+r+vowel [(j)uq]. Унлиларнинг ўқилишидаги мазкур қоидавий маълумотлар бу соҳадаги асосий лисоний қонуниятларни акс эттиради. Қоидадан истисно тарзида ўқиш техникасига оид содда билимлар бошқа дарсларда такрорланди.

Lessons 6 – 9 (The sixth-ninth lessons)

Экспериментал дарслар қаторидан ўрин олган навбатдаги тўрт машғулот мазмуни бўйича илмий-методик маълумотларни мухтасар баён этамиз. Уларни умумлаштириб беришимизнинг сабаблари қуйидагилар: (1) бериладиган машқлар миқдори ва сифат кўрсаткичлари аввалги дарслардан деярли тафовут қилмайди. Масала шундаки, фақат машқларнинг материалида фарқли жиҳатлар кузатилади; (2) ўқиш учун мўлжалланган матн мавзулари, машқларда коррекция қилинадиган лисоний ва техникавий бирликлар, хусусан ўқилиш қодалари [35] асосий фарқлар сирасига киради.

Муҳокамага қўйилган тўрттала (6-9) дарсларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишга киришамиз.

Lesson 6 (The sixth lesson)

6-дарсда ўқиш учун тавсия этилган матн 1-машқ таркибида, ўқиш ва таржима қилишга берилган махсус сўз бирикмаларида (3-машқ) инглиззабон халқларнинг лингвокультуралогик хусусиятларини намойиш этувчи лисоний бирликларни шарҳлашга ўтамиз. Иккала машқ материалида ўзбек талабалари лисоний тажрибасига мос келмайдиган қатор сўз ва сўз бирикмалари мавжудки, уларни махсус ўргатиш талаб этилади.

Study (I study at...). Ўзбек тилида уни “ўқийман” феъли орқали ифодалаш мумкин. Лекин ўзбек тилидан инглизчага бу феълни таржима қилганда, демакки, инглизча гапирганда/ёзганда, икки сўз талаба онгида гавдаланади: ўқийман (институтда) ва ўқийман (китобларни). Ушбу тоифадаги интерференцион лексик қийинчиликни бартараф этиш учун ёки, бошқача айтганда, унинг олдини олиш мақсадида ҳар иккала феълни сўз бирикмасида, янада тўғрироғи, контекстда қўллаш ва уларнинг ўзбекча синонимларини эслатиш усулидан фойдаландик: (1) ўқийман: Институтда ўқийман (I study at the Institute), Инглизча китоб ўқийман (I read English books) ва (2) ўқийман-тахсил оламан (study), ўқийман-мутолаа қиламан

(read). Лингвистика терминологиясида айтганда, сўзнинг коннотатив маъносини ўрганишга эришилмоқда.

Everyday (I go to.... everyday). Инглиззабонларда “ҳар куни” маъносини ифодалашда қўшма сўз (комполит) қўлланмоқда, ўзбекларда эса сўз бирикмаси ишлатилмоқда (everybody, everyone, everywhere, everything кабиларни эслатиб ўтилади).

At a quarter to seven a.m.; an hour and a half. Инглиззабонларнинг тафаккур тарзига кўра бир кеча-кундуз (сутка) вақтни соатда иккига ажратилади, яъни “пешингача бўлган вақт” (a.m.= ante meridiem) ва “тушдан кейинги вақт (p.m.=post meridiem). Демак, уларнинг фикрлашида 24 соатлик вақт ўлчами эмас, балки 12 соатлик замон кўрсаткичи амал қилади. Бундан ташқари “15 минути кам 7” тушунчасини инглизча “соат еттига чорак (қолганда)” қабилида айтилади. Унинг устига at предлоги ҳам ишлатилади. An hour and a half бирикмасини талабаларга тушунтириш анча қийин кечди, сабаб: она тилида “бир ярим соат” дейилади, инглизча эса “(бир) соат ва ярим” шаклида айтилмоқда. Бу лингвокультурологик ҳодисани хотирада сақлаш учун бошқа иборалар билан қўшиб ўргатилди: two hours and a half, an hour and a quarter... . Икки тилда вақт (замонни) белгилаш тартибидаги фарқни билмаслик маданиятлараро мулоқотни чигаллаштириши муқаррар, яъни “маданиятлараро тўқнашув”ни келтириб чиқариши тайин.

bed. Бу полисемантик сўз “ўриндиқ, ётаржой”, “каровот” ва б. маъноларни билдиради. Сўз бирикмаларида унинг янада турфа маъноларни ифодалашига гувоҳ бўламиз: to go to bed (уйқуга ётмоқ), to do one’s bed (ўрин/жой солмоқ) ва ҳ.к.з.

to have one’s breakfast/lunch/dinner/supper; to have a sandwich/a cup of tea. Мазкур ибораларда to have феъли “емок/ичмок/қилмок каби тушунчаларни ифодаламоқда. Интерференцион қийинчилик келтириб чиқарадиган бошқа феъллар ҳам мавжуд: to eat, to drink, to do ва б. Бунда тил ички ва тиллараро интерференцияга дуч келинмоқда. 1- , 3- , 4- , 7-

машқларда махсус коррекцион ўқиш, таржима, айтиш орқали қийинчиликлар бартараф этилади.

class. Матнда дарс маъносида келган, бу дегани –lesson билан маънодош: Our classes begin at Бошқа маъноси берилмаган.

to go by bus/tram/train, metro; to go on foot. Мазкур ибораларда предлогнинг ишлатилиши қийинчилик туғдиради. Чунончи: транспортда юриш *by*, яёв ҳолда/пиёда (бормоқ) *on* предлогларини талаб қилади, она тилининг салбий таъсири туфайли -да (ўрин-пайт келишиги)ни инглизча *in/on/at* кабилар билан кўпинча чалкаштириш ҳоллари кузатилади. Ушбу хатонинг олдини олиш учун 3-машқ берилди: *foot(on), tram/bus...(by)-пиёда-on*, транспорт воситасида -*by* сингари изоҳлаш усулини кўлладик.

to watch TV, to listen to the radio/to the tape-recorder. Буларни тушунтиришда уч методик усул кўл келди: биринчиси-телевизор кўриш/томоша қилиш деганда инглиз тилида предлог кўлланмайди, иккинчиси-радио/магнитофон эшитиш/тинглашда *to* предлоги иштирок этади, учинчиси – *TV* артикلسиз, *radio/tape-recorder* артикль билан ишлатилади.

6-дарснинг 1-машқидаги *My Working Day* матнини ўқиш ва талабанинг бу мавзу доирасида ўз фикрини баён этиши катта тарбиявий аҳамият касб этади, зероки, унда талабанинг бир кун давомида эрталабдан кечгача қиладиган ишлари аниқ ва муфассал тасвирланган. Мана шундай кун тартибига риоя қилиш талабанинг муайян ишларини ўз вақтида бажаришга ўргатади. Матн мазмунидан келиб чиқиб, жадвал тарзида ишларини режалаб олса, унинг фаолияти янада самарали кечади.

Дарсда биринчи бор унли ва ундошлар бирикмаларининг (урғусиз бўғинда) ўқилиши (6a) ва ундошлар бирикмасида ўқилмайдиган ҳарфларнинг ёки икки ундошнинг бир товуш бериши (6b) ҳодисалари мисолларда кўрсатилади. Бундай умумлашма қоидалар талабаларнинг гапириш

малакаларини ўстиришга ҳамда ўқиш малакаларини тез ва осон шакллантиришга хизмат қилади.

Lesson 7 (The seventh lesson)

Машғулотнинг асосий мақсади My Day off матни ва диалог материалида талабаларнинг дискурсив компетенциясини ривожлантиришга қаратилади. Бунинг учун ўрганилган лисоний материал ва техникавий коидаларни такрорлаш ва нутқ жараёнида қўллаш машқлари бажарилади.

Аввалги дарслардан фарқли ўлароқ бу машғулотда айрим ўзбек миллий таомларининг номлари инглизча ёзилган: national meals lagman, manti, palov. Инсон ўзига яқин кўрадиган нарса номларини ўзга тилларда ўқиганда ёки тинглаганда, албатта, маълум даражада ҳаяжонланади, бу дегани, талабада инглиз тилини ўрганиш мотивацияси кучаяди.

Машғулотнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда санок, тартиб ва каср сонлар умумлашмаси такрорланади: йилларнинг рақамларда берилиши ва айтилиши, телефон номерлари, уй/автобус/китоб саҳифаларининг айтилиши/ёзилиши, соат ва дақиқаларнинг сўз ва сон билан ифодаланиши кабилар коррекция қилинади. Гап шундаки, дарсда бажариладиган машқлар орасида матндан кейин такрорландиган энг муҳим ўқув материали бу инглиз тилида сонларнинг айтилишидир. Бинобарин, бошқа машқларни бажариш, олдинги дарслардагига қараганда, камроқ вақт ва меҳнат талаб этади.

Мазкур дарсда махсус диктант ўтказилди. Унга 10 минут вақт ажратилди. Диктант рақамларни такрорлашга бағишланди: (1) инглиз тилида муаллим турли сонларнинг номларини айтади, талабалар уларни рақам билан ёзишади, (2) рақамлар ёзилган тарқатма материал берилади, талабалар уларни сўз билан ёзишади. (Диктант хоҳлаган дарсда ўтказилиши мумкин, ягона шарт у ёки бу гуруҳда такрорланаётган сўз, сўз бирикмаси, жумлалар ва микроматнларни ёзишда хатоларга йўл қўйилганда, олдиндан

огоҳлантирилиб, турли лисоний билимлар бўйича ёзма иш олиш тавсия этилди).

Lesson 8 (The eighth lesson)

Машғулотнинг мақсади талабаларнинг нутқий (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) малакаларини ривожлантиришдан иборат. Ҳар доимгидек, матн ўқишга ва диалог бажаришга аудитория тўлиқ жалб этилади. Our House матнини ўқиш жараёнида бинонинг қаватлари ҳақида инглиззабонлар ва ўзбекларнинг фикр юритишларидаги лингвокультурологик хусусиятларига эътибор қаратилади: the ground floor –(бинонинг) пастки қавати, the first floor-иккинчи қават (*амер.биринчи қават*), the second floor-учинчи қават (*амер.иккинчи қават*) ва ҳ.к.з. Маданиятлараро мулоқот чоғида инглизларнинг ушбу сўзлашувдаги фарқинини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Талабаларга янгилик сифатида уй жиҳозлари номлари инглизча терминологик лексикада илк бор умумлаштириб берилмоқда: Articles of furniture (bed, sofa, chair, suite, etc.), modern conveniences (electricity, gas, toilet, lifts, etc.), Electric and other equipment (lamp, refrigerator, vacuum-cleaner, television-set, music-centre, etc.). Фурсатдан фойдаланиб, инглизча терминлар ва полисемантик сўзлар борасида йўл-йўлакай изоҳ бериб ўтамиз: article-хўжалик буюм(лар)и; мақола; *грам.* артикль. Lift-кўтармоқ (to lift one's hand against somebody); лифт (кўп қаватли бинода, Country-мамлакат/ватан; қишлоқ (шаҳарга қиёсан). Матн ва 4-машқ таркибидаги бир қатор кўшма сўзларга талабаларнинг эътибори қаратилди: dining-room, bathroom, living-room, sitting-room.

Бундай лингвокультурологик ҳодисаларни изоҳлаш талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, қизиқиш бўлганда, мотивацион кўтаринкилик содир бўлади.

Баён этилган нутқий ва лисоний машқлардан ташқари талабаларга тил техникаси (талаффуз қоидалари) машқи ҳам берилди. Бунда инглиз тилига

хос урғу турлари коррекцияга тортилди. Саксон минутлик дарс давомида барча машқларни бажаришга 60 минут вақт сарфланди. Қолган 20 минут эса 1-7-машғулотларда коррекциядан ўтказилган ўқув материалнинг қўшимча коррекцияталаб жиҳатларига сарфланди. Масалан, reading of vowels in the four of syllable, reading of letter combinations, numerals and their reading, etc.

Lesson 9 (The ninth lesson)

Кириш машғулотларининг ҳозиргача ўтилган саккизтаси талабаларнинг теварак-атрофига оид мавзуларни қамраб олган эди. Ушбу дарсда English-speaking Countries номи остида матн ва у билан боғлиқ машқлар берилган. Илк бор тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида информатив ўқиш машқи бажарилмоқда. Англия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларнинг давлат тили мақомини олган инглиз тили бошқа кўплаб минтақаларда иккинчи тил даражасида ўрганилаётганлиги тўғрисидаги маълумот талабалар учун мотивацион аҳамиятга эга. Инглиз тилини қуйидаги мақомлари таъкидланади: the official language, the national language, the international language, native/mother language, the second language кабилар янги информация тарзида ўрганилди. Талабалар бундай ахборотни матн ўқиш орқали ва диалог бажариш чоғида эгалладилар, аниқроғи, аввалдан маълум бўлган уларнинг тарқоқ билимлари ушбу дарсда муайян тизимга туширилди.

Дарсда диграфларнинг ўқилиши ҳам такрорланди. Корректив материал деярли барча диграфларни қамраб олган. Талабаларга таниш мисолларда диграфларнинг ўқилиши намоёниш этилди.

Кейинги 10-машғулотдан олдин 1–9-дарсларда коррекциядан ўтказилган нутқий, лисоний ва техникавий ўқув материалларининг ўзлаштирилишини аниқлаб олиш учун оралиқ назорат ташкил этилди. Бундай назоратга пухта тайёргарлик кўриш йўлида тўрттала нутқ фаолияти турида машқлар бажарилди. Гапириш ва ёзув машқлари қўлланмада етарли

ўрин олганлиги синов давомида маълум бўлди. 5-дарсада матн ўқиш муаммоси бир қадар ёритиб берилди.

Тўққизта машғулот жараёни ва натижасини кузатиш ва дастлабки таҳлил кўрсатишича, талабалар тинглаб тушунишда нисбатан қийинчиликлар сезишди. Шу муносабат билан 9-дарсдан бошлаб аудитив машқларга кўпроқ вақт ва куч сарфлашга эҳтиёж пайдо бўлди.

Тажриба-синов чоғида тавсия этилган тинглаб тушуниш машқлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Тинглаб тушунишни ўргатиш машқларидан намуналар.

1. *Тинглаш ва такрорлаш машқлари* (Listening and repeating):

а. товуш, сўз, сўз бирикмаси ва жумлани тингланг (аудитив машқ);

б. тақлид усули билан уни такрорланг (репродуктив машқ);

в. тинглаб такрор айтганингизни ёдда сақланг (меморизация машқи).

2. *Тинглаш ва саволларга жавоб бериш машқлари* (Listening comprehension and answering):

а. гап ва микроматн ҳажмидаги аудиоматериални тингланг (коммуникатив-аудитив машқ);

б. саволларга жавоб қайтаринг (коммуникатив машқ).

3. *Ахборот ўзлаштириш машқлари* (Task listening):

а. тингланг ва матндаги ахборотни ўрганинг (шартли коммуникатив-когнитив машқ);

б. оғзаки нутқни тинглаш жараёнида олинган ахборотни турли контекстларда оғзаки ва ёзма тарзда қўлланг (соф коммуникатив машқ).

4. *Интерактив тинглаш машқлари* (Interactive listening):

а. оғзаки баён этилган дискурс (амалий матн) мазмунини тушуниб олинг (рецептив машқ);

б. тингланган дискурс мазмунига когнитив муносабат билдиринг, танқидий таҳлил қилинг (соф ижодий коммуникатив-когнитив машқ);

в. вазиятга қараб, аудиоматн мазмунига шахсий фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг (продуктив-коммуникатив машқ).

Тавсия этилган [151:71-72] инглиз тилида тинглаб тушуниш машқлари мазмунининг мухтасар тавсиф ва талқинини келтирамиз:

Биринчи тур (Listening and repeating) машқлари инглизча тил ходисалари билан танишиш, уларни тақлидан тинглаш ва ёдда сақлаш мақсадларида бажарилади.

Аудиолингвал методикада кенг қўлланиладиган (бихевиористик услубдаги) ушбу машқлар янги ўқув-лисоний материални тинглаб-тушуниб ёд олиш орқали ўзлаштиришга мўлжалланади. Бинобарин, улар америка чет тил ўқитиш методикаси доирасида ишлаб чиқилган патерн-дрил (pattern-drill) тоифасига мансублиги ва лингвистик структурализм назариясига асосланганлиги билан бирга уларнинг когнитив психология/лингвистика маълумотларига мос келиши назарий ва экспериментал тарзда исботланди.

Иккинчи тур (Listening comprehension and answering) машқларидан кўзланадиган мақсад қисмма-қисм бериладиган ахборотларни тинглаб тушунишни назорат қилишга қаратилган.

Мазкур машқлар тузилишидан кўринадики, улар муайян мавзу доирасида тинглаш ва савол-жавоб моделига асосланган бўлиб, тарқоқ ҳолда баён этилган ахборотларни умумлаштиришга хизмат қилади. Машқни бажариш жараёнида талабаларнинг инглиз тилидаги луғат бойлиги ва ўрганилмиш грамматик ходисаларни нутқий фаолиятда янада мустаҳкамлашга эришилади ҳамда соф коммуникатив машқни тайёрлашга замин яратилади.

Учинчи тур (Task listening) машқининг тинглаб тушунишни ўргатишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Масала шундаки, талаба тилнинг функционал мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида оғзаки шаклдаги дискурсни эгаллаш билан машғул бўлади. Ўзга шахс оғзаки нутқини идрок этиш чоғида талаба ўзлаштирилмиш ахборотни табиий

мулоқотда эгаллаб боради. Бундай таълимий вазифани бажариш талабаларнинг чет тил ўрганишдаги мотивациясини кучайтиришга йўллайди. Чунки бунда “тингланг-қўлланг” ёки “тингланг-бажаринг” (Listen and Use/Do) моделига оид методик услубдан фойдаланилмоқда: олинган ахборотни талаба нутқий мулоқотда қўллаш, яъни у ёки бу ақлий-нутқий муаммони ҳал қилиш билан шуғулланмоқда. Аниқроқ айтганда, талаба дастур мавзусига боғлиқ ахборотни тинглаб ўзлаштирдими, шу пайтнинг ўзида уни айтиб бериши (гапириш) ёки ёзма шаклда баён этиши мумкин. Бу дегани, рецептив ўзлаштирилган ахборот продуктив нутқий фаолиятда қўлланиляпти. Машғулотнинг навбатдаги босқичида талаба ўзлаштирган ахборотни интерактив тарзда ижодий қўллаш билан банд бўлади.

Тўртинчи тур (Interactive listening) машқлари мақсади интерактив ўқув мулоқотида тинглаш ва гапириш малакаларини шакллантиришдир, яъни талабаларнинг танқидий тинглаш (critical listening) ва танқидий фикрлаш (critical thinking) қобилиятларини ўстиришдир.

Бу турдаги машқлар ёрдамида талаба реал ҳаётини хусусиятларга эга ўқув мулоқоти юритишга ўрганади. Якка-якка ва кичик гуруҳлар тингланган дискурс материалида тақдирот ва муҳокама қилишганда, тинглаш-гапириш-фикрлашнинг интегратив ва интерактив усулида фаолият юритадилар: “минбарда” сўзлаш, нотиқ билан мулоқотга киришиш, навбат билан гапириш, одоб билан нотиқнинг гапига аралашиш (инглиззабон халқлар, жумладан АҚШ аҳолиси орасида эркин содир бўладиган ҳодиса), мавзуни мулоқот чоғида ўзгартириш, суҳбатдош фикрига қўшилиш/қўшилмаслик, унинг тушунган/тушунмаганлигини текширишга қаратилган саволлар билан унга мурожаат қилиш ва б.

Бундай машқларнинг эътиборга молик жиҳатлари шундаки, уларни бажариш чоғида коммуникатив малакалар таркибини ташкил этадиган лингвистик/дискурсив/социолингвистик/стратегик ва б. компетенцияларни шакллантиришга эришилади [136] ва б.

Revision Lesson (1)

Такрорлаш дарсининг мақсади доирасига қуйидаги вазифаларни бажариш киради: (1) КККК машғулотларида талабаларнинг ҳозиргача шаклланган коммуникатив компетенциясини оралиқ назоратдан ўтказиш; (2) шу вақт мобайнида эришилган ютуқларни аниқлаш ва, айтиб чоғда, талабалар олган билим, кўникма ва малакалардаги етишмовчиликларни аниқлаб олиш ва (3) навбатдаги дарсларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш.

Корректив курснинг 1-9-дарсларида ўрганилган, аниқроғи, коррекция қилинган нутқий, лисоний ва техникавий материал такрорлаш дарсининг объекти ҳисобланади. Revision Lesson жараёнида янги лисоний, техникавий ёки нутқий (информацион) материал берилмади. Шу билан бирга, назоратда ўзгача машқ турларидан фойдаланилди.

Шундай қилиб, ушбу 80 минутлик оралиқ назорат дарси (Revision Lesson) қуйидаги тарзда ташкил этилди:

1. Юқорида таъриф-тавсифи келтирилган кириш машғулотларида ўқилган матнларни тинглаб тушуниш машқи ўтказилди, учта аудиоматн механик ёзувда тингланди: My Institute? My Future Profession? English-speaking Countries. Тинглашга қўйилган матнлар юзасидан савол-жавоб ўтказилди ва айрим талабалар уларнинг мазмунини ўз сўзлари билан айтиб беришди, бошқалари савол-жавоб машқида иштирок этишди.

2. Корректив курсда махсус такрорланган техникавий (асосан ўқилиш қоидаларига доир) ўқув материалида машқлар бажаришди:

1) Унли ҳарфларнинг тўрт бўғин турида ўқилишини аниқланг ва жадвалга берилган сўзлардан ёзинг: go, why, man, she, hen, hard, burn, twice, his, more, hired, farm, form, turn, ran, bird, but, five, here, mete, ten, tube, pure, tyre, fare, far, hot, cube, lynx, nine, god, thus, norm, note, name, myth, girl, type, her, gave, fire, mere, miss, cure, rare, forest, firm, fern.

Ҳарфлар	I бўғин (очик)	II бўғин (ёпик)	III бўғин (r+унли)	IV бўғин (унли+r+унли)
Aa	name, gave	man, ran	hard, far, farm	fare, rare
Ee	she, mete	hen, ten	her, fern	here, mere
Ii/Yy	why, twice, nine, type, five	his, lynx, myth, miss	firm, girl, bird	tyre, fire, hired
Oo	go, note	hot, god	norm, form	more, forest
Uu	tube, cube	thus, but	burn, turn	pure, cure

ea [J]	oo [H]	oy [OI]	ee [J]	oa [ou]	ou [L]	ey [eI]
teach	room	boy	street	road	cloud	they
meat	soon	toy	meet	coal	about	hey

2) Берилган сўзлар таркибидаги диграфларнинг қоидага биноан ўқиладиганларидан жадвалда тегишли мисоллар келтиринг: soon, metro, they, book, teach, room, because, bread, meat, near, hey, boy, blood, road, meet, door, street, toy, cost, about, coal, cloud, learn, money.

3) Икки хил ўқиладиган ундошларга берилган мисолларни жадвалга ёзинг: city, village, works, gymnast, central, garden, clean, group, exam, text, coat, exist, pens, taxi, speak, reads.

C		G		S		X	
[s]	[k]	[G]	[g]	[s]	[z]	[ks]	[gz]
city	clean	village	garden	works	pens	taxi	exam
central	coat	gymnast	group	speak	reads	text	exist

3. Корректив курс машғулотида такрорланган сўз ва сўз бирикмаларини оғзаки таржима қилиш ва улар иштирокида жумлалар тузиш машқи ўтказилди:

1) Таянч сўзларни ўқинг, таржима қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг: English, favourite, family, group-mates, engineer, profession, finish, graduate, study, dream, meal, listen, homework, cottage, college, travel, newspaper, magazine, day off.

2) Сўз бирикмаларини ўқинг, таржима қилинг ва уларни ўз нутқингизда қўлланг: Institute of Textile and Light Industry, first-year student, technology of cotton industry, at a quarter to seven, have breakfast/dinner/lunch/supper, have a rest, watch TV, go to bed, national/native official/foreign language, English-speaking countries.

Оралиқ назорат чоғида биринчи топшириқни бажариш (гапириб бериш) бўйича 240 талабадан 178таси қуйидаги кўрсаткичларни намойиш этишди:

102таси юқори (86-92) рейтинг балларини олишди, 50таси яхши (71-85) балларга эришишди, 26таси ўрта (55-70) баҳоланди. Қолган 62та талаба савол-жавоб машқидагина қатнашди, яъни учала мавзу юзасидан монолог нутқ юритишда иштирок этишмади. Лекин, бу биринчи топшириқни улар бажармади, дегани эмас. Чунки, улар ҳам баҳоликудрат гапириш (диалог) машқини бажардилар. Бевосита мавзуга оид инглиз тилида монолог нутқ юрита олмасалар ҳам муайян даражада экстраверт сифатида ўзларининг нутқий қобилиятларини намойиш этишди. Фақат савол-жавоб билан дарсда иштирок этганлар (62 талаба) уч тоифани ташкил этишди, чунончи 38таси, ҳам савол беришди, ҳам жавоб қила олдилар; талабалардан 16таси фақат саволга жавоб қайтара олишди; 8та талаба саволларга жавоб беришда ҳам қийналишди.

Иккинчи турдаги топшириқлар ёзма (жадвалда) бажарилди. Инглиз тилида талабаларнинг ўқиш техникасини ўзлаштириш кўрсаткичларининг таҳлилига кўра назорат гуруҳларига нисбатан тажриба гуруҳларида техникавий кўникма пухталиги билан ажралиб туради. Унинг асосий сабаби, коммуникатив компетенцияга бирламчи масала сифатида қаралганлигидан, деб биламиз.

Учинчи топшириқ комплекс вазифаларни ҳал қилишга қаратилди: талаба бир пайтнинг ўзида ўқиш, айтиш, таржима қилиш ва нутқда қўллаш

билан шуғулланди. Техникавий, лисоний ва нутқий кўникма ва малакаларни интеграциялаштириш туфайли юксак самарадорликка эришилди.

Lesson 10-18 (The tenth – eighteenth lessons)

Корректив курс сифатида тажриба-синовга кўйилган дарсларнинг навбатдаги 9 таси (10-18) да ҳам машқларнинг олдин тавсия этилган турларини бажариш давом эттирилди. Матн ўқиш, диалогик ва монологик мулоқот юритиш, лисоний ва техникавий машқлар ҳақида гап бормоқда.

1-9-дарслардан сўнг ўтказилган оралиқ рейтинг назорати (экспериментал тўхтам) натижаларидан келиб чиқиб, 10-дарсда айрим техникавий ва лисоний ходисаларни коррекция қилишга махсус машқлар берилди (бундай коррекцияталаб бирликлар назорат ва тажриба гуруҳларида миқдор ва сифат жиҳатидан турлича манзара касб этди). Умумий тарзда уларни тавсифлайдиган бўлсак, 2 бобда ёритилган талабаларнинг индуктив ва дедуктив фикрлашлари билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланади.

ККККнинг 10-дарсидан бошлаб, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ўқитиш технологияси таркибига яна бир топшириқ кўшимча қилинади. У ҳам бўлса, талабаларнинг бўлажак мутахассислигига оид ихчам матнларни ўқиш ва луғат ёрдамида таржима қилиш. Бу борада қуйидаги илмий-методик мулоҳазаларга суяниб иш кўрилди:

1.Талабаларнинг бўлажак касбига йўналтириш йўлида мазкур таълимий тадбирнинг аҳамияти бекиёсдир. Гарчи ихтисослик фанлари I курсда ўқитилмаса-да, бундай матнларни ўқиш тавсия этилмоқда. Сабаб уларни ўз касбига қизиқтириш, қолаверса, соҳавий матнлар орқали чуқур билим беришга қаратилган машқлар ҳақида ҳозирча сўз юритилаётгани йўқ.

2. Мутолаа қилинмиш соҳавий матн уйда ўқилади, ихтисослик терминларининг ўқилиш қоидаси ўзлаштирилади, холос. Махсус фанлар киритилган даврда соҳавий ахборотни ўзлаштириш осон кечади. Бу матнларнинг мазмунини гапириб бериш шарт қилиб кўйилмаяпти.

3. Луғат ёрдамида матн ўқиш ўзига яраша қийинчиликларни енгиб ўтишни тақозо этади. Жумладан, инглиз алфавити тартибини мукамал билиш талаб этилади. Ушбу мақсадда талабаларга алфавитни ёд олдиришдан ташқари, ундаги ҳарфларнинг ўрнини, яъни қайси ҳарфдан олдин ва кейин қайсиниси келишини махсус ўргатдик, масалан: с ҳарфи b ва d орасида, t ҳарфи s ва u орасида ва ҳ.к.з. Бусиз луғатдан фойдаланишда кўп вақт ва кучни беҳуда сарфлашга тўғри келади.

4. Касбий матнларда учрайдиган терминларнинг маъносини билиб олишга мўлжалланган машқлар ўтказдик. Луғатдаги бир нечта маънолардан муайян контекстга мос тушадиганини топа билиш малакасини шакллантириш зарур. Айниқса, аввал ўзлаштирилган умумисътемомол лексик қатламга мансуб сўзларнинг терминологик маъно ифодалашини фаҳмлашга эътибор қаратилди. (Бу ҳақда 2.3га қаранг).

5. Баён этилганлардан аён бўладики, соҳавий матн ўқиш таълимнинг ҳозирги босқичида (1 семестрда) коммуникатив йўналиш касб этмайди, балки лисоний-ташкилий ўқув вазифасини ҳал этишга қаратилади.

Вақти келганда (II-III курсларда) соҳавий матн ўқиш таълимий мақсад мақомига эга бўлади ва ихтисослик фанларини ўрганишда ёрдамчи омил вазифасини ўтайди, яъни соҳа бўйича чет тилда янги ва фойдали ахборот олиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

6. Тажриба-синовдан ўтказилаётган мазкур инновацион технологик усулнинг муҳимлиги яна шундаки, чет тилга ўқув режасида ажратилган умумий вақт бюджети (216 соат)нинг 40 соати корректив курсга сарфланиши, юзаки қараганда, кераксиз юмушга ўхшаб кетади, бироқ ушбу 40 (+20) соатлик КККК бошқа барча машғулотларнинг самарадорлигини таъминлашга замин яратади, чунки ушбу курс чет тил ўргатишни оптималлаштиришга, коммуникатив, дискурсив, лисоний ва техникавий замин ҳозирлашга мўлжалланади.

Хуллас, 10-18 дарсларни ўтишда қўлланмадаги [35] машқларга қўшимча соҳавий матн бериб бориш орқали ўрганилмиш чет тил ўқув предметининг касбий йўналтиришга эришилади.

Корректив курсда грамматик ходисаларга эътибор кам берилгандай туюлади. Талаба йўл қўядиган грамматик хатолар у ёки бу машқни ўтиш учун туртки бўлади. Лекин дарсни “назарийлаштириб” юбормаслик керак. Гап шундаки, грамматикани такрорлашда кўпроқ нутқий машқларга суяниш керак. Ҳатто “body language” дан фойдаланиш мумкин: “Pointing to the ground indicates the present? Pointing ahead is the future, pointing behind, over the shoulder, indicates the past”.

Lesson 10 (The tenth lesson). Дарсинг мавзусини ташкил этадиган Seasons and Weather матнини ўқиш чоғида йилнинг тўрт фасли ва уларда кузатиладиган об-ҳаво ҳақидаги умумлашма ахборотни талабалар анчагина қизиқиш билан кутиб олишди. Инглизча лингвокультурологик маълумотларни ифодаловчи қатор сўз ва ибораларни ўрганишди: to get shorter/longer (куннинг узайиши/қисқариши), heavy clouds(қалин булутлар), to snow hard(қалин қор ёғмоқ), to shine brightly (чарақламоқ-қуёш ҳақида), sunny days (серқуёш кунлар), storm (бўрон/довул), thunder (момоқалдироқ) ва ҳ.к.з.

Уйга қўшимча вазифа қилиб, Cotton матни берилди. Юқорида таъкидланганидек, ушбу матнни талабалар соҳавий терминологик луғат [40]дан фойдаланиб, она тилига ёзма таржима қиладилар. (Такрор эслатиш жоизки, ундаги янги терминологик лексикани нутқий мулоқотда қўллаш мажбурий эмас). Соҳавий терминлар фақат ўқиш ва таржима қилишга мўлжалланган, холос, бунда техникавий кўникма ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилган.

Lesson 11 (The eleventh lesson). Бу корректив курс дарсида Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган (Independent Uzbekistan) матн ўқилади. Инглиз тили воситасида талабалар мамлакатимиз ҳақида фойдали ахборот олишади. Унинг жиддий тарбиявий аҳамиятини акс эттирувчи сўз ва иборалар

мисолида амалга ошириладиган ватанпарварлик туйғусини уйғотишга қаратилган лисоний материалга бойлигини алоҳида уқтириб ўтмоқчимиз: the Independence Day, the state language, the Constitution of Uzbekistan, became a member of the UNO (the United Nations Organization), sovereign state, foreign economic relations, fruitful trade relations, natural resources, great future, etc.

Қўшимча уйда ўқиш учун дарс машқларидан ташқари ихтисосликка оид Silk матни берилади.

Lesson 12 (The twelfth lesson). Дарсда илк бор инглиззабон мамлакат мавзусида (Education in Great Britain) матн ўқишга киришилмоқда. Ўрта таълимда таниш бўлган сўз ва иборалар матн таркибида махсус такрорлашдан ўтказилади. Матнни ўқиш чоғида талаба қатор янги, мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимидан кескин фарқ қиладиган инфор­мацион маълумотларни олади: Буюк Британияда мажбурий таълим 5 ёшдан 16 гача (Шимолий Ирландияда бу рақам 4-6га тўғри келади). Биздаги 6 ёки 7 ёшдан бошланадиган бошланғич таълим, шубҳасиз, талабалар ҳаёлидан ўтади. Англия ва Уэльсда ўқув йили сентябрдан июлгача, Шотландияда августдан июн­гача, Шимолий Ирландияда сентябрдан июн­гача давом этади. Буюк Британия таълим тизимида қоидалаштирилган назорат усуллари ёритилган ва ҳ.к.з.

Буюк Британия таълим тизимини ўрганиш жараёнида талабалар унга хос лексик бирликларни ҳам ўзлаштирадilar: nursery, education, National Curriculum, religious education, county school, voluntary school, the General Certificate of secondary education, entry university education, Certificate of Pre-Vocational Education, etc.

Уйга вазифа тарзида қўлланмадаги машқларга қўшимча қилиб Wool матнини ёзма таржима қилишга берилади.

Lesson 13 (The thirteenth lesson). Машғулотнинг мазмуни Education in Uzbekistan матни атрофида бажариладиган машқлардан иборат. Бинобарин, мамлакатимизда таълим тизимининг хусусиятлари очиқ берилган. Буни матн

ўқиш ва 3-машқни бажаришда такрорланадиган лисоний (лексик) материалдан билиб олишади. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларининг маъно доирасида таълим масалаларини пухта ўрганиш имконияти яратилган: academic Lyceum, professional college, Final State Examination, to be tested in, State Test Center, Bachelor's degree, Master's degree.

Аудитория машқларига қўшимча қилиб, уйда ўқиш ва ёзма таржима қилиш учун Chemical Fibres матни берилади.

Lesson 14 (The fourteenth lesson). Буюк Британияда байрамлар (Holidays in Great Britain)ни нишонлаш хусусида ахборот алмашиш дарсининг асосий мақсадини ташкил этади. Шунга биноан талабалар матн ўқишади, диалогик мулоқот юритишади ва фикрларини ёзма баён этишади. Инглизларда анъана тусини олган April Fool's Day, Halloween, Christmas, the New Year каби миллий байрамларга тайёргарлик кўриш, уларни нишонлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида бой ва қизиқарли маълумотларни матндан ўрганишади. “Байрам” концептини ифодалайдиган лисоний бирликлардан қуйидагилар алоҳида эътиборга молик: to decorate, to celebrate, to receive cards, a day for fun, to wear masks, to put a candle inside the pumpkin, to light the candle, to play merry games, etc.

Матн ўқиш, савол-жавоб, диалог ва б. машқлар билан бир қаторда ёзма таржима қилиш учун Spinning матнини уйга вазифа қилиб берилади.

Lesson 15 (The fifteenth lesson). Буюк Британия байрамлари хусусида муайян тасаввурга эга бўлган (14 дарсда) талабалар энди Ўзбекистон байрамлари ҳақида матн ўқийдилар. Мамлакатимизда нишонланиб келаётган анъанавий байрамлардан March 8- Women's Day, March 21 – Navruz, May 9 – Day of Memory, September 1 – Independence Day, October 1 – Teacher's Day, December 8 – Constitution Day, January 1 – New Year's Day, Ramadan and Qurbon Hayit кабилар ҳақида анча муфассал ахборот олишади. Мазкур умумхалқ байрамларининг хос хусусиятларини инглиз тилида ўрганадилар, улар ҳақида савол-жавоб ва диалогик мулоқотни машқ қиладилар.

Инглиз тилида кенг қўлланиладиган суффикслар (-sion, -ssion, -tion, -ture, -sure, -cial)ни талабалар таниш сўзлар (television/revision, profession/session, revolution/celebration, picture/literature, pleasure/measure, special/official)да такрорлайдилар. Уларнинг айтилиши, ёзилиши, ўқилиши ва тинглаганда тушунилишини коррекция қилишади.

Аудиторияда 5та (1,2,4,5,7) машқ бажарилгандан сўнг уйда мустақил бажариш учун 3 та, шу жумладан қўшимча ўқиб таржима қилишга соҳавий матн Weaving берилади.

Lesson 16 (The sixteenth lesson). Ўзбекистон пойтахти (Tashkent) ҳақида матн ўқилади, диалог машқ қилинади, лисоний ва техникавий машқлар бажарилади. Шаҳарнинг 2200 йиллик ёшидан тортиб, унинг аҳолиси, илмий ва ўқув муассасалари, транспорти, маданий, саноат, сиёсий, савдо маркази эканлиги, халқаро миқёсда тутган ўрни ва б. ҳақида қизиқарли маълумотларни инглиз тилида олиш талабаларнинг лисоний мотивациясини оширишга хизмат қилади.

Қўлланма машқларига соҳавий матн Knitting. The Principles of Knitting. Knitted Fabrics ни қўшимча қилинади. Мустақил иш сифатида талабалар уни уйда луғатдан фойдаланиб таржима қилишади.

Lesson 17 (The seventeenth lesson). Талабалар ҳаёти билан бевосита боғлиқ спорт мавзусига оид “Sports and Games in Uzbekistan” матнини ўқиш улар учун нечоғли мароқли эканлиги тажрибада кўрилди. Спорт турлари, Ўзбекистоннинг машҳур спортчилари тўғрисидаги матний ахборот талабалар томонидан кўтаринки руҳ билан ўрганилди.

Тажриба-синовга қўйилган топшириқлар қаторида соҳавий матн Cloth Finishing ни ўқиш, таржима қилиш ушбу машғулотнинг қўшимча материали саналади.

Lesson 18 (The eighteenth lesson). Корректив курс машғулотларининг қўлланмадан ўрин олган сўнгиси Shopping мавзусига бағишланди. Иқтисодий мавзунини камраб олган бу матн талабалар учун ғоят қизиқарли бўлди. Унда

берилган мақоллар (Time is money, A clever man earns much, but fool man spends much, Time is gold) атрофида қизғин баҳс-мунозаралар авжига чиқди.

Мавзуйй луғат таркибидаги clothes, footwear, textiles, meat, fish, vegetables кабиларни ўрганиш талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарс якунида қўшимча ўқишга Designing матни берилди ва барча ўтилган (1–18) дарсларни бир қарра такрорлаш, кейинги дарсда якуний назорат ўтказилиши ўқтирилди.

Revision Lesson (2) – Final Control

Тадқиқот давомида ўтказилган корректив аудитория машғулотлари жами 40 соатни, мустақил ишлар 20 соатни ташкил этди. Аудиторияда ўқилган матнлар миқдори 18та (1–18дарсларда), қўшимча соҳавий матнлар сони 9та (10–18дарсларда), ундан ташқари 18та оғзаки мулоқот учун диалог намуналари берилди. 100дан ортиқ лисоний, техникавий ва нутқий машқлар бажарилди. Инглиз тилида сўз ва ибораларнинг ўқилиши, ёзилиши, айтилиши ва тинглаб тушунилиши тегишли машқларда коррекция қилинди.

Экспериментал машғулотларда доимий (ҳар дарсда) назорат ўтказиб турилди, 1–9 дарслардан сўнг оралиқ назорат ўтказилган эди ва энди 1–18 машғулотлар материалида якуний назорат ўтказишга қарор қилдик.

Ушбу назоратнинг мақсади тавсия этганимиз КККК материалининг ўзлаштирилишини якуний таҳлилга тортишдир. (Талабалар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларнинг экспериментал тўхтамини, ўқув амалиётига яқиндан ёндашиш ниятида Revision Lessons номи билан атамоқдамиз).

Доимий ва оралиқ назоратлар тажриба ва назорат гуруҳларида мувозий тарзда ўтказиб турилди. Бироқ бу ўринда фақат назорат гуруҳлари ҳақида сўз юритилмоқда, ҳар иккаласининг қиёсий таҳлилига кейинги параграф (3.2)да тўхталамиз.

Шундай қилиб, 1–20 кириш машғулотида (2таси Revision Lessons эканлигини эътибордан қочирмаслик керак) талабалар эришган натижалар қуйидаги тартибда текширувдан ўтказилди:

- 1) коммуникатив машқлар бажарилди;
- 2) лисоний машқлар бажарилди;
- 3) техникавий машқлар ўтказилди (Revision Lesson 1га қаранг).

Биринчи турдаги топшириқларни бажаришда ўқиб ўрганилган 18та матнинг мазмунини монологик мулоқотда айтиб бериш билан чекландилди.

Иккинчи тоифадаги топшириқларда талабалар оғзаки нутқда қўллай олмаган мураккаб сўзлар ва бирикмаларнинг она тилига таржимасини сўраш билан кифояландик.

Учинчи техникавий кўникма даражасини аниқлаш учун икки хил методик усулдан фойдаландик: (1) графемаларни тарқатма материалда бериб, уларни сўзда оғзаки айтиш ва ёзиш тавсия қилинди, (2) фонема айтиб турилди ва уни сўз таркибида қўллашни таклиф қилдик.

Учала топшириқ материали ва уларни бажариш натижаларини кейинги (3.2.) параграфда муфассал баён этамиз (мазкур параграфда тажриба-синов жараёни ёритилди).

Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили

Инглиз тилидан ўтказилган КККК бўйича тажриба-синовда қўлга киритилган натижаларнинг таҳлилига ўтар эканмиз, ушбу жараённинг ташкилий босқичларини бир сидра эсга олиб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Зеро, жараён (process) ва натижа (product) фалсафий маънодаги сабабият ва оқибат муносабати нуқтаи назаридан мушоҳада қилинади, ўрганилади, таҳлилга тортилади. Шундай қилиб, ККККнинг экспериментал тадқиқи давомида тайёрланган ўқув-методик материал асосида ўтказилган тажриба-синовнинг натижаларини миқдорий ва сифат таҳлилига киришамиз.

Олинган натижалар деганда, тажриба (experimental) гуруҳларида 240 синалувчи ва худди шунча микдорда назорат (control) гуруҳлари талабаларининг кириш машғулотларида ўзлаштиришган билим, кўникма ва малакалари назарда тутилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, назорат гуруҳларида одатий дарслар ўтилди, тажриба гуруҳларида эса тадқиқотда ишлаб чиқилган ККККнинг замонавий модели (2.3) педагогик амалиётга жорий этилди.

Анъанавий корректив курсда лисоний бирликларнинг ўқишиш, айтилиш, таниб олиш ва ёзилиш техникавий кўникмалари сўз, сўз бирикмаси ва ўта содда микроматнларда такрорланди. Тадқиқотда тавсия этилган инновацион технология бўйича эса коммуникатив-когнитив ёндашувга кўра дискурсив компетенцияни шакллантириш бирламчи таълимий мақсад қилиб қўйилди, яъни оғзаки/ёзма матн содир этилиши ва идрок қилиниши чоғида лисоний ва техникавий бирликлар коррекция қилинди. Бундай педагогик, аниқроғи, лингвометодик технологияни қўллаш нутқий мулоқот (communication) ва билиш (cognition)га қаратилганлиги билан анъанавий методикадан ижобий фарқ қилади.

Экспериментал ва одатий анъанавий машғулотларда I курс талабаларининг инглиз тилини билиш даражасини қиёсан аниқлашда тубандаги топшириқ ва машқлардан фойдаландик.

1. *Нутқий (коммуникатив-когнитив) топшириқлар:*

1.1. Матнни ўқинг ва мазмунини гапириб беринг (дарсларда ўқишга 18та матн берилди).

1.2. Матнни тингланг ва савол-жавоб машқи бажаринг (яна ўша матнлар жалб этилди).

1.3. Мавзуга оид монологик нутқ бажаринг (About Myself; My Friends; Future Profession; English-speaking countries; Sports and games).

2. *Лисоний-когнитив топшириқлар:*

2.1. Сўзларни ўқинг, таржима қилинг ва жумлаларда қўлланг:

abroad, always, ancestor, astronaut, athletics, bachelor, become, business, capital, climate, constitution, cotton, cooperation, dialogue, education, English, engineer, graduate, holiday, independence, institute, jeans, lecture, library, lunch, muslim, native, Navruz, Olympic, parents, profession, question, rewrite, shopping, sovereign, supermarket, technology, television, translate, USA, vocabulary, weather, Xerox, youth, zero.

2.2. Инглизча сўз бирикмаларини ўқинг, таржима қилинг ва ўз нутқингизда қўлланг: to be born, two hours a week, years old, to be good at, to be interested in, a three storied building, to be proud of, a first year student, to enter/graduate from the institute, well-educated person, to do one's bed/homework, to go by bus/on foot, to prepare/cook/have supper/dinner/lunch/breakfast, English-speaking countries, multinational independent country, the near future, compulsory education, Bachelor's degree, national/state/religious holidays, physical training, to go shopping.

2.3. Матндан хоҳлаган абзацни ўқинг ва инглизчабон халқлар маданиятига хос сўзларни топиб айтинг.

3. *Лисоний-техникавий топшириқлар.*

3.1. Қуйидаги сўзлардаги g, c, s, x ҳарфларининг ўқилиш қоидаларига кўра алоҳида гуруҳларга ажратиб ёзинг: city, plus, general, next, news, garden, exam, central, thus, exist, does, text, village, works, goal, box.

3.2. Унли ҳарфларнинг тўрт бўғин турида ўқилишига қараб сўзларни гуруҳларга ажратинг: name, home, note, norm, nine, mete, here, type, myth, form, fire, gave, hire, why, turn, tune, fire, fare, pure, same, no, five, she, mere, scythe, burn, mule, dare, sure.

3.3. Товуш-ҳарф муносабатига кўра сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзинг. Берилган мисоллардан унли товушларни ўз ичига олган мос сўзларни ажратиб ёзинг: teach, board, meet, coat, four, test, door, people, form, thus, hell, talk, tower, what, note, room, tongue, chair, room, blood, guest, parent, learn, heart, book, near, bird, farm, word, food, fool, why, lie, bread, could, day, field,

friend, fruit, real, guide, hour, town, eight, site, fire, group, round, say, said, high, quiet, quite, higher, young, youth, town, owner, saw, broad, grey, shoe, she, head, none, son, sun, boy, love, myth, warm, worm, home, house, here, where, there, were, was.

Масалан: [ʃ] – teach, meet, people, field, she.

(Унли товушлар: 1 [ʃ], 2 [ɪ], 3 [e], 4 [x], 5 [R], 6 [L], 7 [O], 8 [H], 9 [u], 10 [A], 11 [W], 12 [q], 13 [eɪ], 14 [ou], 15 [aɪ], 16 [Oɪ], 17 [ɪq], 18 [Fq], 19 [uq], 20 [Qu])

Якуний назорат ўтказишда ушбу уч гуруҳ (1–коммуникатив-когнитив, 2–лисоний-когнитив, 3–техникавий-когнитив) топшириқлардан қуйидаги тартибда фойдаландик.

Биринчидан, коммуникатив топшириқлар орқали талабалар дискурсив компетенцияси текшириб кўрилди, чунончи: ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш машқлари 1-18 дарслар материалида бажарилди (соҳавий матнлар, юқорида таъкидланганидек, назоратга киритилмади). Тинглаш ўқитувчи ва талабаларнинг жонли нутқида ва механик ёзув (диктор нутқи)да амалга оширилди.

Иккинчидан, диалог ва монолог шаклдаги талабалар нутқининг мазмунига эътибор қаратилди (йўл қўйилган лисоний камчиликлар иккиламчи масала сифатида ҳисобга олинди).

Учинчидан, коммуникатив топшириқларни бажариш жараёнида нутқнинг лисоний (лексик/грамматик/талаффуз) жиҳатига ҳам эътибор берилди. Мазмунга путур етказадиган қўпол хатоларни бартараф этиш учун махсус корректив машқ ўтказилди.

Лисоний-когнитив топшириқлар (2.1, 2.2, 2.3) сўз ва сўз бирикмаларининг ўқилиши, маъносини очиш ва нутқда қўлланишга (операцион машқлар)га бағишланди, улар аудиторияда ўқилган матнларнинг таянч сўзларини ўз ичига олади ва инглиззабон халқларнинг лингвокультурологик хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам, ўқиш

ва она тилига ўгириш билан чекланиб қолмасдан, талабалардан уларни нутқда қўллаш талаб этилмоқда.

У ч и н ч и қисм материали қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

Инглиз тили ўқув предмети бўйича техника ОЎЮ 1 курс талабалари учун мўлжалланган “Коммуникатив-когнитив корректив курс”нинг тажриба-синовдан ўтказиш чоғида олдиндан махсус тайёрланган ўқув материали асосида 40 соат аудитория машғулоти ўтилди ва 20 соат мустақил иш бажарилди. Тажриба-синовда республикадаги уч олий ўқув юрти–Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Наманган муҳандислик ва иқтисодиёт институтида таҳсил олувчи 240та талаба тажриба гуруҳларига ва яна шунча талаба назорат гуруҳларига жалб этилди. Тажриба гуруҳларида диссертант ишлаб чиққан КККК моделидан фойдаланиб, кириш машғулотлари ўтказилди, назорат гуруҳида эса жорий дарсликдаги Кириш курси доирасида дарслар олиб борилди.

Ҳар иккала гуруҳ учун тажриба-синовнинг муштарак жаҳатлари қуйидагилардан иборат: талабалар сони тенг, дарс ва аудиториядан ташқари ишларга ажратилган соатлар миқдоран фарқ қилмайди, машқларда такрорланадиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) материал ўқув дастурига биноан олинган, яъни миқдоран ва мазмунан улар бир меъёрда, ва машғулот ўтиш шарт-шароитларида ҳам тафовут йўқ.

Тажриба гуруҳларида инглиз тили бўйича олиб борилган кириш машғулотларининг назорат гуруҳларидаги дарслардан фарқи қуйидагиларда намоён бўлди. Дастур ва дарсликдаги лисоний минимумлар чегарасидан чиқмаган ҳолда замонавий лингводидактика талабларига жавоб берадиган дарс ишланмалари тузилди. Уларнинг ўзига хос методик жиҳатларини санаб ўтиш ўринли бўлади: мавжуд анъанавий фонетик, орфоэпик, пропедивтик ва

б. номларда қўлланиб келадиган корректив курсларда асосан нутқнинг лисоний тарафини коррекция қилиш билан машғул бўлишади. Бундай методикадан бутунлай фарқ қиладиган коммуникатив-когнитив корректив курс инглиз тили ўқитиш амалиётига жорий этилди. Ушбу корректив курснинг ижобий томонлари шундаки:

Биринчидан, инглиз тилида дискурсив компетенцияни коррекция қилиш чоғида лисоний ва техникавий бирликлар такрорланади. Янада соддароқ ифода қиладиган бўлсак, инглиз тилида гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантириш жараёнида тил ходисалари ва лисоний қоидалар такрорланади. Демак, нутқий мулоқот (коммуникация) орқали талабаларнинг билиш фаоллиги оширилади. Улар ўқиган/тинглаган матндан янги ахборот олишади, инглизча нутқни содир этиш(гапириш/ёзув)да бошқаларга муайян маълумот узатишади. Бундай методик ёндашувда дискурсив лаёқатни мустаҳкамлаш билан бир пайтда лингвистик компетенция ҳам шакллантириб борилади.

Иккинчидан, корректив курс материални кўтаринки рух (юксак мотивация) билан такрорлашни таъминлаш мақсадида ўқилиш қоидаларини ўрганиш машқларига талабанинг бўлажак касбига оид терминологик лексика киритилди ва устига-устак 10-18 дарсларда уйга вазифа қилиб соҳавий матнлар бериб борилди (тўғри, улар информатив ўқиш учун эмас, балки луғат билан ишлашни ўргатишга мўлжалланган).

Учинчидан, мазкур кириш машғулотларининг яна бир инновацион тарафи шундаки, инглизча ўқиш техникасига оид ўқув материали 40 соат ичида тўлиқ коррекция қилинади, ундан кейинги дарсларда ўқиладиган матнларда нотаниш ўқилиш қоидалари учрамайди, қисқаси, информатив ўқишга мустаҳкам замин ҳозирланади, бу дегани мазкур корректив курс келгусида ўтиладиган барча инглиз тили дарсларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади;

Тўртинчидан, тажриба-синовга қўйилган 18та дарсда бажарилган мотивацион, операцион ва инфорацион машқлар мазмуни ва таркиби, корректив курснинг ижобий натижаларига кўра, ўзини тўлиқ оқлади, уларни оммавий тарзда қўллашга тавсия этилса, айна муддао бўлади. Кириш машғулотларида коммуникатив, лисоний ва техникавий топшириқларни бажариш натижаларидан аён бўлдики, комплекс тарзда чет тил ўргатиш технологияси таълимнинг оптимизация (мақбул) ва интенсификация (жадаллаштириш) принципларига мос келади. Зеро, талаба нутқий мулоқот юритиш (коммуникация) билан бир пайтда билиш (когнитив) фаоллигини ҳам оширмоқда.

Х О Т И М А

Тадқиқотда илк бор ишлаб чиқилган ва педагогик амалиётга жорий этилган ушбу “Коммуникатив-когнитив корректив курс” нолисоний, аниқроғи, техника олий ўқув юртларининг биринчи курс талабалари эҳтиёжини қондиришга мўлжалланади. Чет тил, жумладан инглиз тили ўқитиш методикаси, қолаверса, жаҳон лингводидактикасида кириш машғулотларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган адабиётлар ҳаддан ташқари кўп бўлишига қарамай, мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган қатор назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишга баҳолиқудрат ҳаракат қилиб кўрилди.

Илмий изланиш давомида бир қатор, бизнинг фикримизча, устувор лингвотехнологик муаммолар қўйилди ва муайян даражада улар назарий ва экспериментал тарзда ўз ечимини топди. Ишда қуйидаги муҳим натижаларга эришилди.

1. Мазкур соҳадаги терминологик чалкашликларга аниқлик киритиш мақсадини кўзлаб, “корректив курс” ва у билан узвий боғлиқ тушунчаларнинг лингводидактик талқини баён этилди. “Корректив курс” ва “Кириш машғулотлари” терминларини мувозий тарзда қўллаш ва уларга

синоним мақомини бериш маъқул топилди. Чет тил ўқитиш/ўрганиш тарихида турли корректив курслар амал қилиб келган, лекин танқидий таҳлил кўрсатишича, бундай курслар, турфа номланишидан қатъи назар, умумлаштириб қаралганда, икки тоифани ташкил этади: нутқий ва лисоний корректив курслар. Бинобарин, замонавий лингводидактика маълумотларига асосланиб, “Коммуникатив-когнитив корректив курс” мураккаб терминини тавсия қилдик. Унинг маъно доираси чет тилда нутқий мулоқот (communication) жараёнида билиш (cognition)га мўлжалланган кириш машғулотларини қамраб олади.

2. Лингводидактикада мавжуд корректив курсларни илмий-танқидий таҳлили натижаларига асосланиб, уларнинг методик тавсифини ишлаб чиқишга эришилди. Уларни номма-ном келтирамиз: такрорлаш курси, корректив курс, фонетика курси, тил ўрганишни илк бор ёки қайтадан бошловчилар курси, кириш курси, бошланғич маълумот бериш курси, тайёрлов курси кабилар. Мавзуга доир масалаларнинг ҳозирги ҳолати ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар, диссертация ва илмий мақолалар материалида танқидий ўрганилди ва тегишли илмий-методик хулосалар чиқарилди. Мазкур курсларнинг бирортасида коммуникатив-когнитив ёндашув ва маданиятлараро мулоқот назариясидан келиб чиқадиган нутқий ва лисоний машқлар комплексини бажариш назарда тутилмаган. Кириш машғулотларида кўзга яққол ташланадиган яна қатор жиддий камчиликлар очиб берилди.

3. Замонавий корректив курсга қўйиладиган лингводидактик талаблар мажмуи ишлаб чиқилди. Уларга кўра, биринчи навбатда, “чет тил ўқув предмети” тушунчаси қамровига кирадиган ҳаётий ахборот, нутқий мулоқот, лисоний материал ва тил техникаси каби компонентларининг ўзаро тур-жинс мантиқий муносабати аниқланди. Ахборотнинг нутқий мулоқот жараёнида ва лисоний бирликлари ҳамда тил техникаси воситасида ўзлаштирилиши, демак, ахборот олиш/бериш таълимий мақсад, қолган уч компонент

(мулоқот, бирликлар ва техника) восита эканлиги исботлаб берилди. Ундан ташқари “тил-нутқ-маданият” трихотомияси(триадаси) аталмиш лингвистик, аниқроғи, лингвокультурологик таълимотни чет тилга татбиқ этиш йўли билан дунёнинг когнитив ва маданий манзарасини тадқиқ қиладиган фанлар маълумотлари корректив курсга жалб этилиши муаммосига аниқлик киритилди. Кириш машғулотларида аввал ўтилганларни такрорлаш, тиклаш ва коррекция қилиш билан бир пайтда қўшимча янги материал ўргатишни комплекс ҳолда амалга ошириш ғояси илгари сурилди.

4. Замон талабига мос келадиган корректив курснинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди, чунончи: “чет тил” ўқув предметининг узлуксиз таълим тизимидаги дидактик мақоми аниқланди ва унинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бир сўз билан, нолисоний олий ўқув юртида чет тил касбий йўналтирилган умумтаълим ўқув предмети мақомида ўргатилади/ўрганилади. Шунга биноан кириш машғулотлари мазмуни ва тизимини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди. Чет тил кириш машғулотларини, мажозий маънода, ўқув предметининг миниатюрадаги варианты, деб аташимиз ўринлидир.

5. Чет тил таълимидаги корректив курснинг уч таркибий қисми ўз ичига олиши муаммоси узил-кесил ҳал қилинди: (1) ўргатиш/ўрганиш объекти, (2) корректив машқлар ва (3) ўқув материални ўзлаштириш босқичлари. Объект деганда, нутқ фаолияти турлари(тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) бўйича малакалар, лисоний (лексик, грамматик, талаффуз) кўникмалар, тил техникаси (ўқилиш, ёзиш, айтиш, таниб олиш қоидалари) тушунилмоқда.

Чет тилда билим, кўникма ва малака (компетенция)ни шакллантирувчи (информацион), ривожлантирувчи (операцион) ва такомиллаштируви (мотивацион) машқларни бажариш корректив курснинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ўқув материални ўзлаштириш такдимот (presentation), машқ қилиш (training), нутқда қўллаш (using) ва назорат (control/self control) сингари тўрт босқичдан иборат таълимий жараён ҳисобланади.

Корректив курс мазмуни ва тузилмасини аниқлаш йўли билан кириш машғулоти ўтишнинг методик тизими яратилди.

6. Нолисоний олий ўқув юртлири талабалари учун инглиз тилидан “Коммуникатив-когнитив корректив курс” (КККК) модели ишлаб чиқилди. Чет тил ўргатиш мазмуни компонентлари модель асосини ташкил қилди. КККК моделини яратишда (1) чет тил таълимида узлуксизликни таъминлаш, (2) замонавий лингводидактик талабларни ҳисобга олиш, (3) кириш машғулотларини касбий йўналтириш, (4) талабалар нутқий ва фикрлаш фаолиятини рағбатлантириш, (5) нутқий фаолиятни индуктив ва дедуктив эгаллашга табақалаштириб ёндашиш, (6) чет тил лисоний ва нутқий аспектларини яхлит қамраб олиш, (7) корректив курсда аввал ўрганилган ва янгитдан такдим этилаётган ўқув материални мувозий тарзда такрорлаш ва ўзлаштириш каби илмий-методик принципларга риоя қилинди.

7. Тадқиқотда ёритилган илмий-методик маълумотлар тажриба-синов ишларида апробациядан ўтказилди. КККК, ўзининг лингводидактик моҳиятига кўра, инновацион технология эканлиги тегишли далиллар билан исботланди: моделлаштириш методидан фойдаланиб, чет тилнинг мақомини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда тил техникаси, лисоний материал ва нутқий мулоқот таълимий восита, нутқий мулоқот натижаси (ахборот олиш/бериш) эса таълим мақсади сифатида кириш машғулотида ўргатилди. Тажриба-синовга қўйиладиган ўқув материал ва топшириқлар мазкур ғояга таянган ҳолда тайёрланди ва амалиётга жорий этилди.

8. Тажриба-синов ишларида эпизодик машқлар эмас, балки яхлит системага солинган 18та кириш машғулоти (ва иккита экспериментал тўхтама) ўтказилди, 40 соат аудитория дарси ўтилди ва 20 соат мустақил иш бажарилди. Интерференция, қийинчилик, хато ва машқ аталмиш

лингводидактик категориялар инновацион талқинга тортилди: қийинчилик интерференция оқибати, хато қийинчилик туфайли содир бўлади. Машқлар қийинчиликни бартараф қилиш ва, айти пайтда, хатонинг олдини олиш омилидир. Назарий ва экспериментал тадқиқот кўрсатишича, КККК чет тил (инглиз тили) ўргатиш/ўрганиш муаммоларини ҳал этишда мақбул (оптимал) методик ёндашув эканлиги ва уни оммавий тарзда қўллаш мумкинлигини бемалол эътироф этишга кафолат беради.

Ушбу тадқиқотда эришилган натижалар қуйидаги **илмий-методик тавсиялар**ни бериш имкониятини яратди:

1. Инглиз тили мисолида ишлаб чиқилган ва назарий ҳамда экспериментал апробациядан ўтказилган мазкур Коммуникатив-когнитив корректив курс, универсал хусусият касб этиши муносабати билан, барча чет тилларни турли нолисоний олий ўқув юртларида ўқитишда ҳам бемалол татбиқ этилиши мумкин. Бошқа тиллар учун лисоний материал таркибига ўзгартиришлар киритилиши табиий ҳолдир. Корректив курснинг лингводидактик мазмуни ва тизимида учрайдиган у ёки бу нолисоний ихтисослик учун фақат ўқиш техникаси машқлари ва соҳавий матн таркибида терминологик лексика алмаштирилади, холос.

2. Ишлаб чиқилган корректив курс методик системаси чет тил дарсликларининг янги авлодини тузишда ҳисобга олинса, фойдадан холи бўлмас, деган фикрдамиз (Жорий дарсликларда бундай курслар талаб даражасида эмаслиги илмий-методик далиллар билан исботланди). Нутқий (коммуникатив), лисоний ва техникавий топшириқлардан иборат комплекс дарс ишланмалари чет тил ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Ушбу монографияда ёритилган назарий маълумотлар филологик олий ўқув юртлари учун тайёрланадиган ўқув дастури, дарслик ва қўлланмалар мазмунини белгилашда ҳам қўл келади. Зеро, корректив курс

назарияси умумий йўналишга эга бўлиб, фақат ўқув материали, яъни соҳавий матнлар ва терминологик лексика фарқ қилади.

4. Замонавий кириш машғулотларининг чет тил ўқитиш курси доирасида интеграция қилиниши асосий курс учун “таълимий кўприк” вазифасини ўташи ва умумий (асосий) курс белгиларини ўзида тўлиқ акс эттириши каби лингводидактик муаммолар устида янгидан-янги илмий изланишлар олиб бориш истиқболдаги вазифалар сирасига киради.

5. Келажакда тадқиқотчиларнинг эътиборига ҳавола қилинадиган яна бир муҳим лингвопсихологик муаммо талабаларнинг лисоний (linguistic), ижтимоий (social) ва психологик-типологик (psychological-typological) хусусиятларини комплекс тарзда мукамал ўрганишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбек ва рус тилларида

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этишимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2016. 59б. (Б. 14).
2. Каримов И.А. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 1875- сонли қарори. Тошкент. 10 декабрь 2013 йил.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1998.– 479 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.
5. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Иностранные языки в современном мире: эволюция методики обучения. – Ташкент: Фан, 2000. –271 с.
6. Алексеева И.В. Ситуативные картинки на уроках английского языка // ИЯШ. –2001.– №6. – С.29-31.
7. Алмазова Н.И. Когнитивные аспекты формирования межкультурной компетентности при обучении иностранному языку в неязыковом вузе: Автореф. дис. ... докт. пед. наук.– Санкт-Петербург: РГПУ, 2003.– 47 с.
8. Английский язык. Повторительный курс (Для неязыковых вузов).– Москва: Высшая школа, 1968. –114 с.
9. Астахова Е.А. Развитие умений межкультурного общения в обучении иноязычной устной речи на начальном этапе языкового факультета (на материале немецкого языка): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Пятигорск: ПГЛУ, 2003. –19 с.
10. Ахметова Л.Т. Пересказ как форма развития монологической русской устной речи старшеклассников узбекской школы: Дисс. ...канд. пед. наук.– Ташкент: УзГУМЯ, 1993 . –170 с.
11. Барышников Н.В. Параметры обучения межкультурной коммуникации в средней школе // ИЯШ. –2002. –№2.– С.28-32.
12. Бахарева Е.А. Развитие навыков устной речи в начале обучения немецкому языку.[Из опыта учительницы Л.М. Кумминг, 74-я школа Ленинграда] // ИЯШ. –1959. –№2.– С. 83-86.
13. Бекина Л.А. Краткий повторительный фонетико-орфографический курс английского языка. –Ярославль: Технологический институт, 1970. – 48 с.
14. Белкина Г.А., Левина Л.В. Коррективный курс по фонетике английского языка. –Москва, 1971. –109 с.
15. Бердичевский А.Л. Современные тенденции в обучении иностранному языку в Европе // Русский язык за рубежом. –2002. –№2. – С. 60-65.
16. Берлина И.К. English for beginners: Учебное пособие по английскому языку (для начинающих). –Пермь: ПГУ, 1963 [1964]. –93 с.

17. Борщовецкая В.Д. Обучение студентов-экономистов английской профессиональной лексике: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. –Киев: КНЛУ, 2004. –20 с.
18. Бухбиндер В.А. Основы обучения лексике в средней школе (на материале немецкого языка): Автореф.дисс. ... докт. пед. наук.– Москва: НИИСиМО, 1972.– 36с.
19. Вводный курс английского языка. –Ч.І. –Москва: МГПИИЯ, 1972. –71 с.
20. Воробьев В.В. Лингвокультурология: Монография. –Москва: РУДН, 2008. –336 с.
21. Выготский Л.С. Мышление и речь. –Москва: Лабиринт, 1999. –352 с.
22. Гейвин Х. Когнитивная психология.–Санкт-Петербург:Питер,2003.–272 с.
23. Герасименко С.Л. Формирование коммуникативной культуры будущего медицинского работника в процессе изучения иностранного языка: Дис. ... канд. пед. наук. –Курск: КГТУ, 2007. –282 с.
24. Гжаниянц Э.М., Стабунова Л.Г. Коррективный фонетико-речевой курс: Пособие для студентов.–Изд.3-е. –Ленинград: Просвещение, 1974. –159 с.
25. Горышник Л.А. Вводный-фонетический курс английского языка: Пособие для работы на начальной учебной-установочной сессии. Для студентов-заочников I курса пединститутов и факультетов иностранных языков / Под ред. В.А.Васильева. –Москва: Учпедгиз, 1957. –160 с.
26. Гурвич П.Б. Теория и практика эксперимента в методике преподавания иностранных языков.- Владимир: ВГПИ, 1980.- 102 с.
27. Dadachodshajewa M., Nowikowa S., Allajarowa A., Nasarow K., Makeewa E. Deutschkurs. –Tashkent: 2005. –355 b.
28. Денисова И.Г., Поталуева А.А. Вводно-фонетический курс: Практическое пособие по фонетике английского языка для студентов гуманитарных наук. – Москва: МГУ, 1968. – 86 с.
29. Джалалов Д.Д., Икромхонова Ф.И. О модифицированном варианте вводного курса по иностранному языку // Иностранные языки: лингвистические и методические аспекты: Материалы международной научно–практической конференции, посвященной 50–летию факультета иностранных языков. – Благовещенск (Россия): БГПУ, 2010.– С.125-128.
30. Джусупов Н.М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Ташкент: НУУз, 2006. –26 с.
31. Елизарова Г.В. Культура и обучение иностранным языкам. – Санкт-Петербург: Каро, 2005. –352 с.
32. Есипович К.Б., Миссюра Н.А. Методические рекомендации по обучению во время устного вводного курса и в переходной период. Немецкий язык // ИЯШ. – 1969. - №3. – С. 59-65.
33. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: Дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –368 б.

34. Жалолов Ж.Ж. “Чет тил” ўқув предметининг таълим тизимидаги мақоми хақида // “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари даражасида чет тилни ўқитишнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎзДЖТУ, 2005. –Б.10-11.
35. Jalolov J.J., Umirzaqov T.B., Ikromxonova F.I. English practical phonetics. Ingliz tili amaliy fonetikasi. –Toshkent: TDPU, 2010. –112 b.
36. Жалолов Ж.Ж. Лингводидактик неологизмлар илмий таснифи хусусида: мухтасар тарихи, талқини ва истиқболи масалалари // Қиёсий чоғиштира, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари: Филология фанлари доктори профессор Ғанижон Аҳмедович Ҳошимов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Андижон: АндДУ, 2010. –Б. 28-34.
37. Зотова В.С. Вводно-фонетический курс по английскому языку [Учебное пособие].–Москва: Институт усовершенствования врачей, 1970.–133 с.
38. Ивакова А.К., Сатинова В.Ф. Английский язык. Коррективный курс: Пособие для самостоятельной работы студентов: Учебное пособие для студентов пединститутов. – Минск: Вышэйшая школа, 1991. –176 с.
39. Иванова Н.Л. Профессиональная идентичность в социально-психологических исследованиях // Вопросы психологии.–2008.–№1.–С.89-100.
40. Ikromxonova F.I. Inglizcha-ruscha-o'zbekcha to'qimachilik sanoati atamaları lug'ati. –Toshkent: TTYeSI, –2009 . –30 b.
41. Икромхонова Ф.И. О содержании, структуре и методической системе коррекционного курса по иностранному языку // Высшее образование сегодня. – Москва, 2010.–№12. –С.70-72.
42. Ирискулов М.Т., Шатунова А.С. English phonetics.–Тошкент, 2007.–223 б.
43. Исмаилов А.А. Teacher's guide. Short Intensive computer lingaphone course of social English: Пособие для начинающих изучать английский язык. – Ташкент: Университет, 1997.–374 с.
44. Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. In English about Russia and the whole world.–Санкт-Петербург: Союз, 2007.–480с.
45. Калинина С.В. Использование познавательных задач как приём активизации мыслительной деятельности учащихся // Об опыте использования активных методов обучения иностранным языкам: Тезисы докладов X Республиканской научно-методической конференции. –Алма-Ата: АГИИЯ, 1983. –С.102-103.
46. Карабаев У. Этнокультура: Учебное пособие.–Тошкент: Шарқ, 2005.–240 с.
47. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. –Москва: Гнозис, 2004. –390 с.
48. Касабова М.М. Коррективный курс фонетики английского языка: Учебное пособие для неязыковых вузов.–Москва: Высшая школа, 1966.– 100 с.

49. Клейменова Т.М. Дифференцированная коррекция речевых ошибок как дидактический прием, активизирующий речевую деятельность студентов (на материале обучения английскому языку в неязыковом вузе): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Москва: МГПИ, 1989. –16 с.
50. Кобков В.П. Ускоренный вводный курс английского языка // В помощь преподавателям иностранных языков / Отв. ред. В.Н. Купрянова. –Вып.3. – Новосибирск: Наука, 1972. – С. 12-41.
51. Колесникова И.Л., Долгина О.А. Англо-русский терминологический справочник по методике преподавания иностранных языков. –Санкт-Петербург: Блитц, Cambridge University Press, 2001. –290 с.
52. Колычева С.Г. Начальные сведения по английскому языку. Для неязыковых вузов. –Москва: Высшая школа, 1979. –164 с.
53. Коннова З.И. Развитие профессиональной иноязычной компетенции будущего специалиста при многоуровневом обучении в современном вузе: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. –Калуга: КГПУ, 2003. –38 с.
54. Коноплева В. Примерная разработка вводного курса по немецкому языку // ИЯШ. –1940. –№4. – С.18-28.
55. Корочкина М.Г. Формирование межкультурной компетенции в техническом университете (английский язык): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Таганрог, 2000. –20 с.
56. Коханская В.А. Английский язык для подготовительных отделений педагогических институтов. –Минск: Вышэйшая школа, 1991.– 146 с.
57. Крюкова О.А. О семантике термина-концепта // Вестник МГУ. –Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. –2008. –№4. – С.105-113.
58. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. –Москва, 1990. –145 с.
59. Курашвили Е.И., Михалкова Е.С. Английский язык: Вводно-фонетический курс для студентов, начинающих изучение языка в техническом вузе. –Москва: Высшая школа, 1982. –183 с.
60. Леонтович О.А. Введение в межкультурную коммуникацию: Учебное пособие. –Москва: Гнозис, 2007. – 368 с.
61. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. –Москва: Смысл; Санкт-Петербург: Лань, 2003. –287 с.
62. Лобанова Л.П. О языке науки и условиях глобализации // Филологические науки. –2007. –№2. –С.82-91.
63. Лукина Н.Д. Фонетический вводно-коррективный курс английского языка [Учебное пособие для институтов и факультетов иностранных языков]. –Москва: Высшая школа, 1985. –204 с.
64. Лютова С.М. Основы психологии и коммуникативной компетенции: Курс лекций. –Москва: МГИМО, 2007. –268 с.
65. Малькова Е.В. Формирование межкультурной компетенции в процессе работы над текстами для чтения (немецкий язык в неязыковом вузе,

- факультет с расширенной сеткой часов): Дис. ... канд. пед. наук. –Москва: МГЛУ, 2000. –263 с.
66. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие. –3-е изд. –Москва: Академия, 2007. –208 с.
67. Маслова В.А. Homo Lingualis в культуре: Монография. –Москва: Гнозис, 2007. –320 с.
68. Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. –Ташкент: Фан, 2010. –208 с.
69. Межкультурная коммуникация и проблемы национальной идентичности: Сборник научных трудов / Под ред. Л.И. Гришаевой, Т.Г. Струковой. – Воронеж: ВГУ, 2002. –648 с.
70. Мильруд Р.П., Максимова И.Р. Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам // ИЯШ.– 2000. –№4. –С. 9-15.
71. Монигетти А. Вводный курс по немецкому языку // ИЯШ. –1940. –№4. –С.14-17.
72. Морозенко В.В., Турук М.Ф. Коррективный курс английского языка для неязыковых вузов: Учебное пособие. –2-е изд., испр. и доп. –Москва: Высшая школа, 1980. –128 с.
73. Мусурмонов Р. Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва бошқариш: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2008. –25 б.
74. Никитенко З.Н. Особенности организации устного вводного курса по английскому языку во II классе // ИЯШ. – 2004. –№4. –С. 32-38.
75. Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе / Под ред. А.А. Миролюбова, И.В. Рахманова, В.С. Цетлин.–Москва: Просвещение, 1967. –504 с.
76. Ольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце XX века: итоги, тенденции, перспективы // Лингвистические исследования в конце XX века. – Москва: ИНИОН РАН, 2000. –С. 26-55.
77. Опельбаум Е.Ф., Ямпольская Е.О. Коррективный курс по английскому языку: Учебное пособие для I курса неязыковых вузов. –Москва: Высшая школа, 1967.– 116 с.
78. Павлова С.Н., Яковлева Е.Б. Фонетический курс английского языка: Для самостоятельной работы студентов-историков / Под ред. С.Г. Тер-Минасовой. –Москва: МГУ, 1990. –59 с.
79. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения говорению. –Москва: Просвещение, 1991. –224 с.
80. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. –Москва: Русский язык, 1989. –276 с.
81. Пассов Е.И., Кибирева Л.В., Колларова Э. Концепция коммуникативного иноязычного образования (теория и её реализация): Методическое пособие для русистов. –Санкт-Петербург: Златоуст, 2007. –200 с.

82. Практический курс английского языка для взрослых / Под ред. В.Д. Аракина. –Москва: Международные отношения, 1967. –168 с.
83. Прохоров Ю.Е., Стернин И.А. Русские: коммуникативное поведение.–3-е изд. –Москва: Флинта-Наука, 2007. –328 с.
84. Рахманов И.В. Обучение устной речи на иностранным языке. – Москва: Высшая школа, 1980. –120 с.
85. Розин В.М. Введение в культурологию. –Москва: Междунар. пед. академия, 1994. –103 с.
86. Романова С.В. Формирование готовности студентов сельскохозяйственного вуза к профессионально ориентированной иноязычной коммуникации: Дис. ... канд. пед. наук. –Оренбург: ОГУ, 2008. –197 с.
87. Рощупкин В.Г. Формирование кросс-культурной грамотности студентов в процессе обучения в педагогическом университете: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Самара: 2002. –26 с.
88. Русский язык. Вводно-корректировочный курс: Учебное пособие / Сост. М.Р. Мирхабибова, А.У. Саитова, Ш.А. Хамрокулова. –Ташкент: ТГПУ, 2004. –147 с.
89. Савенко Е.Н. Построение тематического цикла занятий на первом семестре неязыкового вуза // ИЯШ. 1968. –Вып 4. –С. 10-16.
90. Сатторов Т.К. Лингвокультурологический подход в обучении иностранным языкам // Theorio und praxis. Materilien der deutsch-uzbekischan wessenshaflichen konferenz. 16-17 mai, 2008. –Т.:TSPU, 2008. – С. 350-354.
91. Sattarov T.K. English for Law Students. –Tashkent, 2005. –359 p.
92. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. –92 б.
93. Сафонова В.В. Коммуникативная компетенция: современные подходы к многоуровневому описанию в методических целях. –Москва: Еврошкола, 2004. –236 с.
94. Сафонова В.В. Культуроведение и социология в языковой педагогике. – Воронеж: Истоки, 1992. –181 с.
95. Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранным языкам. –Москва: Высшая школа, Амскорт интернэшнл, 1995. –168 с.
96. Смирнов И.Б. Вводный курс немецкого языка: из опыта построения модели // Актуальные вопросы преподавания немецкого языка в средней школе : Учебно-методическое пособие для учителя. –Санкт-Петербург: Каро, 2005. –160 с. (С. 29-50).
97. Соловова Е.Н., Кривцова Е.А. Социокультурные лакуны: типология, причины появления и способы заполнения при изучении иностранных языков // ИЯШ. –2006. –№5. –С.2-7.
98. Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам: базовый курс лекций. –Москва: Просвещение, 2005. –239 с.
99. Соловова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам: продвинутый курс. –Москва: Астрель, 2008. –272 с.
100. Солсо Р.Л. Когнитивная психология. –Москва: Тривола, 1996. –275 с.

101. Стернин И. А. Контрастивная лингвистика. Проблема теории и методики исследования. –Москва, АСТ: Восток-Запад, 2007. –288 с.
102. Стеченко Т.А. Формирование профессионально-ориентированной англоязычной грамматической компетенции будущих филологов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Киев: КНЛУ, 2004. –24 с.
103. Сысоев П.В. Концепция языкового поликультурного образования (на материале культуроведения США): Дис. ... докт. пед. наук. –Москва: РГБ ОД, 2004. –546 с.
104. Сысоев П.В. Культурное самоопределение обучающихся в условиях поликультурного образования // ИЯШ. – 2004. №4 – С. 14-20.
105. Сысоев П.В. Языковое поликультурное образование: что это такое? // ИЯШ. –2006. –№4. –С. 2-14.
106. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. –2-е изд.– Москва: МГУ, 2004. –352 с.
107. Томахин Г.Д. Лингвистические аспекты лингвострановедения // ВЯ.– 1986. –№6. – С. 113-119.
108. Томахин Г.Д. Лингвострановедение: что это такое? // ИЯШ. – Москва, 1996. –№6. –С. 22-27.
109. Томахин Г.Д. США: Лингвокультурологический словарь / Dictionary of the USA. – Москва: Русский язык, 2000. –576 с.
110. Учебное пособие по вводно-коррективному курсу английского языка. Для студентов 1 курса. – Москва: МГПИИЯ, 1979. –109 с.
111. Федорова О.И. «Подход к обучению» иностранным языкам как методическая категория // Традиции и инновации в методике обучения иностранным языкам // Под ред. М.К. Кольковой. –Санкт-Петербург: Каро, 2007. – С. 12-13.
112. Федотовская Е.И. Методика развития критического мышления как важного фактора формирования иноязычной коммуникативной компетенции в специализированных вузах (на примере общественно-политической тематики. Английский язык): Дис. ... канд. пед. наук. –Москва: РАО, 2005. – 180 с.
113. Федченко А.В. Этнокультурная специфика формирования языкового сознания русских и американцев в школьном возрасте: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва: МГЛУ, 2005. – 238 с.
114. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. –Москва: Высшая школа, 1989. –159 с.
115. Формановская Н.И. Коммуникативно-прагматические аспекты единиц общения. –Москва: Институт русского языка им. А.С. Пушкина, 1998. –291 с.
116. Фурманова В.П. Межкультурная коммуникация и лингвокультуроведение в теории и практике обучения иностранным языкам. – Саранск: Изд-во Мордовского университета, 1993. –123 с.

Ф. ИКРОМХОНОВА, А.ПОЗИЛОВ

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ
ТИЛИДАН КОРРЕКТИВ КУРС ЯРАТИШ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ**

(нолисоний олий ўқув юртлари учун)

Мухаррир: Д.Нормаматова

Тех.мухаррир: Г.Шайзаков

Мусавир: Ф. Раҳимов

Мусахҳиҳа:

Компьютерда саҳифаловчи: Ф. Газибекова

Нашр лиц.АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди. 25.11.2019 йил.

Бичими 60x84 “Time Uz” гарнитураси. Офсет усулида босилди. Шартли
босма табоғи 8,8. Нашр босма табоғи. 8. Тиражи 300. Буюртма “ 141.